АФСУНГАРЛАР СОВҒАСИ

О'Генри

Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

Ilgari berilmalar miqdori ______	
10/02.21й 61	
18.02.21й 1150	
26-02-21й 586	
09-03-21й 373	
31-03-21й 816	
19.04.21 489	

АФСУНГАРЛАР СОВҒАСИ

О'Генри

ТОШКЕНТ
«АДАБИЁТ УЧҚУНЛАРИ»
2018

УЎК: 821.111
КБК: 84(7)
Г – 78
Афсунгарлар совғаси: ҳикоялар. О'Генри / Рус тилидан Обидхон Исмонов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт учқунлари. 2018. – 208 бет.

ISBN 978-9943-5258-9-4

Рус тилидан
ОБИДХОН ИСМОНОВ
таржимаси

ISBN 978-9943-5258-9-4

МАҲОРАТ ВА БАДИИЙЛИК УЙҒУНЛИГИ

Адабиётшунослару наср ихлосмандлари орасида гап ҳикоя, айниқса новелла ҳақида кетганда, бу жанрнинг забардаст қаламкашлари, уч буюк устуни – О'Генри, Антон Павлович Чехов ва Абдулла Қаҳҳор номларини эсламсликнинг ҳеч иложи йўқ. Зеро, уларнинг ҳар бири бу борада ўз ижодий мактабини яратган буюк қаламкашлардир.

Асли исми Уильям Сидни Портер бўлган ва ўзига О'Генри тахаллусини танлаган адиб 1862 йилнинг 11 сентябрида АҚШнинг Шимолий Каролина штатида таваллуд топган. Мактабни битиргач, доришунослик касбини эгаллаган, аммо бу соҳада деярли ишламаган.

У мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган. Биринчи ҳикоялари матбуот нашрларида чоп этилган пайтда эса у... банкда кассир бўлиб ишлаётганида пулларни исроф қилгани учун уч йиллик қамоқ жазосини ўтаётган эди.

Муаллифнинг дастлабки ҳикоялари тўплами «Тўрт миллион» деб номланган ва 1906 йили чоп этилган. Кейинчалик унинг «Ёниб турган шамчироқ», «Ғарб юраги» ва бошқа тўпламлари ҳам китобхонлар қўлига етиб борган ва улар адабий жамоатчилик томонидан қизиқиш билан кутиб олинганди. Чунки унинг асарлари танқидий руҳи, бадиийлиги, мавзуларнинг долзарблиги, адиб позициясининг аниқлиги

билан ажралиб турарди. О'Генрининг битта йирик асар – «Қироллар ва карам» романини яратгани маълум. У 1904 йили нашр этилган.

О'Генри ҳикояларининг қаҳрамонлари «кичкина» одамлар. Улар турли соҳа вакилларидир. Ораларида сотувчилар («Қирмизи кўйлак»), кир ювувчилар, дазмол босувчилар, гўлахлар («Санъатга муҳаббат туфайли»), оддийгина уй бекалари («Афсунгарлар совғаси»), ресторан официантлари («Тильданинг дебюти»), ишсиз ва бошпанасиз дайди («Полициячи ва қўшиқчи»), идора хизматчиси («Бир соатлик муносиб ҳаёт»), спортчи («Ранчодаги сиҳатгоҳ»), ўғри («Рус сувсарлари»), ҳеч ким танимаган рассом («Сўнгги барг»), собиқ молбоқар («Юрак ва хоч») ва бошқа касб эгалари бор. Уларни бирлаштириб турадиган хислатлар эса биринчи ўринда бу тимсолларнинг самимийлиги, қилаётган ишларининг бошқалар учун зарурлигини яхши англашлари, бундан завқ ола билишлари ва бу йўлда мақсад сарим дадил интилишларидир.

О'Генри яхши маънода сўзга жуда зиқна муаллиф. Ўзи қаламга олган қаҳрамонларнинг ҳаётини ва характерини бир-икки эпизодда бор бўйи ва ҳамма томони билан кўрсатиб беради. Уларни у бундоғу бу мундоғ деб баён қилиб ўтирмасдан, бирорта ҳаракатида ички дунёси қандай, қайси маънавий чашмадан сув ичишини китобхоннинг ўзи тасаввур қилиб олади. Жумладан, ушбу тўпламни очувчи ҳикоядаги қаҳрамонлардан бўлган Диллингемлардан бири эрига байрам совғаси қилиш учун ўзининг ягона бойлиги бўлган мафтункор сочларини сотган бўлса, иккинчиси эса суюкли рафиқасининг қувончини кўриш учун авлоддан авлодга ўтиб келаётган соатининг пулига хотини орзу қилиб юрган тўғноғичларни сотиб олади. Уларнинг иккаласи ҳам

ўзидаги бор бойликларидан ажралганларига куюнмайдилар, севган кишиларига қувонч онларини тақдим эта олганларидан ўзларини бахтиёр ҳис этадилар. Муаллиф эса уларни янги йил совғаларини тақдим этиш одатини бошлаб берган афсунгарларга қиёслар экан, ўз қаҳрамонларининг энг катта хазинаси уларнинг покиза ва меҳрга лиммо-лим қалби эканлигига ишора қилади.

Адиб яратган тимсоллар ёнимиздаги, бизга таянч бўлувчи одамларни қадрлашга, уларга имкон қадар озор бермасликка, оғирини енгиллатишга ундайди. Шунинг учун «Санъатга муҳаббат туфайли» ҳикояси қаҳрамони Дилия мусиқадан дарс беряпман деб кирхонада дазмол босувчи бўлиб ишлайди ва оила харажатлари учун ўзи пул топаётганидан ва суюкли эрига ижод билан шуғулланишига имкон яратаётганидан самимий қувонса, унинг суюклиси Жо эса чизган расмларимни сотдим деб алдаб, гўлаҳлик қилиб топган пулларини оиласига сарфлаётганидан бахтиёр.

Маънавий баркамоллик америкалик адибнинг юксак идеалларидан бири. «Пианино» ҳикояси қаҳрамонларидан бири Марилланининг мусиқа асбоби ўрнига пианинога қадаб қўйиладиган ускунани олиб келган отасига бирор марта таъна қилмагани ва у вафот этмагунича бу ҳақда ҳатто энг яқин кишиларига ҳам бир оғиз шикоят қилмаганининг, «Ранчодаги сиҳатгоҳ» ҳикояси қаҳрамони Рейдлернинг собиқ спортчи, энди эса сил касаллигининг оғир шаклига чалинган Мак-Гайрни ўз ранчосига тузатгани олиб кетгани ва бунда бу иши учун бирор цент ишлаб олишни хаёлига ҳам келтирмагани, касал йигитнинг инжиқликларига чидаганининнг боиси ҳам шунда. Бу қаҳрамонларнинг иккаласи ҳам ўзини бошқача тутолмайди. Бошқаларга яхшилик қилиш

уларга ҳаводек зарур нарса бўлиб қолган. Кимнингдир кўнглини қолдириш эса улар учун фожианинг ўзгинаси. Шу сабабдан ҳам Марилла яхшилик қиламан деб янглишган отасига озор етказишни фарзандлик шаънига номуносиб иш деб ҳисоблайди.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган муаллиф инсон қалбининг нозик билимдонларидан. У баъзан жамият ёмон отлиққа чиқариб қўйган одамларнинг ҳам руҳиятида ёруғ нуқталар борлиги, агар уларга худди моҳир табибдек тўғри ёндашилса, эътибор берилса, озгина руҳий-маънавий мадад бериб юборилса, бу нуқталар уларнинг руҳиятидаги барча доғларни ювиб юбориши мумкинлиги, аммо жамият ҳали бунга тайёр эмаслигига диққатни қаратади. Неча марта қамалганини ўзи ҳам унутиб юборган Сопи («Полициячи ва қўшиқчи»)нинг эски черковдан таралаётган орган мусиқаси таъсири остида ўзи қулаган тубанликдан чиқиб, яна ҳалол яшашга қайтишга аҳд қилгани, аммо оддийгина боғ панжарасини шунчаки ушлаб турганлиги учун ҳам қамоқ муддати бериладиган мамлакатда инсонни, унинг маънавияти ва эркини эъзозлаш муҳитини яратиш учун ҳали бундай мусиқа шайдоларидан бир неча авлоди мана шундай нохолис ёндошувлар қурбони бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хулосага эса китобхоннинг ўзи келади.

Адолат ва ҳаққонийлик О'Генри яратган тимсолларнинг байроғи. «Тугалланмаган ҳикоя»даги нариги дунёда Яратган билан бандаларининг ўртасида кафилликка турувчи, ёзувчи тушида кўрган ва фаришталар улар учун кафил туришни истамаган бир гуруҳ басавлат кишиларнинг айблари эса ёруғ дунёда қизларни ишлатиб, уларга ҳафтасига 5-6 доллардангина ҳақ тўлаганларидир. Бу эса қаламкаш назарида гуноҳи азимнинг ўзгинасидир. Шу-

нинг учун ҳам, фаришта-полициячи «Сиз шу тўдаданмисиз?» деб сўраганида, у булар даражасида тубанлашмагани, бор-йўғи «етимхонага ўт қўйгани ва мис тангаларидан фойдаланиш учун кўр тиланчини ўлдиргани»ни айтади...

Ёзувчининг чуқур ишонишича, инсоннинг бойлиги унинг ҳамёнидаги пуллару устидаги қимматбаҳо тақинчоқларда эмас, балки кимгадир керак бўлиб, кимгадир ўзи бахт бўлиб яшашидир. «Ёниб турган шамчироқ «ҳикояси қаҳрамони Нэнсини кўрган бой-бадавлат дугонаси Лу унинг кўзлари, юзи, гап оҳангида сезиб, эътироф этган ҳаёт ҳақиқати ана шудир.

Ташвишлари катта, лавозимлари ва маошлари кичик, сезилмас одамлар ўз самимийликлари, маънан покизаликлари, ниятларининг софлиги туфайли ўз ташвишларини бошқаларнинг елкасига ортиб қўймайди. Энг оғир дамларда ҳам бировлардан мурувват кутиб яшамасдан, ўз муаммоларини, чигал масалаларни ўз кучи билан ҳал қилади. Уларнинг жозибаси ҳам, муаллифнинг маҳорати ҳам айнан шундадир.

О'Генри 48 ёшида, 1910 йили Нью-Йоркда вафот этган.

Таржимондан.

АФСУНГАРЛАР СОВҒАСИ...

Бир доллару саксон етти цент. Бор-йўғи шу. Улардан олтмиш центи бир центлик тангачалар. Бу тангачаларнинг ҳар бири учун баққол, кўкатфуруш, қассоб билан шундай тортишиш, савдолашишга тўғри келдики, бундай тежамкорликни мазкур сотувчилар сўзсиз маъқуллашмагани, ёқтиришмаганини сезиб турган қизнинг қулоқларигача қизиб кетди. Делли пулни уч марта қайта санади. Бир доллару саксон етти цент. Эртага эса Рождество.

Бундай вазиятда қилиш мумкин бўлган ягона иш – эски каравотга ўзини ташлаш ва ўкириб йиғлаш, холос. Делли айнан шундай қилди. Бу ҳолатдан эса ҳаёт кўз ёшлар, хўрсиниш ва табассумлардан иборат, аммо унда хўрсинишлар улуши кўпроқ, деган фалсафий хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади.

Уй бекаси бу босқичнинг ҳаммасидан ўтиб олгунича, уйга бир назар солиб оламиз. Ҳафтасига саккиз доллар ҳақ олинадиган мебеллар билан жиҳозланган хонадон. Унинг ҳолати ўтакетган қашшоқлик эмас, яққол кўзга ташланувчи, сукут сақловчи камбағаллик, деб баҳоланиши мумкин. Кириш эшигига хатлар учун қутича қоқиб қўйилган, унинг тирқишидан бирорта хатни ўтказиш амримаҳол. Эшикда электр қўнғироғининг тугмачаси бор-ку, аммо ундан Яратганнинг бирорта бандаси ғинг деган товушни чиқаришга эриша олмаган. Буларнинг ёнида «М-р Жеймс Диллингем Юнг»

ёзувли карточка ҳам бор. «Диллингем» сўзи ушбу исм эгаси ҳафтасига ўттиз доллардан маош олган яқин ўтмишдаги фаровонлик даврида алоҳида бир қаторга чўзиб ёзилганди. Энди даромад йигирма долларгача пасайганда, «Диллингем» сўзидаги ҳарфлар худди камтаргина ва камсуқум «Д» ҳарфигача қисқариш керакмикан, деб жиддий ўйланиб қолгандек хиралашиб қолишган. Аммо жаноб Жеймс Диллингем Юнг уйига келганида ва ўз хонадони жойлашган юқори қаватга кўтарилганида, уни ҳар доим сизга аллақачон Делли исми билан таништирилган Жеймс Диллингем Юнг хонимнинг «Жим!» деган ёқимли хитоби ва меҳрли ҳамда назокатли оғуши қарши оларди. Бу эса, очиғини айтганда, жуда ёқимлидир.

Делли йиғлашни бас қилди ва ёноқларини момиқ сочиқ билан артди. У энди дераза олдида турар ва кўримсиз ҳовли ёқалаб тикланган, ундан ҳам кўримсизгина қўра бўйлаб сайр қилиб юрган кул ранг мушукка маъюс қараб турарди. Эртага Рождество байрами, унда эса Жимга совға олиш учун атиги бир доллару саксон етти цент бор, холос! У узоқ ойлар давомида ҳар бир центни қаттиқ қийинчилик билан тежаб қолиб, эришган натижаси атиги шу бўлди. Ҳа, ҳафтасига келадиган йигирма доллар билан узоққа боролмайсан. Харажатлар у мўлжаллаганидан, ҳисоб-китоб қилганидан ортиқроқ чиқиб қолди. Харажатлар доимо кўпайиб кетади ўзи. Жимга совға олиш учун атиги бир доллару саксон етти цент! Унинг суюкли Жимисига! Рождество байрамига нима совға қилишни ўйлаш асносида у қанча қувончли лаҳзаларни ўтказди. Жимга айнан тегишли, жуда бўлмаганда озгина муносиб, нодир, ниҳоятда камдан-кам учрайдиган, алоҳида ажралиб турадиган қимматбаҳо нарса олиш керак.

Хона деворининг деразалар орасидаги қисмида бўй баравар кўзгу (трюмо) турганди. Ҳафтасига саккиз доллар ижара ҳақи тўланадиган мебелли хонадаги кўзгуда ўзингизни кўришга ҳеч тўғри келганми? Жуда озғин ва ниҳоятда ҳаракатчан одам, унинг тор табақаларида акслар (инъикос)ларнинг изчил алмашинишини кузатар экан, ўзининг ташқи кўриниши ҳақида анча аниқ тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Нозиккина Делли бу санъатни аллақачон эгаллаб олганди.

У бирдан ўзини дераза олдидан орқага олди ва кўзгуга тикилиб, қотиб қолди. Унинг кўзлари ёнарди, аммо йигирма сония ичида юзининг рангида ранг қолмади. Шошилинч ҳаракатлар билан у сочларидаги қисқичларни чиқариб олди ва сочларини ёйиб юборди.

Сизга шуни айтишим керакки, Жеймс Диллингем Юнг оиласида уларнинг фахрланишларига арзийдиган иккита бойлик бор эди. Биттаси – Жимнинг олтин соати. У илгари Жимнинг отаси ва бобосига тегишли бўлган. Иккинчи хазина Деллининг сочлари эди. Агар афсонавий Сулаймон шоҳнинг инжиқ, бадавлат рафиқаси Сав маликаси қарама-қарши уйда яшаганида, Делли у зоти олияларининг ҳамма либослари ва тақинчоқлари хиралашиб, жозибасини йўқотиши учун сочларини ювиб, уларни атайлаб дераза олдида туриб қуритарди. Агар шоҳ Сулаймон шу уйда швейцар бўлганида ва ҳамма бойликларини ертўлада сақлаганида, унинг ҳасаддан соқолини юлаётганини кўриш учун Жим ҳар гал атайлаб чўнтагидан соатини чиқарган бўларди.

Мана, ҳозир ҳам Деллининг ажойиб, бетакрор сочлари қизғиш-қўнғир (каштан) рангли шаршаранинг нафис ва бетизгин оқимидек ялтирар ва товланарди. Улар аёлнинг тиззаларидан ҳам пастга тушган ва унинг гавдасини ёмғирпўшдек

ўраб олганди. Аммо у шу заҳотиёқ сочларини асабий ҳолатда шошилганича яна йиға бошлади. Сўнгра, худди иккиланиб қолгандек, бирор дақиқа ҳаракатсиз туриб қолди ва кўзларидан икки томчи ёш эски қизил гиламга тушди.

Жигарранг одмигина камзулни елкага, худди шу рангдаги унниққан шляпани бошга илиб, юбкасини шилдиратганича, кўзларида чақнаб турган нур билан у энди кўчада елиб борарди.

Олдида у тўхтаган пешлавҳага «Сопхроние хоним. Сочлардан ясалган турли хил буюмлар» деб ёзилганди. Делли иккинчи қаватга югуриб чиқди ва аранг нафасини ростлаб тўхтади.

– Менинг сочларимни сотиб олмайсизми? – сўради у шошиб хонимдан.

– Мен соч сотиб оламан, – бамайлихотир жавоб берди хоним. – Фақат аввал шляпангизни ечинг, мен маҳсулотни кўришим керак.

Яна қизғиш-қўнғир шаршара ёйилди.

– Йигирма доллар, – деди хоним, қуюқ соч массасини қўлида, ўзи одатланганидек, чамалаб кўраркан.

– Тезроқ бера қолинг, – деди Делли.

Кейинги икки соат орзу қанотларида учгандек ўтди. Меъдага тегиб қолган ташбеҳ учун узр сўрайман. Делли Жимга совға излаб, дўконма-дўкон изғирди.

Ниҳоят, у излаганини топди. Бу нарса, шубҳасиз, Жим учун, фақат унинг учун яратилган эди. Делли деярли барча дўконлардаги нарсаларни ағдар-тўнтар қилмаса ҳам, ҳаммасини кўриб чиқди – бунга ўхшаш нарса топилгани йўқ. Бу чўнтак соатларига осиб қўйиладиган платина занжир тақинчоқ бўлиб, у хўжакўрсинга ялтиратиб қўйилмаган, ўзининг оддий ва жиддий тасвири билан мафтун қиларди.

Зеро, асил нарсаларнинг ҳаммаси шунақа бўлади. У Жимнинг соатига муносиб эди. Делли уни кўриши билан бу занжир Жимга жуда яхши совға эканини тушунди. Делли худди Жимнинг ўзи каби эди. Камтарлик ва қадр. Бу хислатлар уларнинг иккаласини бошқалардан ажратиб турарди. Кассага йигирма бир доллар тўлашга тўғри келди. Делли чўнтагида саксон етти цент билан уйга шошилди. Бундай занжир билан Жим ҳар қандай жамоа орасида соат неча бўлганини билиш учун уни олиб қарашга уялмайди. Соати қанчалик ажойиб бўлмасин, у кўпинча соатига ўғринча қараб қўйишга мажбур эди. Чунки соат одам қарашга ҳам ийманадиган, эски чарм тасмага илиб қўйилганди

Уйда Деллининг ҳаяжони ва ҳовлиқиши анча пасайди ва унинг ўрнини босиқлик, тадбирлилик ва тежамкорлик эгаллади. У сочларини жингалак қиладиган қисқичларни топди, газни ёқди ва муҳаббат билан йўғрилган олийҳимматлилик етказган бузилишни тўғрилай бошлади. Бу эса, дўстларим, доимо оғир, машаққатли ва оғриқли меҳнатдир.

Қирқ дақиқаям ўтмасдан унинг боши мактабдаги дарслардан қочиб кетаётган ўғил болаларнинг сочларига ҳайрон қоладиган даражада ўхшаш бўлган жингалак сочлар билан қопланди. У кўзгудаги аксига диққат ва танқидий назар билан узоқ тикилди.

– Хўп, – деди у ўзига-ўзи, – агар Жим менга кўзи тушиши ҳамоноқ, мени ўлдирмаса, у мени Кони-Айленддаги хорда ашула айтувчига ўхшатиши тайин. Хўш, агар менда бор-йўғи бир доллару саксон етти цент бўлса, мен нима қилишим керак эди, нима қилишим керак эди?

Соат еттида қаҳва қайнатилган ва қизиган това қўзи гўштидан қилинган котлетларни қовуришга тайёр қилиб қўйилган эди.

Жим ҳеч қачон кечикмасди. Делли платина занжирчани қўлида қисганича эшикка яқинроқ турган стул четига ўтириб олди. Тез орада у пастдаги зинапоялардан чиқиб келаётган Жимнинг қадам товушларини эшитди. Ва юзлари бир лаҳзага оқарди. Унинг ҳаётий майда-чуйдалар сабаб худога қисқа ибодат билан мурожаат қилиш одати бор эди ва у шоша-пиша:

– Яратган Эгам, шундай қилгинки, у мени ёқтирмай қолмасин! – деб шивирлади.

Эшик очилди, Жим кирди ва эшикни ёпди. У озғин, юзи ташвишли эди. Ҳа, йигирма икки ёшда оила юкини кўтариб юриш осон эмас. Унга аллақачон янги пальто олиш керак эди. Қўлқоп киймаган қўллари совқотарди.

Жим, беданани сезган овчи итдек, эшик олдида қимирламай турарди. Унинг кўзлари Деллига тушди-ю, аёлга тушунарсиз ифода билан қараб қолди ва Делли бундан ваҳимага тушди. Бу қараш, бу ифода на ғазаб, на ажабланиш, на даҳшат – ундан кутиш мумкин бўлган ҳислардан бирортаси ҳам эмасди. У Деллидан нигоҳини узмасдан, шунчаки қараб турар, унинг юзи эса ўзининг ғалати ифодасини йўқотмас эди.

Делли стулдан сакраб турди ва унга ташланди.

– Жим, азизим, – қичқирди у, – менга бундай қарама! Мен сочларимни кестирдим ва сотдим. Чунки сенга Рождествога ҳеч нарса совға қилолмасам, мен яшай олмас эдим. Сен бундан аччиқланмаяпсан, тўғрими? Сочларим яна ўсади. Менинг бошқа чорам йўқ эди. Сочларим эса жуда тез ўсади. Энди эса мени Рождество билан табрикла, Жим, байрам-ку, қувонайлик. Агар сенга қандай ажойибу ғаройиб совға тайёрлаб қўйганимни билганингда эди!

– Сен сочингни олдириб ташладингми? – худди миясининг зўриқиб ишлашига қарамай, мазкур ҳақиқатни охиригача англаб етолмаётгандек, асабийлик билан сўради Жим.

– Ҳа, олдирдим ва сотдим, – деди Делли. – Бироқ сен мени, барибир, севаверасан, тўғрими? Сочларим калта бўлса ҳам мен ўша-ўшаман-ку, ахир.

Жим хонани тажанглик билан кўздан кечирди.

– Демак, сенинг кокилларинг энди йўқми? – деди у мантиқсиз қатъият билан.

– Қидирма, уларни тополмайсан, – деди Делли. – Мен сенга айтдимку: мен уларни сотдим,кестирдим ва сотдим. Бугун арафа, Жим. Мен билан хушмуомала бўл. Чунки бу ишни сен учун қилдим. Балки бошимдаги сочларнинг сонини ҳисоблаб чиқиш мумкиндир, – давом этди у ва унинг назокатли овози бирдан жиддий янгради, – аммо ҳеч ким, ҳеч ким менинг сенга бўлган муҳаббатимни ўзгартира олмайди! Котлетларни қовураверайми, Жим?

Жим шундан кейингина карахт ҳолатидан чиқди. У ўзининг Деллисини оғушига олди. Камтарин бўлайлик ва бир неча сония давомида бошқа бир нарсага эътибор қаратайлик. Қайси бири кўп – ҳафтасига саккиз долларми ёки йилига миллион долларми? Математик ёки донишманд сизга нотўғри жавоб беради. Афсунгарлар қимматбаҳо совғалар келтиришди. Аммо улар орасида битта нарса йўқ. Бироқ бу мавҳум шаъмани кейинроқ изоҳлаймиз.

Жим пальтоси чўнтагидан қоғозга ўралган нарсани олди-да, столга ташлади.

– Мени нотўғри тушунма, Делли, – деди у, – ҳеч қандай турмак ва соч кестириш мени ўз

ёримни севмай қуйишга мажбур қилолмайди. Аммо мана бу ўрамни очгин, шунда сен нимага мен биринчи дақиқаларда саросимага тушиб қолганимни тушунасан.

Оппоқ, чаққон бармоқчалар ўрамнинг ипини ва қоғозини юлқишди. Ундан кейин, афсуски, шу заҳотиёқ фақат аёлларга хос тарзда кўз ёшлари ва инграшлар билан алмашган ҳайрат қичқириғи янгради. Бу вазиятни юмшатиш учун уй эгасидан ўз ихтиёрида бўлган ҳамма воситаларни дархол қўллаш талаб қилинди.

Чунки стол устида тароқларнинг ўша тўплами – орқага қадаладиган битта ва ён томонлардан қадаладиган иккита тароқ ётарди. Делли қачондан бери Бродвейнинг пешойналаридан бирига қўйилган бу тароқларга муҳаббату иштиёқ, ҳавас билан қарарди. Ҳақиқий тошбақа косаларидан ясалган, четларига ялтироқ тошлар қадалган ва айнан унинг қизғиш-қўнғир сочларига мўлжалланган эди. Улар анчагина қиммат эди, буни Делли биларди ва унинг юраги бу тароқлардан фойдаланиш истаги бажарилмаслигидан узоқ вақтдан бери изтироб чекарди ва азобланарди. Мана ҳозир эса бу тароқлар унга тегишли эди-ю, аммо уларнинг ялтирашини безайдиган мафтункор соч ўримлари йўқ.

Барибир у тароқларни кўксига босди ва шундагина бошини кўтаришга ва кўз ёшлари орасидан табассум қилишга ўзида куч топди ва деди:

– Жим, менинг сочларим тез ўсади!

Шу пайт у устига қайноқ сув сепилган мушукчадек сакраб турди ва:

– Вой, худойим-ей, – деб хитоб қилиб юборди.

Ахир Жим ҳали унинг ажойиб совғасини кўрмади-ку. У кафтини очиб, занжирни шошганича Жимга узатди. Қимматбаҳо хира металл унинг жўшқин

ва самимий қувончи нурларида товланиб кетгандек туюлди.

– Бу ажойиб эмасми, Жим? Мен уни топгунимга қадар бутун шаҳарни изғиб чиқдим. Энди соат неча бўлганини юз марта кўришинг мумкин. Менга соатингни бер-чи. Мен улар биргаликда қандай кўринишини томоша қилмоқчиман.

Бироқ Жим буни бажариш ўрнига иккала қўлини боши остига қўйиб, каравотга ётиб олди ва жилмайди:

– Делли, – деди у, – биз совғаларимизни беркитиб туришимиз керак бўлади. Улар бироз туратурсин. Ҳозир улар биз учун ҳаддан зиёд қадрли. Сенга тароқларни олиш учун соатимни сотдим. Энди эса котлетларни қовуришнинг айни пайти келди.

Беланчакдаги гўдакка совға олиб келган афсунгарларнинг ақлли одамлар бўлгани маълум. Айнан улар янги йил совғаларини тақдим этиш таомилини жорий қилганлар. Улар донишманд бўлганлари учун совғалари ҳам донишмандликка ишора ва ҳатто улар яроқсиз чиқиб қолганда, совғаларни алмаштириш ҳуқуқи ҳам эслатиб ўтилган бўлиши мумкин. Мен эса бу ерда сизга саккиз долларлик хонадонда яшовчи, бир-бири учун ўзларининг энг қиммат бойликларини, донишмандликка зид ўлароқ, сарфлаб юборган иккита «аҳмоқ» ҳақидаги ҳеч нарсаси билан ажралиб турмайдиган воқеани ҳикоя қилиб бердим. Ҳозирги замон донишмандларига сабоқ бўлиши учун шуниям айтиш керакки, совға берувчиларнинг ичида бу иккиси энг доно эди. Совға берувчилар ва қабул қилувчиларнинг барчасидан фақат уларга ўхшаганларигина ҳамма жойда ва ҳар доим, ҳақиқатан ҳам, донишманддир. Айнан улар ҳақиқий афсунгардирлар.

ШАФТОЛИ

Асал ойининг энг қизғин палласи. Янги оила яшаётган хонадонни ёрқин қизил рангли гилам, ҳошияли, ҳарир пардалар, ошхонадаги ёғоч панель бўртигига териб қўйилган қалай қопқоқли сопол пиво кружкаларидан олтитаси безаб турарди. Ёш келин-куёвлар ҳамон самоларда парвоз қилиб юргандек эдилар. На келин, на куёв «Наврўзгулнинг жилға бўйидаги ўтлар орасида қандай сарғайиши»ни кўрмаган эдилар, бироқ йилнинг эслатилган бу даврида ушбу манзара намоён бўлганида эди, улар, шоир фикрига кўра, ҳақиқий одам наврўзгулидан кўриши лозим бўлган ҳамма нарсага кўзи тушиши шубҳасиз эди.

Янги келин тебранма курсида ўтирар, унинг оёқлари ер шарига тиралиб турарди. У ширин орзуларга ва ним пушти рангли шойига кўмилган эди. Уни ўзининг кичкинтой Мак-Гарри билан бўлиб ўтган тўйлари ҳақида Гренландия, Белужистон ва Тасмания оролида нималар дейишгани ҳақидаги фикрлар банд қилганди. Очиғини айтганда, бу унча аҳамиятга эга эмас эди. Лондондан то Жанубий Хоч юлдузлар туркумига қадар бўлган ҳудудларда ярим ўрта вазнли боксчилар орасида кичкинтой Мак-Гаррига қарши тўрт соат (соат қаёкда дейсиз!) – тўрт раунд бардош бера олишга қодир бирортаси топилмас эди. Мана, уч ҳафтаки, бу паҳлавон фақатгина унга тегишли ва машҳур боксчиларнинг

муштлари унга қарши ожиз бўлган спортчини тебранишга мажбур қилиши учун жимжилоғининг битта ишорасигина кифоя.

Биз ўзимиз севиб қолганимизда «муҳаббат» сўзи ўз-ўзини қурбон қилиш, ўзидан воз кечиш тушунчаларининг синонимига айланади. Девор ортида яшайдиган қўшнилар севганида эса, бу сўз ўзини ҳаммадан юқори қўйиш, сурбетликни билдиради.

Янги келин оёқларини чалиштирди ва муҳаббат маъбудасининг тасвирлари билан безатилган шифтга ўйчан тикилди.

– Азизим, – деди у Римни ўз уйига оригинал ўрамда олиб келиш истагини Антонийга айтаётган Клеопатра қиёфасига кириб, – мен, эҳтимол, шафтоли еган бўлармидим?..

Кичкинтой Мак-Гарри ўрнидан сакраб турди: пальтоси ва шляпасини кийди. У жиддий, келишган ва тез таъсирланадиган ҳамда зеҳнли йигит эди.

– Хўп, майли, – деди у, худди гап Англия чемпиони билан ўтказиладиган жанг шартлари ҳақида кетаётгандек жиддий... – Ҳозир бориб, олиб келаман.

– Сен фақат узоқ қолиб кетма, – деди янги келин. – Бўлмаса, мен ўзимнинг исқирт ўспиринимсиз зерикиб қоламан. Шафтолининг эса, яхшиси, пишганини танлаб ол.

Худди Кичкинтой олис мамлакатга, катта хавфу хатарга тўла саёҳатга кетаётгандек, хайрлашув узоқ давом этди.

Кўчага чиққач, у ўйланиб қолди ва бунинг учун етарлича асос бор эди. Чунки воқеа эрта баҳорда содир бўлаётган ва рутубатли, зах об-ҳаво ҳукм сурар, дўконларнинг совуқ пештахталарида ёзнинг олтин палласида пишадиган ва кўнгил қурғур қўмсаб қолган бу мевани топиш амримаҳол эди.

Мева савдоси билан шуғулланадиган италияликнинг кўча бурчагидаги дўконига етгач, у тўхтади. Папирос қоғозларига ўралган апельсинлар, ялтироқ қирмизи олмалар, қуёшни қўмсаб қолган хира бананларнинг уюмларига нафратли назар ташлади.

– Шафтоли борми? – мурожаат қилди у ошиқларнинг ошиғи бўлган Дантенинг ватандошига.

– Шафтоли йўқ, сеньор, – чуқур тин олди сотувчи. – Бирор ойдан сўнг, эҳтимол, бўлиб қолар. Ҳозир унинг мавсуми эмас. Мана, яхши апельсинлар бор. Улардан олинг!

Кичкинтой унга жавоб беришни лозим топмади. Ва қидиришда давом этди. У эски дўсти ва мухлиси, ресторан эгаси Жастес О'Кэллэхэнникига йўл олди. О'Кэллэхэн иш жойида экан. У ресторан ичида айланиб юриб, тартиб ўрнатаётган эди.

– Шошилинч иш бор, Кэл, – деди унга Кичкинтой. – Менинг кампиршойим шафтоли егиси келиб қолибди. Агар сенда ҳеч бўлмаса биттагина шафтоли бўлса ҳам, дарров уни менга бер. Борди-ю, улар сенда кўп бўлса, бир нечтасини узат. Керак бўлиб қолиши мумкин.

– Уйим бутунлай сенинг хизматингга тайёр, – жавоб қилди О'Кэллэхэн. – Аммо сен ундан шафтоли тополмайсан. Ҳозир бу меванинг мавсуми эмас. Йилнинг бу даврида ҳатто Бродвейдан ҳам шафтоли топиб бўлмайди. Сенга ачиниб кетаяпман. Ахир аёлнинг бир нарсага иштаҳаси очилса, унга бошқа нарса эмас, айнан сўраганини тутишинг керак. Ҳозир вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Мева сотиладиган яхши дўконлар аллақачон ёпилган. Аммо балки беканг апельсинга кўниб қолар? Бунинг устига, мен бугун сараланган апельсинлардан бир қутисини олганман. Балки...

– Йўқ, Кэл, раҳмат. Жанг шартларига кўра шафтоли талаб қилинди ва унинг бошқа мева билан алмаштирилишига йўл қўйилмайди. Излашда давом этаман.

Кичкинтой Ғарбий авенюлардан бирига чиққанида, вақт ярим тунга яқинлашиб қолганди. Дўконларнинг кўпчилиги аллақачон ёпилган, очиқларида ҳам у шафтоли ҳақида гап очганида, уни сал бўлмаса, мазах қилгандек бўлишди.

Аммо қаердадир, баланд деворлар орқасида янги келин ўтирар ва чет элдан келтирилган совғани ишонч билан кутарди. Наҳотки, ярим ўрта вазнлилар орасидаги чемпион унинг учун шафтоли тополмаса? Ўз севгилисини ширали, сарғиш ёки пушти мева билан хурсанд қилиш учун наҳотки у мавсумлар, иқлимлар ва тақвимлар тўсиғидан ҳатлаб ўтолмаса?

Олдинда заминдаги мўл-кўлчиликнинг барча ранглари билан жилоланаётган, ёритилган пешойна кўринди. Аммо Кичкинтой уни пайқаб улгурмасиданоқ, пешойнанинг чироқлари ўчди. У бор кучи билан югурди ва мевафуруш дўконини қулфлаётган дақиқада унга етиб олди.

– Шафтоли борми? – сўради у қатъият билан.

– Нималар деяпсиз, жаноб? Яна икки-уч ҳафталар ўтмасдан бурун шафтоли бўлмайди. Ҳозир уни сиз бутун шаҳардан топа олмайсиз. Агар қаерлардадир бир неча донагина бор бўлса ҳам, улар иссиқхонада етиштирилганларидир, шундаям айнан қаерда борлигини айта олмайман. Балки пулини қаерга қўйишни билмайдиган одамлар қўниб ўтадиган энг қиммат меҳмонхоналардан биридадир. Агар маъқул бўлса, мана, бугун пароходда олиб келинган апельсинларни таклиф қилишим мумкин. Ажойиб мева.

Кўчанинг энг яқин бурчагига етгач, Кичкинтой бир дақиқача ўйланиб туриб қолди, кейин қатъият билан қоронғи тор кўчага бурилди ва кираверишига яшил фонуслар осиб қўйилган уй томонга йўналди.

– Капитан шу ердами? – сўради у навбатчи полициячи сержантдан.

Бироқ шу пайт сержантнинг елкаси орқасидан капитаннинг ўзи кўринди. У фуқароча кийим-бош кийиб олган ва ҳаддан ташқари банд одамдек ўта жиддий эди.

– Салом, Кичкинтой, – сўрашди у боксчи билан. – Мен бўлсам, сизлар ҳали тўй саёҳатидасизлар, деб ўйлагандим.

– Кеча қайтиб келдик. Энди Нью-Йоркда муқим яшайдиган фуқаролардан бириман. Эҳтимол, ҳатто муниципал фаолият билан ҳам шуғулланарман. Айтингчи, капитан, бугун сиз тунда Денвер Дикнинг муассасасини босишни истармидингиз?

– Энди эсингизга келиб қолдими? – деди капитан мўйловини бурар экан. – Денвернинг адабини икки ой бурун бериб қўйишган-ку!

– Тўғри, – маъқуллади Кичкинтой, – икки ой аввал Рафферти уни Қирқ учинчи кўчадан чиқиб кетишга мажбур қилди. Энди эса у бизнинг ҳудудда жойлашиб олди ва ҳозир унинг иши ҳар қачонгидан кўра каттароқ, тушумлироқ, кўламлироқ кетаяпти. Денвер билан менинг ўз ҳисоб-китобим бор. Мен сизни унинг олдига олиб боришимни истайсизми?

– Менинг ҳудудимда? – бўкирди капитан. – Сиз бунга аминмисиз, Кичкинтой? Агар шундай бўлса, бу ишингизни менга кўрсатган энг катта ёрдамингиз, деб ҳисоблардим. Нима, сизга у ерга кириш пароли маълумми? У ерга қандай кирамиз?

– Эшикни синдириб, – деди Кичкинтой. – Уни ҳали темир билан қоплаб улгуришмаган. Ўзингиз

билан ўнта одам олволинг. Йўқ, менга у ерга кириш йўли ёпилган. Денвер мени ўлдиришга уриниб кўрди. У олдинги гал уни гўё мен сотиб қўйганман, деб ҳисоблайди. Аммо, сирасини айтганда, у ноҳақ. Бироқ шошилинг, капитан. Мен уйга вақтлироқ қайтишим керак.

Ўн дақиқа ўтмасданоқ капитан ва унинг қўл остидагилардан ўн икки киши ўз йўлбошловчиларининг орқасидан, бинойидек кўринишга эга бўлган, кундузлари хоналарида эътиборли ўнлаб фирмалар ўз ишларини олиб борадиган қоронғи бино йўлагига кириб борардилар.

– Учинчи қават, йўлакнинг охирида, – секин деди Кичкинтой. – Мен олдинда бораман.

Болталар билан қуролланган йигитлардан икки-таси у кўрсатган эшик олдида туриб олишди.

– У ерда тинчликка ўхшаяпти, – капитаннинг овозида иккиланиш оҳанглари сезилди. – Янглишмаганингизга аминмисиз, Кичкинтой?

– Агар янглишган бўлсам, жавоб бераман.

Болталар ҳимояланмаган эшикка санчилди. Унинг ёрилган жойларидан ёрқин нур йўлакка таралди. Эшик қулаб тушди ва қуршов иштирокчилари тўппончалари билан хонага ёпирилиб киришди.

Кенгу мўл зал ғарб фарзанди бўлган хўжайиннинг дидига жавоб берадиган тарзда бачкана ҳашамат билан жиҳозланган эди. Бир нечта стол атрофида ўйин давом этарди. Бу ернинг доимий мижозларидан ҳисобланган ва ҳозир бўлганлардан элликка яқини нима қилиб бўлса ҳам полициячиларнинг қўлидан қутулиб қолиш учун ўзларини чиқиш эшигига урдилар. Полиция тўқмоқларини ишга солди. Бироқ мижозларнинг кўпчилиги қочиб қолишга муваффақ бўлди.

Ўша тунда Денвер Дик бу қиморхонага ташриф буюрганди. Ўйинчилар сонидаги устунлик куршов қатнашчиларининг сафини дарҳол янчиб ташлашга имкон беради, деб ҳисоблаган Денвер чақирилмаган меҳмонлар устига биринчи бўлиб ташланди. Аммо улар орасида Кичкинтойни ҳам кўриб қолган дақиқадан эътиборан у ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳақида ўйламай қўйди... Худди оғир вазнли ҳақиқий спортчидек, барваста ва бесўнақай Денвер анча нозик бўлган душманига завқ билан ёпишди ва уларнинг иккаласи бир-бирларига қапишганларича пиллапоялардан пастга думалаб кетдилар. Фақат иккинчи қаватнинг майдончасида, ниҳоят, бир-бирларидан ажралганларидан кейин оёққа турдилар. Кичкинтой йигирма минг долларлик мулкидан ажралиш хавф солиб турган, вазни камида икки юз фут келадиган ўткир ҳиссиётлар ишқибози уни жон-жаҳди билан ушлаб турган вақтда қўллолмаган профессионал маҳоратини ишга тушириш имконига эга бўлди. Рақибини қулатгач, Кичкинтой юқорига отилиб чиқди ва ўйин залидан арка билан ажратилган кичкина хонага кирди.

Бу ерда устига чинни ва кумуш идишлар терилган ҳамда рицарлар учун қиммат ва тансиқ ноз-неъматлар, егуликлар қўйилган узун стол бор эди. Унинг қимматбаҳо анжомларидан ҳамда миқёсининг кенглигидан ҳам ғарбий штатлардан бирининг адаши бўлган жанобнинг ғайриоддий диди сезилиб турарди.

Полгача осилиб турган оппоқ дастурхон остидан қирқ бешинчи ўлчамли, лакланган ботинка (штиблет) чиқиб турарди. Кичкинтой уни ушлаб олди ва фрак ҳамда оқ бўйинбоғ тақиб олган қора танли официантни стол остидан чиқарди.

– Тур! – буюрди Кичкинтой. – Сен шу қиморхонада ишлайсанми?

– Ҳа, сэр, ишлардим. Наҳотки бизларни яна ушлаб олишган бўлса?

– Шунақага ўхшаяпти. Энди айтчи: сенда бу ерда шафтоли борми?

– Ўйин бошланаётган пайтда менда учта шафтоли бор эди, сэр, аммо жаноблар уларнинг биттасини ҳам қолдирмай еб қўйишган, деб қўрқаман. Балки сиз яхши пишган, сувли апельсин ейишни ихтиёр этарсиз, сэр?

– Ҳаммасини остин-устун қил, – қатъий тайинлади Кичкинтой, – аммо менга шафтоли топиб кел. Ва тезроқ қимирла, акс ҳолда иш яхшилик билан тугамайди. Агар менга бугун яна кимдир апельсин ҳақида гапиргудек бўлса, унинг жонини суғуриб оламан!

Денвер Дикнинг ўта сахийлиги оқибатида оғирлашиб кетган столни тинтув қилиш қимор ишқибозларининг жағлари тасодифан шафқат қилган яккаю ягона шафтолини топишга ёрдам берди. У ўша заҳоти Кичкинтойнинг чўнтагига жойланди ва бизнинг тиниб-тинчимас тайёрловчимиз ўлжаси билан орқасига қайтди. Кўчага чиққанида, капитаннинг одамлари ўз асирларини полиция машинасига тиқишаётган тарафга назар ҳам ташламади ва ўз уйи томон югуриб кетди.

Энди унинг руҳи енгил эди. Думалоқ стол рицарлари ўз гўзал хонимларининг шон-шарафи учун кўплаб хавф-хатарни бошдан кечириб, қаҳрамонликлар кўрсатганларидан сўнг Камелотга мана шундай кайфиятда қайтишган. Уларга ўхшаб, Кичкинтой ҳам ўз хонимидан фармойиш олди ва уни бажаришни уддалади. Тўғри, бу фақат шафтолига тегишли эди, холос. Аммо ҳали февраль ойининг

қорлари исканжага олиб турган шаҳарда, тун ярмида бу шафтолини топиш қаҳрамонлик эмасми? Кичкинтой шафтолини тушириб қўйишдан қўрқиб, кафтида авайлаб ушлаб олган эди.

Йўл-йўлакай Кичкинтой тунги дорихонага кирди ва кўзойнаклари орқали унга савол назари билан қараган дорихона эгасига:

– Менга қаранг, муҳтарам зот, мен қовурғаларимни кўриб қўйишингизни истардим. Қаранг-чи, уларнинг ҳаммаси бутмикан? Мен дўстим билан бироз жанжаллашиб қолдим ва анчагина пиллапояларни санашимга тўғри келди.

Дорихоначи уни диққат билан текширди.

– Қовурғаларингизнинг ҳаммаси бутун, – у чиқарган хулоса шу бўлди. – Аммо мана бу ерда қонталаш жой бор. Унга қараб сиз «Дазмол» осмонўпар биносидан бир эмас, камида икки марта қулаб тушгансиз, деб тахмин қилиш мумкин.

– Бунинг аҳамияти йўқ, – деди Кичкинтой. – Мен сиздан фақат кийим чўтка беришингизни сўрайман.

Пушти абажурли лампанинг ором берувчи нурлари билан ёритилган хонада янги келин эрини интизорлик билан кутарди. Йўқ, дунёда ҳали мўъжизалар йўқолиб кетмаган. Мана, ахир у ўзи нимадир, майли-да, бу энг арзимаган нарса: гул, анор ёки ана шафтоли бўла қолсин, ҳақида айтганида, эри тун қўйнига, унга қарши туролмайдиган кенг оламга жасорат билан шўнғиди ва унинг хоҳиши бажарилади.

Ҳақиқатан ҳам, мана, эри унинг оромкурсиси устига эгилди ва қўлига шафтоли тутқазди.

– Ярамас бола! – деди у нозланиб. – Мен наҳотки шафтоли сўраган бўлсам? Мен кўпроқ мамнуният билан, жон, деб апельсин еган бўлардим...

Яратган сенга марҳамат қилсин, янги келин!

ҚИРМИЗИ КЎЙЛАК

Қирмизи деб номланувчи ранг ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам оз. Бу ранг инсон зоти орасида эътибор ва эътироф қозонган. Императорлар бу ранг мутлақо улар учун, зодагонлар табақаси учун яратилган, деб таъкидлайдилар. Хурсандчилик шайдолари эса ўз бурунларининг рангини қизил бўёққа кўк рангни қўшганда ҳосил бўладиган бу ажойиб рангга етказишга ҳаракат қиладилар. Шаҳзодалар қирмизи бўлиб туғиладилар, дейдилар ва бу фикрнинг ҳаққоний эканлиги тушунарлидир. Чунки қоринлари санчганида, валиаҳд шаҳзодаларнинг юзлари худди дарахт кесувчи ворисининг пучуқ бурун юзидек шоҳона қирмизи ранг билан қопланади. У урфда бўлгани учун ҳам, аёлларнинг ҳаммаси бу рангни яхши кўришади.

Айни ҳозир ҳам қирмизи рангли кийимларни кийиш мода бўлган. Қаёққа қарасанг, шу рангни кўрасан. Албатта, бошқа ранглар ҳам урфда. Масалан, мен яқинда зайтун рангли жун кўйлак кийиб олган кўркамгина қизни кўрдим. Унинг юбкасига тикилган шакллардан безаклар қилинган ва пастида уч қатор қўш этак тикилган, бежамдор тўр рўмолининг остидан бутунлигича бурмалардан иборат қўшимча, пастидан плиссланган иккита бурма ҳошия чиқиб турган тўр ленталар билан тортиб, боғлаб қўйилган икки томонлама бурма енг бор эди. Бироқ аёллар, барибир, қирмизи рангли

кийимларни кўпроқ киядилар. Сизнинг фикрингиз бошқачами? Унда сиз исталаган кунингиз Йигирма учинчи кўча бўйлаб бир сайр қилиб кўринг.

Мана шунинг учун ҳам Мэйда, жигарранг кўзлари катта, сочлари қизғиш-қўнғир рангли қиз – «Арихона» атторлик дўконининг сотувчиси, сунъий бриллиантдан тўғноғич тақиб юрадиган ва овозида ялпизли конфетларнинг ифори бор Грэйсга виқор билан шундай деди:

– Менда Шукроналик кунида қирмизи кўйлак бўлади. Тиктираяпман.

– Йўғ-е! – деди Грэйс ўлчами етти ярим бўлган бир неча жуфт қўлқопни олтию тўртдан уч ўлчамли қўлқоплар қутисига соларкан. – Мен эса қизил ранглисини хоҳлардим. Бешинчи кўчада, ҳар холда, қизил ранглилари қирмизиларга қараганда кўпроқ. Бундан ташқари ҳамма эркаклар бу рангни ниҳоятда яхши кўрадилар.

– Менга қирмизи ранг кўпроқ ёқади, – деди Мэйда, – қария Шлегель саккиз долларга тикиб беришни ваъда қилди. Бу ниҳоятда ажойиб нарса бўлади. Юбка қат-қат тахли, лифи кумуш уқа билан безатилган, ёқаси оқ ва икки қатор...

– Нишонга уролмайсан! – ўзига билағон кўринишини бериб деди Грэйс.

– ...ва оқ парча қўшимча бўйлаб икки қатор тасма ҳамда тахланадиган баска ва...

– Нишонга уролмайсан, нишонга уролмайсан! – такрорлади Грэйс.

– ...ва ҳашаматли тахлама енглар ҳамда қайтариладиган кадама енгларда духоба жияк. Бояги гапларинг билан сен нима демоқчисан?

– Сен қирмизи ранг жаноб Рэмсига ёқади, деб ўйлайсанми? Кеча эса мен унинг энг чиройли,

мафтункор ранг қизил ранг, деб айтаётганини эшитдим.

– Ҳа, майли, – деди Мэйда. – Мен қирмизи рангни афзал кўраман. Бу кимгадир ёқмаса, кўчанинг нариги томонига ўтиб олиши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси, пировард натижада, ҳатто қирмизи ранг мухлислари ҳам бироз янглишишлари мумкин, деган фикрга олиб келади. Қизнинг ўзи бу рангдаги либосни юзининг ранги ва атрофидаги одамларнинг фикрларини ҳисобга олмасдан кийиш мумкин, деб ўйлаши ва императорлар ўзларининг қирмизи кийимлари мангу, деб фикрлашлари жуда хавфлидир.

Саккиз ой харажатларини тежаш натижасида Мэйда ўн саккиз доллар тўплади. Бу пуллар кўйлак учун зарур бўлган ҳамма нарсаларини сотиб олиш ва тикиш учун Шлегелга олдиндан тўрт долларлаб бериб туришга етмасди. Шукроналик куни арафасида унда тикувчига бериш учун зарур бўлган тўрт доллар йиғилиб бўларди. Ана шунда байрамга янги кўйлак кийиш ярашади, оламда бундан ҳам ёқимлироқ яна қанақа мўъжиза бўлиши мумкин?

Ҳар йили «Арихона» атторлик дўконининг хўжайини қария Бахман Шукроналик куни ўз хизматчиларига тушлик берарди. Агар якшанбаларни ҳисобга олмаганда, йилнинг қолган уч юз олтмиш тўрт куни, у ҳар куни сўнгги зиёфатнинг жозибалари, янги ташкил қилинадиган тушликнинг роҳату ҳузурлари ҳақида гапирар ва бу билан ходимларни янада кўпроқ ғайрат кўрсатиб ишлашга даъват этарди. Дўконнинг ўртасида стол ясатиларди. Пешойналар ўрама қоғозлар билан тўсиларди ва бурчакдаги ресторандан сотиб олинган курка гўшти ва бошқа мазали нарсалар орқа эшикдан олиб кириларди. Сиз «Арихона» кўплаб бўлимлари,

лифтлари ва манекенлари бор ҳашаматли универсал дўкон эмаслигини, албатта, тушуниб турибсиз. У шу даражада кичкина эдики, уни оддийгина катта дўкон, деса ҳам бўлаверарди. У ерга бемалол киришингиз, керак бўлган нарсаларни сотиб олиб, тинчгина чиқиб кетишингиз мумкин эди. Ва Шукроналик кунидаги тушлик пайтида дастурхон ортида доимо ўтирувчи жаноб Рэмси...

Оббо, жин урсин-ей! Мен ҳамма нарсадан олдин жаноб Рэмси ҳақида ҳикоя қилиб беришим керак эди. Бу эса қирмизи ранг ёки зайтун, ё бўлмаса ҳатто қизил клюква соусидан ҳам кўра анча муҳимроқдир. Жаноб Рэмси дўкон бошқарувчиси ва мен у ҳақда жуда яхши фикрдаман. Қоронғи ва хилват жойларда унга ёшгина сотувчи қиз ва аёллар дуч келиб қолишганида, ҳеч қачон у бу сотувчиларга тегажоқлик қилишни хаёлига ҳам келтирмас, уларга шилқимлик қилмасди, ишда бўш вақт бўлиб қолса, у ходимларга турли воқеаларни ҳикоя қилиб берар, қизлар қиқирлашган ёки тўнғиллашганларида, бу жаноб Рэмси уларни беҳаё латифалар билан сийлади, деган гапни билдирмасди. У ҳақиқий жентельменгина бўлиб қолмай, баъзи бир ғалати қилиқлари билан ҳам ажралиб турарди. У саломатлик савдойиси эди ва фойдали деб ҳисобланган маҳсулотларни ҳеч қачон истеъмол қилмаслик керак, деб ўйларди. Агар кимдир оромкурсида қулай жойлашиб олса ёки қор бўронидан бошпана изласа, ё бўлмаса, дори ичса, қандайдир йўл билан ўзини авайлаб асрашга ҳаракат қилса, у бунга қатъий қаршилик кўрсатарди. Ҳар ўнта ёшгина сотувчи қиздан биттаси уйқудан аввал Рэмси хоним бўлиб олгач, пиёз солинган чўчқа гўшти қиймасидан унга қандай қилиб котлетлар қовуриб бериши ҳақида ширин орзуларга бериларди. Чунки қария Бахман кейинги йили уни ўзининг шериги

(компаньони) қилишни режалаштирар ва ҳар бир ёш сотувчи қиз агар жаноб Рэмсини илинтириб олса, тўй пирогидан қорнига оғриқ киришидан аввал йигитнинг соғлиғи ҳақидаги аҳмоқона ғояларидан мосуво қила олишини биларди.

Жаноб Рэмси байрам тушлигининг бош ташкилотчиси эди. Иккита италиялик – скрипкачи ва арфачи бу тадбирнинг доимий иштирокчилари, азиз меҳмонлари бўлиб, тушликдан сўнг ҳамма бироз рақсга ҳам тушарди.

Мана энди ўзингиз бир тасаввур қилинг: жаноб Рэмсини мафтун қилиш учун иккита кўйлак тайёрланиши режалаштирилган, биттаси қирмизи, бошқаси эса қизил. Тўғри, бошқа қизлар ҳам бинойидек кўйлакларда бўлишади-ю, аммо бундан ортиқча ташвишланмаса ҳам бўлади. Чунки уларнинг қандайдир блузка ва қора юбкаларда бўлишлари эҳтимоли кўпроқ. Бу эса қирмизи ёки қизил ранг билан солиштирганда ҳеч нарса эмас.

Грэйс ҳам пул тўплаганди. У тайёр кўйлак сотиб олмоқчи эди. Тиктириш билан овора бўлиш нимагаям зарур? Агар қоматингиз яхши бўлса, унга тўғри келадиган кийим топиш ҳеч гап эмас. Фақат унинг белини бироз торайтириш керак, тайёр кўйлакларнинг бел қисми нимагадир доимо кенг бўлади.

Шукроналик куни арафасининг оқшоми ўтди. Мэйда эртанги кун бахтидан аввалдан масрур бўлганича уйга шошиларди. У тўқ қирмизи рангли кўйлаги ҳақида орзу қилар, унинг орзулари жуда ёруғ ва беғубор эди. Бу ҳаяжон ва шўхликларсиз ёшлик тезда сўлиб қоладигандек, ёш юракнинг ҳаёт қувончлари томон ёруғ интилиши ва ҳовлиқиши эди. Мэйда қирмизи ранг ўзига ярашишини билар ва жаноб Рэмси қизил эмас, айнан кирмизи рангни

ёқтиради, деб ўзини мингинчи марта ишонтиришга уринарди. У уйга кириб, жавоннинг пастки қутиси тагидан папирос қоғозига ўралган тўрт долларни олишга ва уларни кейин Шлегелга бериб, кўйлакни олиб келишга қарор қилди.

Грэйс ҳам шу уйда яшарди. Унинг хонаси Мэйданинг хонасидан бир қават тепада жойлашган эди.

Уйга келгач, Мэйда шовқин ва тўполон устидан чиқди. Уйнинг ҳамма бурчакларидан уй бекасининг тили худди мойжувозда уриб мой чиқараётгандек чириллаб, шарақлаётгани эшитилиб турарди. Бир неча дақиқадан сўнг ёш тўла кўзлари ҳар қандай қизил кўйлакдан ҳам қизариб кетган Грэйс Мэйданинг ёнига келди.

– У мендан хонани бўшатиб қўйишимни талаб қилаяпти, – деди Грэйс. – Қари қарға. Чунки мен унга тўрт доллар қарзман. У менинг жомадонимни даҳлизга чиқариб, эшикни қулфлаб қўйди. Менинг борадиган жойим йўқ. Бунинг устига ҳатто бир центим ҳам йўқ.

– Кеча сенда пул бор эди-ку? – деди Мэйда.

– Мен кўйлак сотиб олдим, – деди Грейс. – Мен бека ижара ҳақини кейин тўлашимни кутади, деб ўйлагандим.

Бир лаҳза ўтди ва Мэйда тўрт долларини унга узатди, бошқача бўлиши мумкинмиди, ахир?

– Менинг гўзалим, асалим, сен ажойибсан! – худди ёмғирдан кейин чиққан камалакдек нур сочганча қичқириб юборди Грейс. – Ҳозир пулни ўша қари қарғага олиб бориб бераман. Кўйлакни кўргани кир. Сенга пулингни ҳафтада бир доллардан қайтараман. Албатта, қайтараман.

Шукроналик куни.

Тушлик пешинга белгиланди. Ўн иккига ўн беш дақиқа қолганда Грейс Мэйданинг олдига учиб кирди. Ҳа, у, дарҳақиқат, мафтункор эди. У қизил ранг учун туғилганди гўё. Мэйданинг эгнида эски юбка ва кўк блузка. У дераза олдида ўтирганича пайпоғини ямарди... Йўғ-е, нафис санъат – чеварлик билан шуғулланарди.

– Вой, худойим-ей! Сен ҳали кийинмадингми? – ажабланди Грейс. – Қарагин-чи, елкамнинг усти ажинга ўхшаб, йиғилиб қолмаганми? Мана бу бахмал тикилмалар жуда антиқа-а, тўғрими? Сен нега кийинмагансан, Мэйда?

– Менинг кўйлагим ҳали тайёр эмас, – деди Мэйда. – Мен бормайман.

– Бу омадсизликни қара-я! Чин сўзим, жуда ачиниб кетаяпман, Мэйда. Бирор нарса кийиб ола қол ва тушликка жўнаймиз, – фақат ўзимизникилар бўлади-ку у ерда. Ўзинг биласан-ку, ҳеч ким аҳамият бермайди.

– Мен қирмизи кўйлак киймоқчи эдим, – деди Мэйда. – Модомики, у йўқ экан, яхшиси, мен тушликка умуман бормай қўя қоламан. Мен ҳақимда ўйлама. Югур, бўлмаса, кеч қоласан. Сенга қизил ранг жудаям ярашибди.

Тушлик вақтида Мэйда дераза олдида ўтирди. У қизлар товуқ тўшини узиб олишга интилиб, қандай қийқиришаётгани, қария Бахман фақат ўзигагина тушунарли бўлган ҳазилларига бор овози билан қандай кулаётгани, фақат Шукроналик кунигина пайдо бўладиган семизгина Бахман хонимнинг бриллиантлари қандай ялтираётгани, руҳи кўтарилган, меҳрибон жаноб Рэмсининг ҳамманинг яхши дам олишини кузатиб турганича, стол атрофида қандай бориб-келаётганини кўз олдига келтириб, тасаввур қиларди.

Соат тўрт бўлгач, юзи эҳтироссиз, нигоҳлари маъносиз Мэйда Шлегелнинг дўконига шошмасдан келди ва унга кўйлак учун қолган тўрт долларни тўлолмаслигини айтди.

– Вой, худойим-ей! – жаҳл билан қичқирди Шлегель. – Нега сиз бундай ғамгинсиз? Олинг уни. Кўйлак тайёр. Качон бўлса ҳам тўларсиз қолган пулни. Ахир икки йилдан бери менинг дўконим олдидан ўтасизку? Қачон пулингиз бўлганда тўларсиз. Олинг кўйлакни. У жуда яхши тикилган. Сиз уни кийиб гўзал бўлсангиз, ахир бу жуда яхши-ку! Мана, олинг. Имкон бўлганда, пулини тўлайверасиз.

Юрагида тўлиб-тошган улкан миннатдорчиликнинг миллиондан биринигина минғирлаб айтган Мэйда кўйлакни чангаллаганича уйи томонга югурди. Дўкончадан чиқишида унинг юзига ёмғир урилди. У табассум қилар ва буни сезмасди.

Экипажларда дўконларга бориб савдо қиладиган хонимлар, сиз буни тушуна олмайсиз. Гардероблари оталарининг пулларига тўлдириб туриладиган қизлар, сиз Мэйда Шукроналик куни ёмғирнинг совуқ томчиларини нимага ҳис қилмаганининг моҳиятини ҳеч қачон англай олмайсиз.

Соат бешда у кўчага ўзининг қирмизи кўйлагида чиқди. Ёмғир янада кучлироқ ёға бошлади. Шамол тўлқинлари унга ёмғир томчиларини олиб келиб урарди... Одамлар унинг ёнидан шамсияларини пастга туширганларича ёки ёмғирпўшларининг тугмаларини қадаганларича уйлари ёки трамвай бекати томонга шошилиб ўтардилар. Уларнинг кўпчилиги худди булутсиз ёз куни боғ бўйлаб сайр қилиб юргандек, бўрон оралаб бамайлихотир кетаётган, кўзлари бахтдан чақнаб турган гўзал қизга ҳайрон қолиб, ўгирилиб қарардилар.

Такрор айтаман, ҳамёни зич тўлдирилган ва либослари бир уюм бўлган хонимлар, сиз буни тушуна олмайсиз. Сиз байрамга қирмизи кўйлак кийиш учун сурункасига саккиз ой оч юриш, чиройли нарсалар ҳақидаги орзулар билан яшашнинг нималигини тасаввур қила олмайсиз. Ва ёмғир, дўл, қор ёғаяптими, шамол увуллаб, табиат қутураётгани сизга барибир, шундайми?

Мэйданинг шамсияси йўқ эди. Калишлари ҳам... Унда қирмизи кўйлак бор эди ва қиз кўчага шу кўйлакда чиқди. Майли, табиат қутурса, нима бўпти?! Меҳрга, нурга талпинган, эътиборга ўч юрак бир йилда ҳеч бўлмаса, бир марта бахт заррасига эга бўлиши керак...

Ёмғир эса қуйишда давом этар, унинг томчилари қизнинг бармоқларидан оқиб тушарди.

Шу пайт кимдир бино орқасидан чиқиб келди ва унинг йўлини тўсди. Қиз бошини кўтарди – бу жаноб Рэмси эди ва йигитнинг кўзлари ҳайрат ва қизиқиш билан ёниб турарди.

– Мэйда хоним, – деди у, – сиз бу кўйлакда ниҳоятда мафтункорсиз, гўзалсиз. Тушликда бўлмаганингиздан ниҳоятда афсусдаман. Менга таниш қизларнинг ичида энг соғлом фикр юритувчи ва оқиласи сизсиз. Ҳеч нарса соғлиқни ҳаво бузуқ, ёғингарчилик бўлиб турган пайтдаги сайрчалик мустаҳкамлай олмайди. Сиз билан бирга сайр қилсам бўладими?

Мэйда қизариб кетди ва аксириб юборди.

БИРЖА ДАЛЛОЛИНИНГ МУҲАББАТИ

Биржа даллоли Гарви Максуэлнинг идорасида ваколатли клерк бўлиб ишловчи Питчер эрталаб соат тўққиз яримда бошлиқ ёш стенографист аёл кузатувида шошиб идорага кириб келганида, одатда, ҳеч нарса таъсир қилмайдиган, лоқайд кўринадиган юзида бир лаҳзага қизиқиш ва ажабланишнинг ифодаланишига йўл қўйди. Гарви эса қисқа қилиб, «Салом, Питчер!» деди ва худди ундан ошиб ўтмоқчи бўлгандек, ўз столи томон интилди ва уни кутиб турган хатлар ва телеграммалар денгизига кўмилди.

Ёш стенографист қиз Максуэлнинг қўлида бир йилдан бери хизмат қиларди. Унинг ҳуснида стенография билан боғлиқ зиғирча ҳам ўхшашлик йўқ эди. У помпадурлар турмагининг ҳашамдорлигини йўлда қолдириб кетганди. Қиз занжир ҳам, узук ҳам, медальон ҳам тақиб юрмасди, исталган дақиқада ресторанга таклифни қабул қилишга тайёрдек кўринишга эга эмасди. У кийган кўйлак оддий, кулранг, нафис ва қизнинг қоматини камтарона ёпиб турарди. Унинг сипогина, қора, салласимон шляпасини тўтиқушнинг яшил пати безаганди. Бу тонгда унинг борлиғидан қандайдир юмшоқ, иболи нур ёғилиб турарди. Кўзлари орзуланган кўйи ялтирар, ёноқлари етилган шафтолини эслатар, бахтли юзи бўйлаб хотиралар сирғаларди.

Аввалгидек босиқ қизиқиш билан уни кузатиб турган Питчер бу тонг аёл ўзини одатдагидан бошқачароқ тутаётганини пайқади. Столи турган қўшни хонага тўғри ўтиб кетиш ўрнига у худди ниманидир кутаётгандек, идорада ивирсиб қолди. Бир гал эса у Максуэлнинг столига Питчер уни пайқаши учун етарли бўлган масофада яқинлашди.

Стол орқасида ўтирган одам энди одам бўлмай қолган эди. Бу бўғзигача ишга ботган нью-йорклик даллол, гўё ғилдиракчалар ва пружиналарни ҳаракатга келтирувчи машина эди.

– Хўш? Ўзи нима гап? – кескинлик билан сўради Максуэл. Очилган хатлар унинг столи устида сунъий қор уюмидек уйилиб ётарди. Унинг маъносиз ва қўпол, ўткир кўк кўзлари қизга деярли дарғазаб тикилганича ялтираб кетди.

– Ҳеч нарса, – жавоб берди стенографист қиз ва енгилгина табассум билан нари кетди.

– Жаноб Питчер, – деди қиз ваколатли клеркка, – жаноб Максуэл кеча сизга янги стенографист қизни таклиф қилиш кераклиги ҳақида айтганмиди?

– Айтганди, – жавоб қилди Питчер, – у янги стенографистка топишни буюрганди. Мен кеча бюрога синаб кўриш учун бизга бир нечта намуна юборишлари лозимлиги ҳақида хабар қилгандим. Ҳозир соат ўндан қирқ беш дақиқа ўтди, лекин ҳали охирги урфдаги бирор шляпа ёки сақич таёқчаси қорасини кўрсатгани йўқ.

– Ундай бўлса мен, одатдагидек, кимдир келгунига қадар ишлайман, – деди қиз.

У ўша дақиқадаёқ ўз столи томонга ўтди ва тўтиқушнинг яшил пати қадалган қора шляпасини одатдаги жойига осиб қўйди.

Нью-Йорк биржасининг даллолини биржа талвасаси соатларида кўрмаган одам ўзини антропология билимдони, деб ҳисоблай олмайди.

Уни таърифлаган шоир «ажойиб ҳаётнинг тўлиқ соати» ҳақида гапиради. Биржа даллолининг соатигина тўлиқ эмас, балки дақиқа ва лаҳзалари ҳам тасмаларни тутиб, буфер ва вагонларнинг зинапояларида осилиб туришади.

Бугун эса Гарви Максуэл оғир кунни бошидан кечирди. Телеграф аппарати ўз тасмаларини силтаб-силтаб ёя бошлади. Столдаги телефон сурункасига жирингларди. Одамлар идорага тўп-тўп бўлиб киришар, у билан кимдир қувноқ, кимдир жаҳл билан, кимдир кескин, кимдир ҳаяжонланиб гаплашарди. Телеграмма ташувчилар югуриб кириб, югуриб чиқиб кетишарди. Клерклар, матрослар бўрон пайтида қандай тез ва қатъий ҳаракат қилсалар, худди шундай тарзда югурар ва сакрар эдилар. Ҳатто Питчернинг юзи ҳам жонланишга ўхшашниманидир ифодаларди.

Шу куни биржада гўё бўрон, ўпирилиш, изғирин, зилзила бўлди, вулқонлар отилди ва бу тартибсизликлар даллолнинг идорасида худди миниатюра кўринишида акс этди. Максуэл стулини девор томонга суриб қўйди ва битимларни пуантлар устида рақс тушганича туза бошлади. У телеграфдан телефонга, столдан эшикка Арлекиннинг касбий уддабуронлигини кўрсатиб югурарди.

Ўсиб бораётган мана шу таранглик ичида даллол бирдан ўз олдида духоба ва тўтиқуш патидан тикилган, имо қилиб турган тўр остидаги олтиндай гажакни, денгиз мушугига тақлид қилиб оддий мушук терисидан тикилган пальтони, худди ёнғоқдек йирик, нақд полнинг устида тугайдиган кумуш юракчали мунчоқлардан иборат маржонларни кўриб қолди. Бундай аксессуарлар кўринишидан ўзига жуда ишонган ёш аёлга тегишли эди. Бу ҳодисани талқин қилишга тайёр Питчер ҳам шу ерда турганди.

– Стенография бюросидан, иш масаласида келибди, – деди Питчер.

Максуэл ярим гавдаси билан қайрилди, унинг қўли қоғозлар ва телеграф тасмаларига тўла эди.

– Қанақа жойни назарда тутаяпсиз? – сўради у афтини бужмайтириб.

– Стенографистканинг ўрнига, – деди Питчер. – Сиз кеча менга бугунга янги стенографистка чақиришни тайинлаган эдингиз.

– Сиз ақлдан озаяпсиз, Питчер, – деди Максуэл. – Мен сизга бундай топшириқни қандай қилиб беришим мумкин эди? Лесли хоним бутун йил давомида ўз вазифасини аъло даражада бажариб келди. Унинг ўзи кетишни хоҳлаб қолмаса, бу иш ўрни унга бириктирилган. Бюрога бизга ходим юбориб, бошқа овора бўлиш керак эмаслигини хабар қилиб қўйинг, Питчер ва менинг олдимга бошқа ҳеч кимни етаклаб келманг.

«Кумўш юракча» аччиқланиб тебранганича ва мебелларга бепарвогина тегиб ўтганича, идорани тарк этди. Питчер, пайтини топиб, ҳисобчига «қария»нинг кундан кунга паришонхотир ва унутувчан бўлиб бораётгани ҳақида айтиб қўйди.

Иш куни борган сари қаттиқроқ қайнаб қутурарди. Биржада Максуэлнинг мижозлари катта пул тиккан турли номлардаги акцияларнинг анчагинасини тепишар ва бурдалашарди. Сотиш ва сотиб олиш ҳақидаги буйруқлар худди қалдирғочлардек олдинга ва орқага учишарди. Максуэлнинг ўз шахсий портфелининг бир қисми хавф остида қолаётган эди ва у қандайдир мураккаб, нозик ва кучли машинадек тўла қувват билан ишларди; сўзлар, қарорлар, ҳаракатлар бир-бирларининг изларидан соат механизмидек тез ва аниқлик билан келишар ва бажариларди. Акциялар ва мажбуриятлар, заёмлар ва жамғармалар, чақирув хатлари ва ссудалар –

молия дунёси эди ва унда на инсон олами учун, на табиат учун ўрин йўқ эди.

Нонушта вақти яқинлашганида ишда бироз тинчлик кузатилди.

Максуэл столи олдида турар, қўлида қоғоз ва телеграммалар тўла эди, ўнг қулоғининг орқасидан у ерга доимо қистириб қўядиган ручкаси чиқиб турарди. Тўзғиб кетган сочлари пешонасига осилиб тушганди. Дераза очиқ, шунинг учун меҳрибон швейцар радиаторни бураган ва ернинг марказлашган иситиш қувурларидан бироз иссиқлик таралаётган эди.

Дераза орқали хонага, эҳтимол адашганидандир, настариннинг нафис, ширин ҳиди кириб қолган ва бир лаҳзага даллолни жойига боғлаб қўйганди. Зеро, бу ҳид Лесли хонимга тегишли эди. Бу унинг ва фақат унинг ифори эди.

Бу ифор қизни ўзи билан олиб келди ва йигитнинг олдига уни кўринадиган ва деярли сезса бўладиган қилиб қўйди. Молия олами эса, кўз очиб юмгунча ғужанаклашиб, жимитдеккина бўлиб қолди. Қиз эса қўшни хонада, йигирма қадам нарида эди.

– Шон-шавкатим, иймонимни ўртага қўйиб, қасам ичаман ва буни қиламан, – деди даллол овозини пасайтириб. – Ундан ҳозироқ сўрайман. Нега бу ишни аввалроқ қилмаганимга ҳайронман.

У ўзини қаттиқ жазолашларидан бурун муҳим хабарни мижозга етказишга шошилган биржа даллолидек шошқалоқлик билан стенографистканинг хонасига отилди ва қизнинг столи томон ташланди.

Стенографистка унга қараб табассум қилди. Қизнинг юзига енгил қизиллик югурди. Унинг нигоҳлари эркаловчи ва очиқ эди. Максуэл тирсакларини қизнинг столига тираб олди. У ҳамон икки қўлида бир пачка қоғозни ушлаб олган, қулоғининг орқасидан ручкаси чиқиб турарди.

– Лесли хоним, – деб гап бошлади у шошганича, – менинг ихтиёримда роппа-роса бир дақиқа бор. Мен сизга бир нарсани айтишим керак. Менинг рафиқам бўлинг. Таомилларда белгиланганидек, мулозимат қилиб юришга менинг вақтим йўқ. Аммо мен, очиғини айтганда, сизни севаман. Илтимос, тезроқ жавоб беринг, акцияларнинг нархларини пасайтириб юбораётган бу кимсалар «Тинч океани» акцияларининг расвосини чиқариб ташлашаяпти.

– Нималар деяпсиз! – хитоб қилди стенографистка. У ўрнидан турди ва йигитга кўзларини катта-катта очганча тикилиб қолди.

– Сиз мени тушунмадингизми? – ўкинч билан сўради Максуэл. – Сиз менинг рафиқам бўлишингизни истайман. Мен сизни севаман, Лесли хоним. Мен бу ҳақда сизга анча бурун айтмоқчи эдим ва мана, идорада бироз тин олиш имконияти туғилгач, бунинг учун қулай фурсат келди. Мана, мени яна телефонга чақиришаяпти. Питчер, уларга кутиб туришларини айтиб қўйинг. Хўш, таклифимга нима дейсиз, Лесли хоним?

Стенографистка ўзини жуда ғалати тутди. Аввалига у худди ажаблангандек бўлди, кейин унинг ҳайрон қолган кўзларидан кўз ёшлари оқа бошлади. Сўнгра эса кўз ёшлари орасидан қуёшдек жилмайди ва бир қўли билан даллолнинг бўйнидан қучоқлади.

– Мен тушундим, – деди у юмшоққина оҳангда. – Бу биржа ҳамма нарсани бошингдан сиқиб чиқариб юборган. Аввалига эса, мен чўчиб кетдим. Наҳотки унутган бўлсанг, Гарви? Биз кеча кечки соат саккизда бурчакдаги кичкина черковда никоҳдан ўтдик-ку!

РАНЧОДАГИ СИҲАТГОҲ

Агар сиз ринг хроникасини кузатиб бораётган бўлсангиз, бу воқеани дарров эслайсиз. Тўқсонинчи йилларнинг бошида, чегарадаги дарёнинг нариги томонида чемпионнинг бу унвонга даъвогар билан атиги бир дақиқа ва бир неча сония давом этган учрашуви бўлиб ўтди.

Бундай қисқа фурсатли жанг камдан-кам учрайдиган воқеа ва бориб турган лўттибозликнинг ўзгинасидир. Чунки у спортнинг ҳақиқий билимдонлари, унинг қадрига етадиганларнинг умидларини алдайди. Мухбирлар ундан мумкин бўлган ҳамма нарсани сиқиб олдилар. Бироқ улар тўқиб чиқаришган тафсилотларни четкага суриб қўядиган бўлсак, жанг ғамга ботирадиган даражада қизиқарсиз бўлганди. Чемпион ўз қурбонини осонлик билан отиб юборди. Унга елкаси билан бурилди ва «Мен бу мурда энди туролмаслигини биламан», деб тўнғиллаганича, кема мачтасидек узун қўлини секундантга қўлқопини ечиб қўйиш учун узатди.

Эртаси куни эрталаб, тонг энди ёришаётган пайтда сўнгги урфдаги костюм кийган ва гулдор бўйинбоғ таққан, ниҳоятда ранжиган жентельменлардан иборат йўловчиларнинг тўлиқ таркиби Сан-Антониoнинг вокзалига тошиб чиқаётган ҳолатни шу билангина изоҳласа бўларди. Сан-Антониода яшовчиларнинг қулоқлари эшитавериб ўрганиб қолган қуруқ, хирилдоқ йўтал вужудини бўлак-бўлак қилиб

юбораётган «чигиртка» Мак-Гайр вагондан отилиб чиқиб, платформага қулаганидаги аянчли аҳволи ҳам қисман шу билан изоҳланарди.

Шундай бўлдики, айнан шу пайтда платформадан эрта тонгнинг оқиш нурлари юзларини ёритиб турган Нуэсес округилик чорвадор Кэртис Рейдлер, уни Яратганнинг ўзи ёрлақасин, ўтиб кетаётган эди.

Чорвадор эрта турган, чунки у уйига шошилар ва жанубга жўнайдиган поездга улгуришни истарди. Омадсиз спорт ҳомийсининг олдида тўхтаб, техасликларга хос бўлган чўзиқ урғу (акцент)да ҳамдардлик билан деди:

— Аҳволинг ёмонми, бечорагина бола?

«Чигиртка» Мак-Гайр — энг енгил вазнли собиқ боксчи, жокей, бар ва спорт клубларининг доимий мижозларидан бири, одамлар тўпланадиган бу жойларда ортиқча тиқиндек ҳамма нарсага аралашаверувчи, уч варақча деб аталувчи ўйин мутахассиси жанговарлик ва жиззакилик акс этиб турувчи кўзларини ўзини «бечорагина», деб атаган кишига қадади.

— Аравангни торт, телеграф устуни, — хириллаб деди у. — Мен қўнғироқ қилганим йўқ.

Йўталнинг янги тўлқини унинг ичини ағдара бошлади ва у ҳолсизланганича юк аравачасига суяниб олди. Рейдлер платформани тўлдирган оқ шишалар, пальтолар ва йўғон сигараларга қараб-қараб қўяркан, йўталнинг ўтишини кутди.

[illegible] олдан бўлсанг керак, ўғлим? — деди у [illegible] шлагач. — Бокс кўргани борганмидинг?

[illegible] ишқирди Мак-Гайр. — Қувлашмачоқ [illegible] бир урдим-у, шифокор беморни [illegible] дан ҳам тезроқ ерга қулатдим. [illegible] тиқилиб қолди, йўтала бошлади [illegible] ндан ҳам кўра ўзининг

ичини бўшатиб олиш учун шошиб давом этди:
– Ғалаба аниқ, нақд эди-я! Йўқ, мени энди бу қармоққа бошқа илинтиролмайсан. Ҳолбуки, бу хўракка Рокфеллернинг ўзи ҳам илинган бўларди. Коркдан келган бу йигитнинг уч раунд ҳам дош беролмаслиги нисбати бешга бир эди. – Мен ана шунга пул тиккандим. Охирги центимгача ҳаммасини тикдим ва Ўттиз еттинчи кўчадаги, мен Жим Дилани билан нархини келишиб қўйган, тунги қовоқхона қипиқларининг ҳидини ҳам сезиб тургандим. Шунда бирдан... Ахир, ҳеч бўлмаса, сиз айтинг, телеграф устуни, икки аҳмоқнинг битта учрашувига ўзининг охирги бойлигини ҳам тикиб юбориш учун қай даражада тентак бўлиш керак?

– Ҳа, тўғри, бунга қарши нимаям дейиш мумкин, – деди бақувват чорвадор. – Айниқса, пуллар қулоғини ушлаб кетганда! Сен эса, ўғлим, меҳмонхонага борсанг, яхшироқ бўларди. Йўталинг жуда ёмон-ку. Ўпкаларингми?

– Ҳа, жин урсин уларни! – яширмай жавоб қилди йигит. – Шунақа лаззатни қўлга киритиб ўтирибман. Қари укки, агар яшаш тезлигимни ўзгартирсам, қуюшқондан чиқиб кетмасам, яна ярим йилча, балки бир йилчадир, яшашимни айтди. Мана шунинг учун мен бирор жойга муқим ўрнашиб, ақлимни йиғиб олмоқчи эдим. Балки шунинг учун ҳам, мен бешга бир нисбатига пул тикишга таваккал қилгандирман. Менда минг доллар нақд тўплаб, йиғиб қўйилган эди. Ютган тақдиримда, Диланининг қаҳвахонаси менга ўтарди. Бу тўнкани биринчи раунддаёқ қулатишади, деб ким ўйлабди, дейсиз?

– Ҳа, омадинг чопмабди, – деди Рейдлер Мак. – Гайрнинг аравачага суянган кичкина гавдасига

қараб туриб. – Ҳозир эса, ўғлим, сен меҳмонхонага бор ва дам ол. Бу ерда «Минжер», «Маверик» ва...

– Шунингдек, «Бешинчи авеню», «Уолдорф – Астория» ва бошқа меҳмонхоналар бор, – мазах оҳангида давом этди Мак-Гайр. – Нима, сиз эшитмадингизми? Мен ютқазиб қўйдим. Ҳозир менда мана шу шим ва ўн центлик битта тангадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Балки менга Европага жўнаш ёки шахсий яхтамда саёҳатга чиқиш фойдали бўлар? ...Ҳой, менга газетангиздан беринг!

У газета сотувчи болага ўн цент ташлади ва «Экспресс»нинг янги сонини чангаллади, аравачага қулайроқ суяниб олганича, тўқиб чиқариш ва қўшиб-чатишга уста матбуот нашрининг ўзининг Ватерлооси ҳақидаги шишириб ёзган ҳисоботини ўқишга шўнғиб кетди.

Кэртис Рейдлер ўзининг катта олтин соатига қаради ва Мак-Гайрнинг елкасига туртди.

– Юр, ўғлим, поезд келишига уч дақиқа қолди.

Афтидан, киноя Мак-Гайрнинг қонида бор эди.

– Нима, боя мен сизга сариқ чақам ҳам қолмаганини айтганимдан кейин ўйин автоматида банкдаги ҳамма пулни ютиб олганимни ёки баҳсда енгганимни кўрдингизми? Йўлингиздан қолманг, биродар!

– Сен мен билан менинг ранчомга кетасан ва у ерда тузалиб кетгунингча яшайсан, – деди чорвадор. – Ярим йилдан сўнг сен касалликни унутиб ҳам юборасан, кичкинтой. – У бир қўли билан Мак-Гайрни кўтарди ва уни поезд томонга тортиб кетди.

– Мен ҳақини нима билан тўлайман? – сўради Мак-Гайр, чорвадорнинг қўлидан чиқиб кетишга кучсизгина уринаркан.

– Тўлаш? Нима учун? – Ҳайрон қолди Рейдлер. Улар бир-бирларига ажабланиб қарашди.

Уларнинг фикрлашлари конуссимон тишли узаткич шестеренкалари сингари ҳар бири ўз ўқи атрофида ва қарама-қарши томонга айланарди.

Жанубга борадиган поезднинг йўловчилари қарама-қаршиликларнинг шундай ноёб тарзда бирлашганидан ажабланганларича, бу жуфтликка қизиқувчанлик билан қараб-қараб қўярдилар. Мак-Гайрнинг бўйи беш футу бир дюйм эди. Ташқи кўринишидан у дублинлик ёки иокогамалик ҳам бўлиши мумкин эди. Ўткир нигоҳ, ўткир ёноқ суяклари ва энгак, кўплаб жанжалу тўполон, куч синашларини кўрган қуруқ чайир гавда – кўринишидан қовоғаридек жангари туюладиган бу йигит бу жойларда ғайриоддий воқеа эмас эди. Рейдлер бошқа муҳитда катта бўлганди. Бўйи олти футу икки дюйм, елкалари қучоқ етмас кенгликда бўлган бу инсоннинг юраги ҳамма учун очиқ эди. Унда ғарб ва жануб бирлашганди. Бу тип вакиллари расмлар (полотнолар)да ҳали акс эттирилмаган, чунки бизда расмлар галереялари мўъжаз ўлчамларда, кинематография эса Техасда ҳали кенг ёйилмаган, ривожланмаган эди. Рейдлер каби давонгирларнинг тимсолини фақат фреска – рамкаларга тиқилмаган оддий, босиқ ва катта нимадиргина муносиб акс эттириши мумкин.

Экспресс уларни шиддат билан жануб томонга олиб кетарди. Шимолий Американинг ўзига хос даштлари бўлган прерияларнинг яшил кенгликлари ўрмонларни бўлиб, кенг майдонларга сочиб ташланган дарахтларнинг қорамтир тўпларига айлантириб, уларнинг устига бостириб борарди. Бу ранчолар мамлакати, сигир қиролликларининг мулки эди.

Мак-Гайр бурчакка тиқилиб олиб, чорвадорнинг гапларига ишончсизлик билан қулоқ соларди. Уни номаълум жойга судраб кетаётган барзанги қария у билан қандай ҳазил қилишни ўйлаб қўйган экан,

а? Қария бу ишни ҳамдардлик учун қилаётган бўлиши мумкинлиги Мак-Гайрнинг ақлига ҳечам келмасди. «У фермер эмас, – фикрларди асир. – Фирибгарга ҳам ўхшамайди. Бу қандай одам экан ўзи? Энди ўзингга эҳтиёт бўл, ҳушёрликни йўқотма, «чигиртка». Унинг карталари терилган эмасмикан? Энди хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам, ҳеч нарса қилолмайсан. Сенда тез авж олаётган сил ва чўнтагингда беш цент пул бор. Шундай экан, тинчгина ўтир. Дамингни чиқармай ўтир ва у нималарни режалаштираётганини кузат».

Сан-Антониодан юз миля наридаги Ринконда улар поезддан тушиб қолдилар ва Рейдлерни бекатда кутиб турган икки ғилдиракли арава – таратайкага ўтиришди. Шундан сўнг манзилга етгунча, улар яна ўттиз миля йўл босиб ўтишди. Йўлнинг айнан шу қисми гумон юрагини ўртаётган Мак-Гайрга ўзининг асир қилинишининг асл сабаб-моҳиятини кўрсатиши мумкиндек туюларди. Улар парқудек юмшоқ араваларда саваннанинг яшнаб-қувнаб турган кенгликлари бўйлаб ўтиб борардилар. Бир жуфт чопқир испан оти йўртиб борар, баъзан эса улар ўз ташаббуси билан бирдан шиддат билан югуриб қолишарди. Ҳаво шаробдек маст қиларди, зельтер сувидек тетиклаштирарди, ундан ҳар гал нафас олганларида, йўловчилар дала гулларининг нафис бўйларидан баҳраманд бўлардилар. Йўл аста-секин ўтлар орасида йўқ бўлиб қолди ва олислардан лип этиб аранг кўринувчи ҳар бир кичик дарахтзор таниш белги бўлган, уфқдаги тепаликларнинг ҳар қайси бурилиши тўғри йўналишни кўрсатиб турадиган ва масофани қайд этадиган Рейдлернинг қўли билан бошқарилаётган таратайка даштнинг яшил тўлқинлари бўйлаб сузиб кетди.

Аммо Мак-Гайр ўзини ўриндиққа ташлаганича ўтираркан, чорвадорнинг гапларини қайғули ишончсизлик билан тингларди ва ўз атрофида кимсасиз чўлдан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди.

«У нимани режалаштираётган экан?» Ёпишқоқ бу фикр уни зилдай босиб турарди. «Бу барзанги қандай ҳийлани пиширитиб олди экан?» Фақат уфқ чизиғи ва тўртинчи ўлчам билангина чегараланган кўз илғамас кенгликларда Мак-Гайр одамларга шаҳарларнинг тор квартираларида истиқомат қилувчи кишиларнинг ўлчови билан баҳо берарди.

Дашт бўйлаб бир ҳафта бурун отда ўтиб кетаётганида, Рейдлер подадан орқада қолиб кетиб, ғамли оҳангда маъраётган бузоққа дуч келди. Рейдлер отдан тушмасдан эгилди ва бу «шўрлик»ни эгарининг устига осилтириб ташлаб олди. Ранчога келгач, уни молбоқар йигитлардан бирига топширди. Мак-Гайр Рейдлернинг кўзи ўнгида худди ўша бузоқдек, кимнингдир ғамхўрлигига муҳтож касал, ҳимоясиз мавжудот эканлигини қаердан ҳам билсин? Билган тақдирида ҳам бу унинг миясига қандоқ ҳам жойлашарди, у буни қандоқ ҳазм қиларди? Рейдлер ушбу йигитга ёрдам бера олишини кўрди ва бу унинг учун етарли асос эди. Унинг нуқтаи назаридан келиб чиққанда, буларнинг ҳаммаси мантиқли ва шунинг учун ҳам тўғри эди. Мак-Гайр Сан-Антониога унинг тор кўчаларида озон тўпланиб қолади, деб нафас олиш учун бу ерга минг-минглаб оқиб келадиган сил касали билан оғриган беморлардан Рейдлер тасодифан учратиб, ўзи билан олиб кетганларнинг еттинчиси эди. Унинг бундай меҳмонларидан бештаси Солито ранчосида тузалиб кетгунларича ёки кучга киргунларича яшагандилар ва меҳмондўст хўжайин билан йиғлаб хайрлашгандилар. Олтинчиси бу ерга жуда кеч келганди ва охир-оқибатда у боғнинг

тинчгина бурчагида тарвақайлаган дарахт остида мангу осойишталик топди.

Шунинг учун арава ранчодаги уйнинг эшиги олдига келиб тўхтагач, Рейдлер ундан ўз ҳимоясига олган беморни, худди бир тугун латтани олгандек кўтариб, пешайвонга қўйганида, у ердагиларнинг бирортаси ажаблангани йўқ.

Мак-Гайр ўзи ўрганиб қолганидан бошқача манзарага нигоҳ ташлади. Солито ранчосидаги уй округда энг яхши уй ҳисобланарди. Уй бу ерга юзлаб миля олис жойлардан отларда олиб келинган ғиштлардан қурилган, аммо бир қаватли эди. У «галерейка» номи билан аталувчи ва поли тупроқдан бўлган пешайвон билан ўраб олинган тўрт хонадан иборат эди. Хонавайрон бўлган спортчининг пойтахтни кўриб ўрганган кўзини отлар, итлар, аравалар, милтиқлар ва ковбойлар ишлатадиган нарсаларнинг турли-туманлиги лол қолдирди.

– Мана, энди биз уйдамиз, – қувноқлик билан деди Рейдлер.

– Росаям расво, гадойтопмас жой экан-ку, – деб тўнғиллаб юборди Мак-Гайр ва йўтали хуружидан бадани тортишганича пешайвоннинг полига қулаб тушди.

– Сени қулайроқ жойлаштиришга ҳаракат қиламиз, ўғлим, – деди юмшоқ оҳангда Рейдлер. – Тўғри, уйимиз унчалик ҳашаматли эмас. Аммо эркинликда бўлган яхши. Сен учун эса бу энг муҳими. Мана бу сенинг хонанг. Нима керак бўлса, сўрайвер, уялма.

Рейдлер Мак-Гайрни уйнинг шарқий томонидаги хонага олиб кирди. Устига ҳеч нарса ташланмаган пол тоза қилиб ювилганди. Салқин шабада деразалардаги оқ пардаларни тебратиб турарди. Тўқилган, тебранувчи катта оромкурси, иккита оддий

стул, устига газеталар, трубкалар, тамаки, шпорлар, милтиқ ўқлари уюб ташланган узун стол хонанинг ўртасида турарди. Деворлардан буғуларнинг ва битта тўнғизнинг яхши ишлов берилган каллалари қараб туришарди. Бурчакда парусина матосини ишлатиб ясалган йиғма каравот бор эди. Шу атрофда яшовчиларнинг назарида Солито ранчосидаги меҳмонларга аталган хона шаҳзодаларга муносиб қароргоҳ ҳисобланарди. Уни кўрган Мак-Гайрнинг оғзини таноби қочди. У чўнтагидан беш центини чиқарди ва тангачаларни шифт томонга улоқтирди.

– Сиз мени пул ҳақида алдаяпти, деб ўйлаганмидингиз? Мана энди, агар истасангиз, мени тинтиб кўришингиз мумкин. Бу менинг бойликларимнинг охиргиси эди. Хўш, мен учун ким ҳақ тўлайди?

Рейдлернинг тиниқ кўк кўзлари оқара бошлаган киприклари остидан Мак-Гайр кўзларининг қора мунчоқларига қаттиқ тикилишди. Бироз сукут сақлаб тургач, у оддийгина қилиб, ғазабланмай деди:

– Агар пул ҳақида бошқа эсламасанг, сен мени жуда миннатдор қилган бўлардинг, ўғлим. Бир марта айтдинг, бўлди. Мен ўз меҳмонларимдан ҳақ олмайман. Улар, одатда, буни менга таклиф қилмайдилар ҳам. Кечки овқат ярим соатдан сўнг тайёр бўлади. Мана бу ерда кўзада сув бор. Галерейкада осиғлиқ турганида ичишинг учун совуқроғиям бор.

– Қўнғироқ қаерда? – Ҳамма томонга олазарак бўлиб қаради Мак-Гайр.

– Қўнғироқ? У сенга нима учун керак?

– Нимадир керак бўлганида қўнғироқ қилиш учун. Ахир мен... Ҳой, менга қаранг! – бақириб юборди у кучсиз ғазаб қамраб олгач. – Мен сиздан бу ерга судраб олиб келишингизни сўрамаган эдим.

Мен сизга тиланчилик қилмагандим. Мен сизнинг раҳмингизни келтирмоқчи эмасдим. Сиз менга тирғалиб олдингиз. Мен касалман. Мен ҳаракат қилолмайман. Бу ерда эса эллик миля атрофида на йўлак ходими, на коктейль бор! Ҳе, жин урсин! Иш роса пачава бўлди-ку! – Мак-Гайр каравотга ўзини ташлаганича титраб-қақшаб йиғлаб юборди.

Рейдлер эшикка яқинлашди ва хизматкорни чақирди. Йигирма ёшлардаги хушбичим, ёноқлари қизил мексикалик йигит хонага кириб келди.

– Агар адашмаётган бўлсам, сенга куздан Сан-Карлодаги лагердан жой ваъда қилгандим-а?

– Си, си, сеньор. Сизнинг илтифотингиз шундай бўлганди.

– Унда қулоқ сол. Бу жаноб – менинг дўстим. У қаттиқ касал. Унга хизмат қилиб турасан. Унинг ёнидан нари кетмай, ҳамма айтганларини бажар. Бундай ҳолатларда, Иларио, ғамхўрлик ва бардош керак бўлади. У соғайиб кетганида ёки... У соғайганидан кейин эса, мен сени оддий ходим эмас, балки отларни минишга ўргатувчиларнинг каттаси қилиб тайинлайман, хўпми?

– Хўп, хўп, хўп, сеньор. – Иларио миннатдорчилик белгиси сифатида бир оёқда тиз чўкмоқчи эди, аммо Рейдлер:

– Ҳай, ҳай, балет номерларини кўрсатма, – деб тўнғиллаганича уни оёғи билан ҳазиллашиб тепиб қўйди.

Ўн дақиқадан сўнг Иларио Мак-Гайрнинг хонасини тарк этиб, Рейдлернинг олдида пайдо бўлди.

– Кичик сеньор, – деди у, – сизга салом йўллаяпти (Рейдлер кириш сўзини Иларионинг хушмуомалалигига йўйди) ва ўзига майдаланган муз, иссиқ ванна, қовурилган бурда нон, зельтер суви қўшилган бир порция жин, «Нью геральд»

сигареталаридан бир пачка кераклигини, ҳамма деразаларни ёпиш, сартарошни чақириш ва телеграмма жўнатиш зарурлигини айтиб қўйишни сўраяпти.

Рейдлер ўзининг дорилар шкафидан бир шиша виски чиқарди.

– Ма, унга олиб бориб бер, – деди у.

Солито ранчосида террор тартиби мана шундай ўрнатилди. Биринчи ҳафтада Мак-Гайр, Рейдлернинг энг сўнгги топилмасини бир кўриб кетиш учун олис яйловлардан келган ковбойлар олдида андишасизларча мақтанар ва ҳаддан ташқари гердаярди. Мак-Гайр улар учун мутлақо янги ҳодиса эди. У боксдаги ҳимоя ва ҳужумнинг ҳийла-найрангли усулларини кўрсатиб, олифтагарчилик қилар, уларни бокс санъатининг турли нозик томонлари билан таништирарди. У ушбу йигитларнинг ҳайратланган нигоҳларига профессионал спортчилар ҳаётининг авра-астарини очиб кўрсатарди. Улар собиқ боксчининг жаргон сўзлари билан суғорилган нутқларига ниҳоятда ажабланишар ва чин дилларидан кулардилар. Унинг ҳаракатлари, ғалати характери, тили ва тамойилларининг очиқдан-очиқ дағаллиги уларни мафтун қиларди. Спортчи йигит улар учун гўё бошқа дунёдан келган мавжудот эди.

Бу қанчалик ажабланарли бўлмасин, аммо у тушиб қолган янги дунё унинг учун худди мавжуд эмасдек эди. У ғишт ва оҳак дунёсидан чиққан ўтакетган худбин эди. Уни тақдир мақтанчоқлик билан суғорилган ғира-шира хотираларини эшитишга тайёр бўлган бир нечта тингловчидан бошқа ҳеч нарса топилмайдиган бўш маконга улоқтириб юборгандек туюларди. На даштларнинг қуёш нурлари тўлдирган чексиз кенгликлари, на юлдузли тунларнинг

улуғвор осудалиги унинг дилини ҳаяжонлантиргани, ҳайратлантиргани йўқ. Маъбуда Аврораниг барча бўёқлари ҳам уни спорт журналининг пушти саҳифаларидан юлиб ололмасди. Текинга яшаш унинг шиори, Ўттиз еттинчи кўчадаги қовоқхона орзуларининг тожи, чўққиси эди.

Икки ойлардан сўнг у соғлиғи ёмонлашганидан шикоят қила бошлади. Шу вақтдан бошлаб, у Солито ранчосининг офати, вабоси, даҳшатига айланди. У худди баджаҳл пакана ёки инжиқ аёлдек ўз бурчагида зорланиб, минғирлаб, аллакимларнидир айблаб, лаънатлаб ўтирарди. Ҳамма шикоятлари бир йўсинда эди: уни ихтиёрига қарши бу оловли дўзахга ташлашди, бу ерда у қаров ва қулайликлар бўлмагани сабабли ҳалок бўлаяпти. Аммо аҳволининг кундан кунга ёмонлашаётганлиги ҳақида жон-жаҳди билан қилаётган дод-войларига қарама-қарши ўлароқ, унинг кўриниши ҳеч қанча ўзгармаганди. Кўзларининг қора мунчоқларида иблисона ўша олов ёниб турарди, унинг овози худди аввалгидек кескин янграрди, тери тортилган суяклардан иборат бўлган озғин юзи озғинликнинг чегарасига етиб бўлган ва энди бундан ортиқ озолмас эди. Унинг бўртиб турган ёноқларида кечалари иситма аралаш лов этиб пайдо бўладиган қизиллик, касаллик ҳолатини кузатиш, эҳтимол, қулоқ солиб кўриш эса Мак-Гайрнинг фақат бир ўпка билан нафас олаётганини аниқлайди, деган фикрга олиб келарди, аммо унинг ташқи кўриниши бир мисқол ҳам ўзгармаганди.

Иларио эртаю кеч, ҳеч ким билан алмашмасдан унга хизмат қиларди. Амалини кўтариш ваъдаси, афтидан, йигит учун яхши хўрак эди. Чунки унинг Мак-Гайрнинг ёнида доимо бўлиши катта азобга айланган эди. Беморнинг буйруғига кўра хонадаги деразаларнинг ҳаммаси зичлаб ёпиб ташланган,

пардалар туширилган ва тоза ҳавонинг кириши учун ҳеч қандай имкон қолдирилмаганди. Мак-Гайр ўзини хасталикдан қутулишнинг ягона умидидан шу тарзда маҳрум қиларди. Тамакининг кўзни ачитувчи тутунидан хонада нафас олиб бўлмасди. Мак-Гайрнинг олдига ким келса ҳам, тутундан нафаси сиқилиб ўтириши ва бу шайтонваччанинг жанжалли ўтмиши ҳақидаги беандишаларча мақтанишларини эшитишга мажбур бўларди.

Аммо энг ажабланарлиси, Мак-Гайр билан уй эгасининг ўртасида юзага келган муносабатлар эди. Бемор ўз халоскорини ўзбошимча, ортиқча эркалатиб юборилган ёш бола, ҳаддан ортиқ мурувватли, кўнгли бўш отани қийнагандек, азобларди. Рейдлер уйдан бирор ёққа кетганида, Мак-Гайрни ғусса босар, у маъюс бўлганича, ўшшайиб, сукут сақларди. Рейдлер уй остонасидан ҳатлаб ўтгани ҳамон эса унга Мак-Гайрнинг заҳарли таъналари ёғиларди. Рейдлернинг ўз васийлиги остидаги йигитга муносабат ҳам шу даражада ажабланарли эди. Рейдлер Мак-Гайр унга ёғдираётган ҳамма айбларга ўзи ҳам ишониб қолгандек туюларди ва ўзини бешафқат золим, деб ҳис қиларди. У, афтидан, ўз меҳмонининг аҳволи учун ўзини тўлиқ жавобгар, деб ҳисоблар ва унинг барча ҳужуму таъналарини тазарру ва бардош билан итоаткорона тингларди.

Бир гал Рейдлер Мак-Гайрга деди:

– Очиқ ҳавода кўпроқ бўлишга ҳаракат қил, ўғлим. Менинг таратайка аравамни олгин-да, хоҳласанг, ҳар куни миниб юр. Бир-икки ҳафта йигитлар билан яйловда яшаб кўр. Мен у ерга сени яхшилаб жойлаштириб қўярдим. Тоза ҳаво, бунинг устига ернинг яқинлиги сени тезда оёққа турғазади. Мен филадельфиялик бир йигитни танирдим. У сендан ҳам оғирроқ касал эди. У Гваделупада

адашиб қолиб, икки ҳафта қўйларнинг ўтлоғида яшаб, очиқ ер устида ухлашига тўғри келганидан кейин соғлиғи тезда ўнглана бошлади. Ҳаво билан тупроқ ниҳоятда шифобахшдир. Ёки от миниб сайр қил. Менинг отим жудаям ювош.

– Мен сизга нима ёмонлик қилдим? – чинқирди Мак Гайр. – Мен сизни алдаганмидим? Мени бу ерга олиб келишга мажбур қилганмидим? Бу ҳақда сўраганмидим? Энди эса «Яйловга жўна!»ми... Нима қиласиз гапни айлантириб. Ундан кўра пичоқ санчиб қўя қолмайсизми менга! Отда юр, дейсиз. Мен эса оёқларимни судролмайман. Тушунарлими? Беш яшар болаям мени уриб, мўматалоқ қилиб қўйиши мумкин. Мен эса ўзимни ҳимоя қила олмайман. Бунинг ҳаммасига сабаб сизнинг лаънати ранчонгиз. У мени адойи тамом қилди. Бу ерда ейишга ҳеч нарса йўқ, томоша қиладиган, кўрадиган ҳеч вақо мавжуд эмас. Боксчиларнинг қум солинган қопини денгиз қисқичбақалари солиб тайёрланган салатдан ажратолмайдиган қўпол, дағал омилар галасидан бошқа гаплашгани ҳеч кимни тополмайсиз!

– Бизда, ҳақиқатан ҳам, зерикарлироқ, – хижолат бўлиб ўзини оқларди Рейдлер. – Ҳамма нарса мўл-кўл, лекин ҳаммаси оддийгина. Ҳа, майли, агар бирор нарса керак бўлса, йигитларни юборсанг, улар шаҳардан топиб, олиб келишади.

Серил Бар лагеридан келган ковбой Чэд Мерчисон Мак-Гайрни фирибгар ва ўзини ҳар кўйга солишга уста муғомбир эканлиги ҳақидаги тахминни биринчи бўлиб айтди. Чэд от эгарининг қошига боғланган саватда унга ўттиз миля наридан узум олиб келган, бунинг учун у тўрт миля йўлни айланиб босиб ўтишга мажбур бўлганди. Тамаки тутуни тўла хонада бироз бўлиб чиққач, у ўз шубҳаларини хўжайинга ҳеч қандай киноясиз, очиқ айтди.

– Унинг қўли олмосдан ҳам қаттиқ, – деди Чэд. – У мени қуёш ўралмасига тўғри қисқа зарба билан таништирганида, мен ўзимни мустанг тепди, деб ўйладим. Кичкинтой сизни беҳаёларча алдаяпти, Кэрт. Мен қандай касал бўлсам, у ҳам шундай бемор. Айтишга ҳам уяласан, киши, бу ерда ялло қилиб юриш учун у сизни боплаб, лақиллатиб юрибди.

Бироқ очиққўнгил чорвадор Чэднинг гапларига жиддий эътибор бермади. Бир неча кундан кейин у Мак-Гайрни тиббий кўрикдан ўтказдирган бўлса, бу ҳеч қандай ғаразли мақсадсиз амалга оширилган эди.

Бир куни пешинда аравада икки киши ранчога келишди. Ундан тушишиб, отларни боғлашди, уйга киришди ва тушлик қилгани қолишди. Чунки бу ҳудудларнинг одатларига кўра шу ердаги уйлардан бирортасига кирган одам ўзини дастурхонга таклиф қилинган, деб ҳисоблайди. Улардан бири Сан-Антониoнинг тиббиёт юлдузларидан бўлиб чиқди. Унинг қимматбаҳо маслаҳатлари ўқ теккан сигир магнатларидан бирига зарур бўлиб қолган экан. Ҳозир шифокорни поездга солиб юбориш учун уни темир йўл бекатига олиб кетишаётган экан. Рейдлер уни бир четга чақирди ва қўлига йигирма доллар суқаркан, деди:

– Бир йигитчани кўриб қўйишни рад этманг, доктор. У шу ердаги қўшни хонада. Мен унинг касали сўнгги босқичдаги сил бўлса керак, деб қўрқаман. Мен у шунчалик ёмон аҳволдами, биз унинг учун нималар қила олишимиз мумкинлигини билишни истардим.

– Сизга тушлик учун қанча қарздорман? – тўнғиллади шифокор кўзойнаклари устидан уй хўжайинига қараб қўяркан. Рейдлер ўзининг

йигирма долларини чўнтагига қайтиб солди. Шифокор ҳаяллламасдан Мак-Гайрнинг хонасига кирди. Чорвадор эса галерейканинг бурчагига уюб қўйилган эгарлар уюмига ўтирди ва агар тиббий хулоса яхши бўлмаса, ўзини койишга тайёрланиб турди.

Бир неча дақиқадан кейин шифокор Мак-Гайрнинг хонасидан шахдам қадам ташлаб чиқди.

– Сизнинг Кичкинтойингиз, – деди у Рейдлерга, – мендан ҳам соғломроқ. Ўпкалари эса ҳозиргина босиб чиқарилган доллардек тоза. Томирининг уриши яхши, танасининг ҳарорати ва нафас олиши ҳам жойида. Касалликнинг заррадай ҳам белгиси йўқ. Тўғри, мен бактериологик таҳлил ўтказганим йўқ, аммо унда сил хасталигининг бациллалари йўқ эканлигига кафолат бераман. Ташхис остига менинг фамилиямни ёзиб қўйишингиз мумкин. Ҳатто тамаки ва оғир ҳаво ҳам унга зарар етказмаган. У йўталаяптими? Унга бундай қилиш шарт эмаслигини айтиб қўйинг. Сизни у учун нима қилиш кераклиги қизиқтирадими?

Маслаҳатим – уни телеграф устунларини ўрнатиш ёки мустангларни минишга ўргатишга юборинг. Хўш, бизнинг отларимиз тайёр бўлибди. Яхши қолинг, сэр!

Шифокор тетиклаштирувчи жонбахш шамол эпкинидек йўлида давом этди.

Рейдлер устун ёнидаги мескит бутасининг битта баргини юлиб олди ва ўйга чўмганича уни чайнай бошлади.

Молларни тамғалаш мавсуми яқинлашиб келарди. Катта ов ҳайдовчи Росс Харгис ўз йигитларидан йигирма бештасини Сан-Карлосга улар билан бирга жўнаб кетиш учун эртаси куни эрталаб ранчо ҳовлисига тўплади. Соат олтида отлар эгарланган,

озиқ-овқатлар ёпиқ аравага юкланган, ковбойлар биридан кейин бошқаси эгарларга сакраб минаётган пайтда Рейдлер улардан бироз кутиб туришларини илтимос қилди. Отбоқар бола дарвоза олдига жиловланган ва эгарланган яна битта отни олиб чиқди. Рейдлер Мак-Гайрнинг хонаси томонга йўналди. Ва эшикни кенг очиб юборди. Ҳали киймларини киймаган Мак-Гайр караводда ётар ва чекарди.

– Тур ўрнингдан! – деди чорвадор ва унинг овози, худди овчининг мис бурғусидан чиққандек, аниқ ва кескин жаранглади.

– Нима бўлди? – довдираб сўради Мак-Гайр.

– Ўрнингдан тур ва кийин. Мен уйимда шақилдоқ илон яшашига кўнар эдиму, аммо бу ерда ёлғончига ўрин йўқ. Бўлмайсанми? Яна қанча такрорлашим керак? – Мак-Гайрнинг ёқасидан тутиб, тўшакдан тортиб, пастга туширди.

– Қулоқ солинг, биродар! – кутурганча бақирди Мак-Гайр. – Миянгизни еб қўйдингизми? Мен – касалман, буни кўрмаяпсизми? Мен сизга нима ёмонлик қилдим? Мен сиздан бу ерга олиб келишингизни сўраганмидим? – У одатдаги йўсинда ҳиқиллашини бошлади.

– Кийин! – деди Рейдлер овозини кўтариб.

Кийимларга ўралашиб, ҳақоратларни минғирлаб ва ҳайратли нигоҳини чорвадорнинг ҳайбатли гавдасидан узмасдан Мак-Гайр амал-тақал қилиб, шими ва кўйлагини кийди. Рейдлер яна унинг ёқасидан тутди-да, ҳовли орқали судраб, дарвоза олдига боғлаб қўйилган отнинг олдига олиб борди. Ковбойлар оғизларини очиб, ангрaйганларича эгарларида тебраниб қўйишди.

– Мана бу йигитчани ҳам ўзинг билан бирга олиб кет, – деди Рейдлер Росс Харгисга, – ва уни

ишга қўй. Қандоқ керак бўлса, шундоқ ишласин, дуч келган жойда ухласин ва нима беришса, шуни есин. Йигитлар, биласизми, мен унинг учун нима зарур бўлса, ҳаммасини қилдим, қилгандаям, чин дилимдан бажардим. Кеча Сан-Антониолик энг яхши шифокор уни кўрикдан ўтказди ва унинг ўпкалари худди хачирникидек тоза ва умуман у буқадек соғлом, деб айтди. Қисқаси, уни сенга топшираман, Росс.

Росс Харгис бунга жавобан қовоғини уйганича жилмайиб қўйди, холос.

– Гап бу ёқда экан-да! – деди чўзиб Мак-Гайр, қандайдир ғалати истеҳзоли жилмайиб, Редлерга қараркан. – Шундай қилиб, қари укки мени соғ, дедими? У мени муғомбир, деб атадими? Демак, сиз уни менинг олдимга юборганмидингиз? Сиз мени ўзини касалликка солаяпти, деб ўйлаганмидингиз? Мен сизнинг фикрингизга кўра ёлғончиман, шундайми? Қулоқ солинг, ошна. Мен кўпинча қўполлик қилдим. Мен буни биламан. Аммо бу шунчаки инжиқлик эди, холос. Агар сиз бир мартагина менинг ўрнимда бўлиб кўрганингизда эди... Ҳа, эсимдан чиқибди... Мен соғман-ку... Қари укки шундай деб айтган. Майли, биродар, мен сиз сарфлаган харажатларингизни қоплаш учун ишлаб бераман. Ҳа, мана энди сиз мен билан мана шундай ҳисоб-китоб қилдингиз!

У эгарга қушдай енгиллик билан сакраб ўтириб олди. Эгар қоши устига қўйилган узун сопли қамчинни олди ва отни қамчилади. Хоторндаги пойгаларда ғолибга бериладиган пулларни бирга ўн нисбатига кўтариб, қачонлардир «Болакай»ни маррага биринчи бўлиб олиб келган «Чигиртка» яна оёғини узангига тикди.

Бир тўда отлиқ дарвозадан отилиб чиқиб, Сан-Антонио томонга йўналганида, Мак-Гайр олдинда эди ва унинг ортидан оти қолдирган чанг пағалари орасида отларини чоптириб келаётган ковбойларнинг маъқуллаган ҳайқириқлари эшитилиб турарди.

Бироқ бир миля йўлни босиб ўтмаёқ, у орқада қола бошлади ва чавандозлар яйловлардан ўтиб, йўлни баланд чангалзорлар орасида давом эттиришаётганларида, у тўданинг охирида имиллаб борарди. Чангалзорга киргач, у от жиловини тортди. Рўмолчасини чиқариб, лабларига босди. Рўмолча қип-қизил қонга беланди. У рўмолчани тиканли буталар орқасига отиб юборди ва ҳайрон қолган отига «жўна!» деб хириллаб, ковбойларнинг орқасидан отини чоптириб кетди.

Шу куни кечки пайт Рейдлер Алабамадаги она шаҳридан хат олди. Унинг қариндошларидан бири вафот этибди. Рейдлерни унинг мулкини тақсимлашда қатнашишга чақиришган эди. Саҳарда у ўз таратайкасида дашт бўйлаб темир йўл бекати томон шошилиб кетди.

Уйига у фақат икки ҳафтадан кейингина қайтиб келди. Қўрғон аллақачон бўшаб қолганди. Бу ерда у ўзи йўқ пайтда уйга қараб турган Иларионни учратди, холос. Йигитча у йўқ пайтда ишлар қандай боргани ҳақида гапириб бера бошлади.

– Молларни тамғалаш ҳали якунланмади, – деди у. – Бўрон кўп бўлди. Моллар қочиб кетишаяпти ва тамғалаш жуда секин бормоқда. Лагерь ҳозир Гваделупа водийсида жойлашган қўрғондан йигирма миля узоқда.

– Ҳа, айтгандек, – деди Рейдлер бирдан ниманидир эслаб, – мен ковбойларга қўшиб жўнатган йигит қалай? Мак-Гайр? У ишлаяптими?

– Билмадим, – деб жавоб қилди Иларио. – Ковбойлар ҳозир ранчога онда-сонда кириб ўтишади. Ёш бузоқларни эплашнинг ўзи бўлмайди. Йўқ, у йигит ҳақида ҳеч нарса эшитмадим. Афтидан, у аллақачон жон таслим қилган бўлса керак.

– Нималар деб валдираяпсан? – деди Рейдлер. – Қанақасига жон таслим қиларкан?

– Ўша Мак-Гайрнинг аҳволи жуда-жуда ёмон эди, – деди Иларио елкаларини қисаркан. – У бу ердан жўнаётганида, мен унинг бир ой ҳам яшай олмаслигини билардим.

– Бекорларни айтибсан! – тўнғиллади Рейдлер. – У сени ҳам аҳмоқ қилганини кўриб турибман. Шифокор уни кўрикдан ўтказиб, унинг мескит тўнкасидек соғлом эканлигини айтган.

– Шифокор шундай дедими? – сўради Иларио истеҳзо билан тиржайиб. – Ўша шифокорингиз уни кўрмаган ҳам.

– Аниқроқ қилиб гапир! – буюрди Рейдлер. – Нега менинг бошимни айлантираяпсан?

– Ўша шифокор хонага югуриб кирганида, – деди босиқлик билан Иларио, – Мак-Гайр галерейкада сув ичиб турганди. Шифокор эса мени кўрди-ю, дарров ушлаб олиб, бармоқлари билан баданимни тақиллата кетди – мана бу ерни тақиллатди, бу ерни ҳам, – Иларио кўкрагидан икки жойни кўрсатди. – Мен у буни нима учун қилаётганини тушунмадим. Кейин у қулоғини қўйиб, нималарнидир эшитиб кўрди. Нимага? Бунисини билмадим. Кейин ёнидан қандайдир шиша таёқча чиқариб, оғзимга тиқди. Сўнгра қўлимдан ушлаб, уни пайпаслай бошлади – мана бундай қилиб. Ундан кейин эса менга паст овозда йигирма, ўттиз, қирқ, деб санашни буюрди. Ким билади, – деди Иларио қўлларини

ҳайрон қолганича, икки томонга ёяркан, – у буларнинг ҳаммасини нима учун қилди экан? Балки ҳазиллашишни хоҳлаб қолгандир?

Рейдлер эса:

– Уйда қайси отлар бор? – деб сўрашга куч топа олди, холос.

– Кичкина қўтон орқасида Пайсано ўтлаб юрибди, сеньор!

– Уни эгарла, тез бўл!

Бир неча дақиқадан сўнг Рейдлер эгарга сакради ва отни чоптирганича кўздан йўқолди. Кўринишидан кўзга унча ташланмайдиган, ёқимсиз, аммо чаққон оёқли қуш шарафига бекорга аталмаган Пайсано йўл тасмаларини макарондек еб, бор кучи билан еларди. Икки соатдан сал ошиқ вақт ўтгач, Рейдлер унча баланд бўлмаган тепаликдан Гваделупа дарёсининг бурилишида жойлашган лагерни кўрди. У энг ёмон хабарни эшитишдан қўрққанидан, юрагини ҳовучлаганича лагерга яқин борди-да, отдан тушди ва тизгинларни ташлади. Соддадил бўлгани сабаб, ушбу дақиқаларда у ўзини Мак-Гайрнинг қотили, деб ҳисобларди.

Лагерда ошпаздан бошқа бирорта одам йўқ эди. У ковбойларнинг кечки овқатга келишларини кутиб турар, ликопчаларга қовурилган мол гўштининг катта-катта бўлакларини солар ва кофе қуйиш учун темир кружкаларни жойлаштирарди. Рейдлер ўзини эзиб турган саволни дарҳол беришга журъат қилолмади.

– Лагерда ҳамма ишлар жойидами, Пит? – сўради у қатъиятсизлик билан.

– Бир нави, – босиқ жавоб қилди Пит, – икки марта озиқ-овқатсиз қолиб кетдик. Бўрон анча ташвиш келтирди, бўронда тум-тарақай бўлиб кетган молларни қайтадан тўплаб олгунимизча, қирқ миля

айланасидаги чангалзорларнинг ҳаммасини кезиб чиқдик. Менга кофе қайнатадиган янги идиш керак. Майда чивинлар бу йил жудаям қутуриб кетган.

– Йигитларчи? Улар қалай? Ҳаммаси соғми?

Пит некбинликдан узоқ йигит эди. Бунинг устига ковбойларнинг соғлиқларини суриштириш фақат ортиқча бўлиб қолмай, лапашангликка ҳам ўхшаб кетарди. Бундай саволни хўжайиннинг оғзидан эшитиш ғалати эди.

– Бу ерда қолганларни дастурхонга икки мартадан чақиришга тўғри келмайди, – деди у ниҳоят.

– Бу ерда қолганларни дейсанми? – овози хириллаб сўради Рейдлер. У кўзлари билан Мак-Гайрнинг қабрини излаб, атрофга беихтиёр назар ташлаб чиқди. Унга, яқинда Алабамадаги қабристонда кўрганидек, оқ тошдан ясалган қабр тош кўрингандек бўлди. Бироқ бу бемаънилик эканини англаб, у тезда ўзини қўлга олди.

– Ҳа-да, – деди Пит, – бу ерда қолганларни. Ковбойлар лагерида икки-уч ой мобайнида ўзгаришлар бўлади-да. Кимдир энди бу ерда йўқ.

Рейдлер бутун иродасини бир жойга тўплади.

– Мен бу ерга юборган ўша йигит – Мак-Гайр, у...

– Менга қаранг, – унинг гапини бўлди Пит ҳар бир қўлида биттадан жўхори нонини ушлаганича, бор бўйини ростлаб ўрнидан тураркан, – шундай оғир касал бўлган йигитни қайси виждон билан ковбойлар лагерига юбордингиз? Бу бечоранинг бир оёғи гўрда турганлигини англай олмаган сизнинг ўша шифокорингизнинг терисини мис тўқали яхши айил билан бутунлай шилиб олиш керак. Аммо у бирам жасур йигит эканки! Биласизми, у нима ҳунар кўрсатди? Фақат жанжал чиқарди, холос. Биринчи кечаёқ йигитлар унга «ковбойлар рицари» унвонини беришга қарор қилдилар. Росс Харгис

чарм гетралар билан уни бир мартагина урди. Шунда бу бахтсиз болакай нима қилди деб ўйлайсиз? Бу шайтонвачча сакраб турди-да, Росс Харгисни солиб юборди. Маромига етказиб, яхшилаб урди. Унга қаттиққина қилиб, яхшигина порция берди. Бу зарбадан кейин Росс ўрнидан турди ва яна қаерда ёнбошласам экан деб, жой қидириб кетди. Мак-Гайр эса четга чиқди-да, юзи билан ерга қулади ва қон туфлай бошлади. Қон туфлади. Бу шундай деб аталади. Отларнигина даволаши керак бўлган ўша шифокорингизга буни етказиб қўйинг. Ўн саккиз соат у ўша қуйича ётди. Ҳеч ким уни жойидан қўзғата олмади. Кейин эса ўзини уришни эплаганларни яхши кўрадиган Росс ишга киришди ва Гренландиядан бошлаб, то Хитойландиягача бўлган ҳудудларда яшовчи барча шифокорларни лаънатлаб сўкиб чиқди. Улар Жонсон-Яшил шоҳ билан бирга Мак-Гайрни чодир ичига олиб киришди ва уни гўшт билан боқиб, виски ичира бошлашди. Бироқ йигитчада соғайишга хоҳиш йўқ экан, шекилли, тунда у чодирдан жуфтакни ростлаб қолиб, яна ўтлар орасига кўмилиб олибди. Бунинг устига ёмғир ҳам шивалаб турганди. «Йўқолинглар! – дебди йигит уларга. – Тинчгина ўлишимга қўйиб беринглар! У мени ёлғончи ва муғомбир, деб айтди. Сизлар ҳам мени тинч қўйинглар-да!»

– Икки ҳафта у шундай ётди, – деб ҳикоясини давом этди ошпаз, – ҳеч кимга бирор сўз айтмади. Кейин эса...

Момақалдироқ зарбига ўхшаш дупур-дупурлар ҳавони тебратди ва йигирмата ёш ковбой лагерга отилиб кириб келди.

– Муқаддас аждаҳолар ва шақилдоқ илонлар! – деб фарёд қилди у томондан бунисига бориб келаётган ошпаз. – Агар уч дақиқадан сўнг уларга

кечки овқат бермасам, йигитлар менинг бошимни юлиб олишади.

Бироқ бу пайтда Рейдлернинг кўзлари ёрқин ёнаётган гулхан ёнида тишларини қувноқ ялтиратиб, отдан сакраб тушган, қуёшда қорайган кичкина йигитга қадалганди. У Мак-Гайрга ўхшамасди. Аммо ҳар холда, барибир...

– Ўғлим, ўғлим, хўш, қалайсан? – қийинчилик билан сўради у.

– Сиз ерга яқинроқ бўл, дердингизми? – қичқириб юборди Мак-Гайр, Рейдлернинг қўлини пўлат омбирда қисгандек қисиб. – Мен худди шундай қилдим ва мана, кўриб турганингиздек, соғман ва кучим ҳам кўпайиб бормоқда. Бироқ тан олишим керакки, ўзимни тавиядек тутганимни тушундим. Мени бу ерга ҳайдаб юборганингиз учун раҳмат, қария. Ўша қари укки билан жуда қизиқ воқеа рўй берганди-да ўшанда. У мексикалик йигитнинг кўкрагига ураётганини мен деразадан кўриб тургандим.

– Нимага буни ўшанда айтмагандинг, итюрак! – гумбурлади чорвадор. – Нимага шифокор сени кўрикдан ўтказмагани ҳақида индамадинг?

– Э, аравангизни тортинг! Менинг бошимни айлантирманг, – тўнғиллади Мак-Гайр дарров, худди илгаригидек хурпайиб олиб. – Сиз мендан гап сўрадингизми ўзи, ўшанда? Сиз ўз нутқингизни айтиб бўлдингиз ва мени ҳайдаб юбордингиз. Мен эса, майли, шундай бўлса, бўла қолсин, дедим. Аммо биласизми, бírодар, сигирлар билан бўлган бу пойгалар жудаям зўр, қизиқарли нарса экан. Бу ердаги йигитлар ҳам беқиёс эканлар. Мен бирга юрган, отда бирга чопишга тўғри келганларнинг орасида энг яхши жамоа бу. Менинг шу ерда қолишимга рухсат берасизми, қария?

Рейдлер Росс Харгисга саволомуз қаради.

– Бу безори, – деди мулойимлик билан Росс, – ҳамма ковбойлар лагерлари бўйича овчиларнинг энг уддабурони, уришишганда эса ундан фақат қочиб қутуласиз.

САНЪАТГА МУҲАББАТ ТУФАЙЛИ

Санъатни севсанг, унинг йўлида қилинган ҳар қандай қурбонлик оғир ботмайди.

Дастлабки асос, нуқтаи назар шундай. Ҳикоямиз шу асосдан келиб чиқувчи хулоса ва шу билан бирга унинг инкоридир. Мантиқ нуқтаи назаридан олганда, бу ўзига хос, оригинал, аммо адабий услуб сифатида эса Буюк Хитой деворига қараганда озгина кўҳнароқ, холос.

Жо Лэребби тасвирий санъат ишқида ёнганича, Ўрта Ғарбнинг асрий эманлари ва ясси текисликлари орасида вояга етганди. Олти яшарлигида у картон қоғоз юзасида шаҳарга сув ҳайдайдиган минора ва унинг ёнидан ниҳоятда шошилганича ўтиб кетаётган ҳурматли бир фуқарони акс эттирганди. Ижодий ҳаракатларининг бу меваси рамкага солиниб, дорихонанинг ойнасига, донлари тоқ сонли қаторларни ташкил қилувчи жўхори сўтасининг ёнига осиб қўйилганди. Жо Лэребби йигирмага тўлганидан кейин эса у бўйинбоғини эркинроқ ва камарини қаттиқроқ боғлаб, она шаҳридан Нью-Йоркка жўнаб кетди.

Дилия Кэрузер жанубда, қарағайлар билан қуршалган қишлоқда яшар ва у фортепьяно клавиатурасининг олти октавасидан чиқара оладиган товушлар қариндошларининг юракларида шундай катта умид уйғотардики, оқибатда, уларнинг ёрдамида унинг ғаладонида «Шимолга – мусиқий билим

олишни якунлаш» мақсадида жўнаш учун етарли миқдордаги пул тўпланди. Унинг бундай маълумот олишининг қандай якунланишини қариндошлари олдиндан башорат қила олмасдилар. Сирасини айтганда, биз айнан шу ҳақда сўз юритмоқчимиз.

Жо ва Дилия тасвирий санъат ёки мусиқани ўрганувчи ёшлар нур ва соя, Вагнер, мусиқа, Рембранд асарлари, расмлар ва гулқоғозлар, Вальдтейфел, Шопен ва Улонг ҳақида гаплашиш учун тўпланишадиган студияда учрашишди.

Жо ва Дилия бир-бирларини ёқтириб, севиб қолишди ва вақтни қўлдан бой бермай, никоҳдан ўтишди. Чунки (юқорида эслатилганига қаранг) санъатни севсанг, ҳеч қандай қурбон оғирлик қилмайди.

Жаноб Лэребби ва Лэребби хоним ижарага уй олдилар ва бирга хўжалик юрита бошладилар. Бу, фортепьяно клавиатурасининг энг пастки ля нотасидек, хилватга бекиниб олган, кўпчиликнинг нигоҳи тушмайдиган уй эди. Эр-хотин жуда бахтли эдилар. Улар бир-бирларига, санъат эса уларга тегишли эди. Кимки ёш ва бадавлат бўлса, уларга маслаҳатим – мол-мулкингни сот ва гадоларга бўлиб бер, энг яхшиси эса худди шундай уйга ўз Дилиянг ва санъатинг билан жойлашиш учун бу пулларни дарвозабонга бер.

Квартирада яшовчилар бу оламда энг бахтли одамлар эканлиги ҳақидаги баёнотимга имзо чекишлари шубҳасиздир. Ичида бахт парвоз қилиб юрувчи уй жуда тор бўлиши мумкин эмас. Майли, жавон муккасидан тушиб, сизга биллиарднинг қалин тахтаси – трюмонинг, ёзув столи меҳмонларга аталган хонанинг, юз ювгич пианинонинг ўрнини боссин! Хонанинг тўрт девори устингизга ёпирилишни истаб қолса ҳам, бу фожиа эмас. Ишқилиб, сиз ўз

Дилиянгиз билан улар орасига жойлашиб олсангиз, бас. Агарда уйингизда тотувлик бўлмаса, сиз унга Олтин Дарвоза орқали киришингиз, шляпангизни Гаттерес бурнига, қўйлагингизни Горн бурнига осишингиз ва Лабладор орқали чиқишингиз мумкин даражада катта ва кенг бўлсин.

Жо расм чизиш санъатини энг буюк устоздан ўрганаётган эди. Шубҳасизки, сиз унинг исмини эшитгансиз. Берадиган дарслари учун у катта ҳақ олар, ўргатиши эса енгил-елпи эди. Шунинг учун бу нарса унга қарама-қарши таассуротлар устаси шуҳратини келтирганди. Дилия мусиқадан дарсни Розенштокдан оларди. Сиз фортепьяно клавишларининг тинчлигини бузувчи бу мусиқачининг қай даражада машҳур эканлигини биласиз.

Бор пулларини сарфлаб бўлмагунларича, Жо ва Дилия жуда бахтли эдилар. Ўзи доим шунақа бўлади – аммо мен беадаб бўлиб кўринишни истамайман. Уларга ўз олдиларида турган мақсадлари мутлақо аниқ эди. Жо жуда қисқа вақтдан сўнг шундай расмлар яратиши лозим эдики, уларга эгалик қилиш учун ҳамёнлари қалин, бакенбардлари сийрак қари жентельменлар унинг устахонасида бир-бирларининг бошларига гурзи билан уришлари керак эди. Дилия эса мусиқанинг ҳамма сирларини ўрганиб олиши, кейин эса унга тўйиб олиши ва партердаги ёки ложадаги сотилмай қолган ўринларни кўрганида қўзғаладиган қаттиқ бош оғриғини шахсий кошонасида ёлғиз қолиб ва эстрадага чиқишдан бош тортиб, омар денгиз қисқичбақалари билан даволашга одатланиши керак эди. Бироқ, менинг назаримда, энг ажойиби уларнинг кичкина уйчаларидаги ҳаёт эди; дарслардан кейинги қизиқарли ва қайноқ суҳбатлар; иккаласи биргаликда қиладиган шинамгина тушлик ва енгил,

малол келмайдиган нонушталар; обрўталаблик ва шухратпарастлик билан суғорилган орзулар – бунда уларнинг ҳар бири ўзиникидан ҳам кўра иккинчисиники ҳақида кўпроқ орзу қиларди; ёрдам бериш ва руҳлантиришга ўзаро тайёрлик ва (менинг дидимнинг камсуқумлигини кечиришларини истардим) пишлоқли бутербродлар ҳамда уйқуга ётишдан олдин тортиладиган зайтунлар...

Бироқ кунлар ўтиб борар, санъатнинг баланд кўтарилган байроғи ўз дастасида беҳол осилиб қолганди. Гарчи байроқдор бунда айбдор бўлмаса ҳам, баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради. Амалий ҳаракат шайдолари бўлган қўпол кишилар айтганларидек, «уйдан – ҳамма нарса, уйга – ҳеч нарса» ҳолати кузатила бошлаганди. Уста жанобларининг ҳамда жаноб Розенштокнинг хизматларига тўлаш учун пул қолмади. Бироқ санъатни севсанг, ҳеч қандай қурбонлик оғир туюлмайди. Мана, бир куни Дилия харажатларнинг учини учига етказиш учун мусиқадан дарс бермоқчилигини айтди.

У ўзига ўқувчилар топиш учун ҳар куни уйдан чиқиб кетарди ва, ниҳоят, бир куни кечки пайт уйга кўтаринки кайфиятда кириб келди.

– Жо, азизим менинг, мен дарс топдим, – тантанавор эълон қилди у. – Биласанми, бирам яхши одамларни учратдимки. Генерал... генерал А.Б. Пинкни қизи билан. Қирқ учинчи кўчада уларнинг ҳашаматли уйлари бор. Жо, сен уларнинг йўлагига бир қарасанг эди! Византия усули – сен уни шундай атардинг, шекилли. Хоналарини айтмайсанми! Жо, мен ҳеч қачон бунақасини кўрмаган эдим!

Мен унинг қизи Клементинага дарс бераман. Тасаввур қилгин-а, мен унга биринчи нигоҳ ташлаганимдан кейиноқ боғланиб қолдим. У шундай дилбар, мулойим, назокатлики, асти қўяверасан.

Ўзини жуда оддий тутади. Бошидан оёғигача оқ кийинган. У ўн саккиз ёшда. Мен у билан ҳафтасига уч марта шуғулланаман. Сен бир ўйлаб кўр, Жо, улар менга ҳар бир дарсим учун беш доллар тўлашади. Бу ажойиб! Яна икки-уч жойдан шундай дарс топсам, мен жаноб Розеншток билан машғулотларимни қайтадан тиклардим. Илтимос, азизим, қадрдоним, қовоқ солишни бас қил ва кел, тўкин кечки овқат ташкил қилайлик.

– Сенга гапириш осон, Дилли, – деб эътироз билдирди Жо ошхона пичоғи ва болтача билан қуролланар ва консерваланган нохатчалар банкасига ҳужумга ташланар экан. – Менинг қандай ҳолатга тушишимни ўйлаяпсанми? Демак, сен дарс бергани югуриб-елиб юрасан ва тирикчилигимиз учун пул ишлаб топасан, мен бўлсам, санъатнинг юксак самоларида парвоз қилиб юраманми? Йўқ, йўқ, Бенвенуто Челлинининг суяклари билан қасам ичаман! Мен ҳам газета сотолсам ёки кўчаларга тош теролсам ва уйга бир-икки доллар топиб келолсам керак.

Дилли яқин келиб, унинг бўйнига осилди.

– Жо, севгилим! Қанақа нодонсан ўзи! Сен расм чизишни ташламаслигинг керак. Сен тушун – агар мен мусиқани ташлаб, бошқа нарса билан шуғулланмоқчи бўлганимда, бошқа гап эди... Мен эса дарс бераётганимда ўзим ҳам нималарнидир ўрганиб бораман-ку! Мен ўз мусиқам билан хайрлашаётганим йўқ-ку. Ҳафтасига топадиган ўн беш долларимизга эса биз миллионерлардек яшаймиз. Жаноб устозни ташлаб кетиш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирма.

– Майли, – деди Жо полкадан чиғаноқ шаклидаги салат идишини олар экан. – Барибир, сенинг дарс бериш учун югур-югур қилиб юришинг кераклигини ўйласам, тутаб кетаяпман. Йўқ, йўқ, бу санъат

эмас. Аммо сен ҳақиқий хазинасан, бетакрорсан, албатта.

– Санъатни севсанг, ҳеч қандай қурбон оғирлик қилмайди, – деди Дилия.

– Устоз мен боғда чизган пейзаждаги осмонни мақтади, – хабар қилди Жо. – Тинкл эса иккита нарсамни ўзининг кўргазмасига қўйишга рухсат берди. Агар пулдор аҳмоқлардан қайсидир бирининг кўзи тушиб қолса, балки кимдир улардан бирини сотиб олар.

– Албатта сотиб олишади, – дилкашлик билан деди Дилли. – Ҳозир эса генерал Пинкни ва ушбу бузоқ тўш гўшти учун тақдиримизга ташаккурлар айтайлик.

Бутун кейинги ҳафта давомида Лэреббилар оиласи нонуштани анча эрта қилди. Жо ўзи хомаки расмлар чизаётган Марказий боғдаги тонгги ёритишнинг ғайриоддий таъсирига ишқибоз бўлиб қолганди.

Санъат – талабчан маъшуқа. Энди Жо камдан-кам кунлари кечки соат еттидан эрта қайтарди.

Ранги бироз оқарган ва толиққан, бироқ ёқимли ғурурга тўлган Дилия шанба куни беш долларлик қоғозлардан учтасини кичкина (саккизга ўн футлик) столга тантанали равишда қўйди.

– Клементина мени баъзи-баъзида ранжитаяпти, – деди у бироз ҳорғин товушда. – У етарли даражада тиришқоқ эмас, деб қўрқаман. Унга битта нарсани бир неча марталаб тушунтиришга тўғри келаяпти. Унинг оқ кийимлари эса одамни зериктириб юбораяпти. Аммо генерал Пинкни жуда ажойиб чол! Сенинг у билан таниш эмаслигинг ачинарли, Жо. У баъзан дарс пайтида бизнинг олдимизга кириб туради – у ёлғиз, бева ахир, оппоқ соқолини тортқилаганча бизни кузатиб тураверади. «Хўш, ўн

олтинчилар ва ўттиз иккинчилар қалай?» – сўрайди у доимо. – Маромига тушаяптими?

Оҳ, Жо, сен уларнинг меҳмонхонасидаги панелларнинг қандайлигини кўрганингда эди? Жун пардаларнинг юмшоқлигини айтмайсанми? Клементина бироз йўталяпти. У кўринишига қараганда бақувватроқ, деб умид қиламан. Биласанми, мен, ҳақиқатан ҳам унга боғланиб қолдим. У жуда хушмуомала, ювош ва яхши тарбия кўрган қиз. Генерал Пинкнининг акаси бир вақтлар Боливияда элчи бўлган.

Бироқ суҳбат шу ерга келганда Жо, худди қандайдир граф Монте Кристодек, чўнтагидан аввал ўн долларлик, кейин беш, иккита икки ва битта бир долларлик тўртта ҳақиқий қоғоз пулни хотинининг иш ҳақи ёнига қўйди.

– Акварелда чизилган ёдгорлик расмини пеориялик бир кимсага сотдим, – лол қолдирувчи хабарни етказди у.

– Сен ҳазиллашаяпсан, Жо, – деди Дилия, – у Пеориядан бўлиши мумкин эмас.

– Ҳа, ҳа, айнан шундай бўлди. Афсуски, сен уни кўрганинг йўқ, Дилия. Жундан тўқилган шарфга бўйнини ўраб олган семиз одам у. Қўлида эса ғоз патидан ясалган тиш тозалагич ҳам ушлаб олганди. У менинг этюдимни Тинклнинг пешойнасида кўриб қолиб, аввал уни шамол тегирмонининг тасвири, деб ўйлабди. Лекин у жудаям яхши йигит экан. Тегирмоннинг ўрнига ёдгорликнинг расмини сотиб олди ва менга Лекуон товар станцияси манзарасини мойли бўёқ билан чизиб бериш ҳақида буюртма қилди. Ўзи билан бу расмни ҳам олиб кетаркан. Эҳ, шу мусиқа дарсларингдан ўргилдим! Хўп, хўп, майли, улар, албатта, санъатнинг ажралмас қисми...

– Мен сенинг ўз ишинг билан шуғулланаётганингдан хурсандман, – қизғинлик билан деди Дилия. – Сени муваффақият кутаяпти, азизим! Ўттиз уч доллар! Биз ҳеч қачон бундай бадавлат яшамаган эдик. Бугун биз кечки овқатга устрица еймиз.

– Миньоннинг биқин гўштини ҳам шампиньон қўзиқоринлари билан бирга, – қўшимча қилди Жо. – Зайтунлар учун ишлатиладиган санчқиларнинг қаердалигини билмайсанми?

Кейинги шанба куни уйга биринчи бўлиб Жо қайтди. У ўн саккиз долларни меҳмонхона ўртасидаги столга қўйди-да, қўлидаги қандайдир қора нарсани, афтидан, мойли бўёқнинг қалин қатламини, шошилганича ювиб ташлади.

Ярим соатдан кейин эса Дилия пайдо бўлди. Унинг ўнг қўлининг панжаси бинтлар билан ўраб ташланган ва шаклсиз қандайдир нарсага ўхшаб қолганди.

– Нима бўлди, Дилия? – сўради Жо рафиқасини ўпаркан.

Дилия кулиб юборди, аммо бу кулгида қувноқлик йўқ эди.

– Клементинанинг хаёлига дарсдан сўнг мени валлийча қовурилган бурда нонлар билан меҳмон қилиш фантазияси келиб қолибди, – деди у. – Умуман, бу қиз ўзи сал ғалатироқ. Кечки соат бешда валлийчасига қовурилган бурда нонга бало борми, десангчи?

Генерал уйда эди. Сен унинг пахта олиб келгани қандай югурганини бир кўрсанг эди. Худди уйда хизматкорлари йўқдек. Клементинанинг соғлиғига, албатта, нимадир бўлган. У қандайдир асабий бўлиб қолган. Эритилган пишлоқни нон бўлакларининг устига қуяётганида менинг устимга ҳам сачратиб

юборди. Оғриғи даҳшат бўларкан. Бечора қизча хафа бўлганидан йиғлаб юборди. Генерал Пинкни эса... Биласанми, қариянинг ақлдан озишига сал қолди. Пайқашимча, ўт ёқувчини бўлса керак, дорихонага малҳам ва бинтлар олиб келишга юборди. Ҳозир унча оғримаяпти.

— Буeрингдагилар нима? — сўради Жо унинг боғланган қўлини авайлаб кўтариб ва бинт остидан чиқиб турган қандайдир оқ латта-путталарни эҳтиёткорлик билан тортиб кўраркан.

— Булар малҳам устига қўйиладиган юмшоқ нарсалар, — деди Дилия. — Вой, худойим. Жо, наҳотки, сен яна битта этюдингни сотган бўлсанг? — У столча устидаги пулларни эндигина пайқаган эди.

— Мен этюдимни сотдимми? Бу ҳақда пеориялик ўша дўстимиздан сўра. У бугун товар станциясининг суратини олиб кетди. У менга боғдаги пейзаж ва Гудзоннинг манзараси расмларини буюртма қилишга мойилга ўхшаб кўринди. Сен билан бу бахтсизлик соат нечада содир бўлди, Дилия?

— Соат бешларда бўлса керак, — шикоятли овозда жавоб қилди Дилия. — Дазмол, йўғ-ей, пишлоқни плитадан ўша вақтда олишди. Сен генерал Пинкнининг ўша пайтдаги югур-югурини бир кўрсанг эди, Жо.

— Бу ёққа кел-чи, Дилия, — деди Жо. У каравотга ўтирди ва рафиқасини ўзига тортиб, елкаларидан қучоқлади.

— Кейинги икки ҳафта сен нима билан шуғулландинг ўзи? — деб сўради у.

Дилия эрининг кўзига муҳаббат ва қайсарликка тўла дадил нигоҳ билан қаради ва генерал Пинкни ҳақида нималардир деб ғўлдиради. Кейин бошини

туширди ва ҳақиқат кўз ёшларининг шиддатли оқимида юзага қалқиб чиқди.

– Мен дарс топа олмадим, – тан олди Дилия. – Сенинг расм билан шуғулланишингни тўхтатишингга ҳам йўл қўя олмасдим. Ўшанда мен бу катта кирхонага, биласан, у Йигирма тўртинчи кўчада жойлашган, кўйлакларни дазмолловчи бўлиб ишга кирдим. Мен буларнинг ҳаммасини – генерал Пинкнини ва Клементинани яхши ўйлаб топдим, тўғрими? – Сен нима деб ўйлайсан, Жо? Бугун эса кирхонада бир қиз қўлимни дазмол билан куйдириб қўйганда, мен уйга келгунимча, бутун йўл давомида қовурилган нон бўлакчалари ҳақидаги воқеани тўқиб чиқардим. Сен аччиқланмаяпсанми, Жо? Ахир, агар мен ишга жойлашмаганимда, сен пеориялик жанобга ўз этюдларингни балки сотмаган бўлармидинг...

– Очиғини айтганда, у Пеориядан эмас, – деди Жо ҳар бир сўзини чертиб-чертиб айтаркан.

– Энди унинг қаердан эканлиги унча муҳим эмас. Сен шундай ажойибсанки, Жо. Марҳамат қилиб, айт-чи... йўқ, аввал мени ўпиб қўй. Марҳамат қилиб, айт-чи, менинг дарс бермаётганимни қандай билиб олдинг?

– Бу сўнгги дақиқагача ақлимга келмаган эди, – деди Жо. – Ҳозир ҳам буни фаҳмламаган бўлардим. Бугун мен қозонхонадан юқорига, кирхонага, қўлларини дазмол билан куйдириб қўйишган қандайдир қиз учун лигнин ва малҳам жўнатдим. Мен, мана, икки ҳафтадан бери шу кирхонанинг қозонига ўт ёқаман.

– Бундан чиқди, сен...

– Менинг пеориялик харидорим, худди сенинг генерал Пинкнинг каби бор-йўғи санъат асаридир ва,

очиғини айтганда, на расм чизишга ва на мусиқага мутлақо алоқаси йўқ.

Уларнинг иккаласи ҳам кулиб юборишди ва Жо бошлади:

– Санъатни севсанг, ҳеч қандай қурбон...

Аммо Дилия унинг оғзини қўли билан ёпиб, гапини тамомлашига йўл бермади.

– Йўқ, – деди у, – шунчаки, ҳақиқатан, севиб қолсанг.

ПОЛИЦИЯЧИ ВА ҚЎШИҚЧИ

Сопи Медисон хиёбонидаги ўз ўриндиғида типирчилаб қолди. Ғоз галалари тунлари баланд осмонда уча бошлаган, денгиз мушуги мўйнасидан тикилган мантоси йўқ аёллар эрларига меҳрибон бўлиб қолган, Сопи хиёбондаги ўриндиғида типирчилаб қолган вақт – қиш эшик қоқиб турибди дегани эди.

Сап-сариқ барг Сопининг тиззасига келиб тушди. Бу Қорбобонинг ташриф қоғози эди: бу қария Медисон-скверда доимий яшовчиларга нисбатан меҳрибон бўлиб, ўзининг тезда келиши ҳақида ҳалоллик билан огоҳлантирарди. Тўртта кўча кесишган чорраҳада у ташриф қоғозларини Шимолий шамолга – «Очиқ осмон остида» меҳмонхонасининг швейцарига – меҳмонхонада доимий яшовчилар қишга тайёргарликларини кўриб қўйишлари учун тақдим этади.

Сопи бостириб келаётган совуқдан ўз шахсини ҳимоя қилиш воситаларини ва йўлларини излаб топиш учун бу ишни амалга оширувчи қўмитани ўз шахси тимсолида таъсис этиши кераклигини тушунди. Шунинг учун у ўз ўриндиғи устида типирчилаб қолди.

Сопининг қишки режалари унча иззатталаб эмасди. На жануб осмони ҳақида, на Неаполь қўлтиғида тўхтаб ўтадиган яхтада Ўрта Ер денгизи бўйлаб сузиш ҳақида орзу қиларди. Оролдаги

қамоқхонага уч ойга қамалиш – унинг кўнгли мана шуни истарди. Ёқимли даврада (компанияда) Борей ва полициячиларнинг тирғилаверишларидан узоқда, уч ойлик ишончли бошпана ва озиқ-овқат билан кафолатли таъминланганлик – Сопи учун бу, ҳақиқатан ҳам, орзуларнинг чегараси эди.

Бир неча йиллардан бери оролдаги қамоқхона унга қишки квартира бўлиб хизмат қиларди. Унинг омади чопган, бахтли юртдошлари Флоридага ёки Риверага чипта сотиб олганларида, Сопи ҳам оролга қиладиган ҳар йилги «зиёрат» га жўнаш учун унча мураккаб бўлмаган тайёргарлик ишларини бажарарди. Энди эса ўша вақт етиб келди. У усталик билан тақсимлаган – биттасини пиджагининг тагига тўшаган, бошқаси билан оёқларини ўраган, учинчисини тиззаларига ёпган якшанбалик газеталардан учтаси уни совуқдан ҳимоя қила олишмади. Фаввора олдидаги ўриндиғида тунни безовталик билан ўтказди ва шунинг учун ҳам Орол унга исталган ва шу вақтга жуда мос бошпана бўлиб кўринарди. Шаҳар камбағалларига меҳр-шафқат юзасидан кўрсатиладиган ғамхўрликлардан Сопи ҳазар қиларди. Унинг фикрига кўра қонун одамийликдан кўра шафқатлироқ эди. Шаҳарда ўзининг камтарона эҳтиёжларига жавоб берадиган бошпана ва овқатни топа оладиган хайрия муассасалари сон-саноқсиз эди. Аммо Сопининг мағрур руҳи учун хайрия тортиқлари оғирлик қиларди. Саховатпешаларнинг қўлидан олинадиган ҳар бир нарса учун, агар пул билан бўлмаса, камситилиш билан ҳақ тўлаш керак эди. Цезарда Брут бўлганидек, бу ерда ҳам ҳар бир хайрия каравоти ваннага мажбурий тушиш шарти билан бериларди, ҳар бир бурда нон юрагу руҳингизга такаллуфсиз кириш билан заҳарланганди. Бундан кўра қамоқхонанинг доимий меҳмони бўлган

маъқулроқ эмасми? Албатта, у ерда ҳаммаси қаттиқ белгиланган қоидалар бўйича бажарилади. Бироқ ҳеч ким жентельменнинг шахсий ишларига бурнини суқмайди.

Қишки мавсумда Оролга жўнаб кетишга шу тарзда қарор қилгач, Сопи ўз режасини амалга оширишга дарҳол киришди. Қамоқхонага кўпгина енгил йўллар олиб борарди. Унга етказувчи энг ёқимли йўл ресторан орқали ўтарди. Сиз яхши ресторанда ўзингизга ҳашаматли тўкин-сочин тушлик буюртма қиласиз. Қорнингизни бурнингиздан чиққунича овқат билан тўйдирасиз-да, кейин ўзингизни тўловга қобилиятсиз, деб эълон қиласиз. Сизни ҳеч қандай шовқин-суронсиз полициячиларнинг қўлига топширишади. Гапга кўнувчи судья савоб ишни охирига етказади.

Сопи ўрнидан турди ва боғдан чиқиб, Бродвей ҳамда Бешинчи авенюнинг бир-бирига боғлаб турган асфальт денгизи устидан юриб кетди. Бу ерда у ёрқин нурларга чўмилган ва унда оқшомлари ток новдаси, ипак қурти ва протоплазма каби энг яхши нарсалар жамланадиган қаҳвахона олдида тўхтади.

Сопи ўзига – камзулининг пастки тугмасидан энг юқорисидагигача ишонарди. Унинг соқол-мўйловлари тоза қилиб олинган, устидаги костюми бинойидек эди. Чиройли капалакнусха бўйинбоғни эса Шукроналик куни унга миссионер аёл совға қилганди. Агар у ҳеч ким пайқамасдан стол ёнига етиб олишга эришса, марра уники бўларди. Кийимининг столдан кўтарилиб турадиган қисми официантда ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. «Қовурилган ўрдак, деб ўйларди Сопи, яна бир шиша шабли шаробини келтиришларини сўрайман. Кейин пишлоқ, бир финжон қора қаҳва ва сигара буюраман. Донаси бир долларлик сигаралардан беришларини сўрашим

ўринли бўлади. Ҳисоб қаҳвахона маъмуриятини шафқатсиз қасос олиш чораларини кўришга ундайдиган даражада катта бўлмайди». У эса шу тарзда овқатланиб олиб, ўзининг қишки бошпанасига саёҳатини бошлайди.

Аммо Сопи қаҳвахона эшигидан ҳатлаши ҳамоно метрдотелнинг тажрибали кўзлари унинг эскирган шими ва тўзиган ботинкаларига тушди. Кучли ва чаққон қўллар уни тезда орқасига қайтарди ва йўлкага шовқин-суронсиз олиб чиқиб қўйди ва бу билан ўрдакни унга тайёрлаб қўйилган қайғули қисматдан қутқариб қолишди.

Сопи Бродвейдан бошқа томонга бурилди. Афтидан, унинг Оролга борадиган йўлига атиргуллар тўшалмаган, шекилли. Нима қилиш керак? Жаннатга кириб олишнинг бошқа усулларини излаб кўриш лозим.

Олтинчи авенюнинг бурчагида маҳсулотлар усталик билан жойлаштирилган пешойна ёрқин нурлари билан ўткинчиларни ўзига жалб қиларди. Сопи каттагина тош олди-да, уни ойнага улоқтирди. Бурчакдан одамлар югуриб кела бошлашди. Ҳаммадан олдин полициячи чопиб келарди.

Сопи қўлларини чўнтакларига тиқиб турар ва ялтираётган мис тугмаларга қараганча жилмаярди.

– Ким қилди бу ишни? – шошиб сўради полициячи.

– Сиз бунга мени аралашган деб ўйлаяпсизми? – сўради Сопи киноя билан, аммо буюк омадни қаршилаётган одамдек.

Полициячи Сопини фараз сифатидаям қабул қилишни истамади. Дўкон пешойналарини синдирувчи одамлар ҳокимият вакиллари билан музокаралар олиб бормайди. Улар оёқларини қўлларига олиб, жуфтакни ростлаб қолишади. Полициячи

ярим квартал нарида трамвайга етиб олиш учун югуриб кетаётган одамни кўриб қолди. У тўқмоғини кўтарди ва ўша одамнинг кетидан югурди. Сопи эса ижирғанганча нари юриб кетди... Иккинчи омадсизлик.

Кўчанинг қарама-қарши томонида кўпам нарсага даъво қилмайдиган ресторан бор эди. У катта иштаҳалар ва ориқ ҳамёнларга мўлжалланганди. Ундаги идишлар ва ҳаво оғир, дастурхонлар юпқа, шўрвалар суюққина эди. Ошқозоннинг бу қасрига унниқиб кетган ботинка ва эскилиги очиқ кўриниб турган шим ичидаги гавдасини олиб ўтишни эплади. У столча орқасига ўтирди ва бифштекс ҳамда оладьялардан бир порциядан, бир нечта пончик ва бир бўлак пирогни паққос туширди. Кейин у ресторан хизматчисига ўзи ва никель тангалар орасида ҳеч қандай алоқа йўқлигини айтди.

– Энди эса тезроқ полициячини чақиринглар! – деди Сопи. – Марҳамат қилиб, тезроқ чақиринглар, жентельменни кутишга мажбур қилманглар.

– Фиръавнларсиз ҳам ишинг битади! – деди официант ёғли ширин булочкадек овозда ва коктейлга солинган гилосчаларга ўхшаган кўзларини чақнатиб. – Ҳой, Кон, қарашвор!

Икки официант Сопини ҳамдардлик нималигини билмайдиган асфальтта чап қулоғи билан саранжомгина қилиб ётқизишди. У худди дурадгорларнинг тахланувчи чизғичи каби, бўғинма-бўғин кўтарилиб, ўрнидан турди ва эгнидаги чангларни қоқиб тозалади. Ҳибсга олиниши энди унга ушалиши қийин орзу, Орол эса сароб бўлиб туюла бошлади. Икки уй наридаги дорихона олдида турган полициячи кулиб юборди ва йўлида давом этди.

Бахтини яна бир марта синаб кўришга жасорат топиш учун Сопи беш квартал йўлни босиб ўтди.

Бу гал у ҳақиқатан ҳам, ғаройиб воқеага тўқнаш келди. Камтарона кийинган ёш аёл дўкон ойнаси олдида турар ва соқол олишда ишлатиладиган тосчалар ҳамда сиёҳдонларни жўшқин қизиқиш билан кўздан кечирарди. Ундан икки қадам нарида эса, ўт ўчириш кранига суянганича, кўринишидан баджаҳл бўлган гунгурсдай полициячи турарди.

Сопи разил ва ҳамма нафратланадиган хотинбоз ролини ўйнашга қарор қилди. Белгиланган қурбонининг бинойидек кўриниши ва давангирдек полициячининг яқинда эканлиги унга тезда елкасида полициячининг оғиргина қўлини сезиши, қишни шинамгина Оролда ўтказишига умид берарди.

Сопи миссионер хонимнинг совғаси бўлган бўйинбоғини тўғрилади, қайтарилмайдиган манжетларини ташқарига чиқарди, шляпасини чапаниларча чаккасига қийшайтириб олиб, ёш аёл томонга тиккасига йўналди. У аёлга ўйноқилик билан кўз қисиб қўйди, атайлаб йўталди, бир сўз билан айтганда, кўча шилқимининг барча мумтоз усулларини ишга солди. Сопи полициячи уни кузатиб турганини кўзларининг бир бурчаги билан кўриб турарди. Ёш аёл бир неча қадам нари кетди ва соқол олишда ишлатиладиган тосчаларни яна кўздан кечира бошлади. Сопи аёлнинг орқасидан борди ва сурбетлик билан унинг олдига туриб олиб, шляпасини кўтарди ва деди:

– Воҳ, сиз ажойиб жононча экансиз-ку! Хўш, бирга сайр қиламизми?

Полициячи кузатишда давом этарди. Ҳақорат қилинган аёл бармоқчасини кўтарса, бас эди ва ана шунда Сопи шу заҳотиёқ осойишта ҳаёт сари олиб борадиган йўлда бўларди. У полиция участкасининг иссиқ ва шинамгина хонасини аллақачон ҳис қила

бошлади. Ёш аёл Сопи томонга ўгирилди ва қўлини чўзиб, унинг енгидан ушлаб олди.

– Жоним билан, Майкл! – деди у қувноқлик билан. – Пиво билан меҳмон қиласанми? Мен сен билан аввалроқ суҳбатлашардим-у, фирьавн қараб турибди-да.

Ёш аёл Сопига чирмовуқ эманни ўраб олгандек, ёпишиб олди ва у аёлни қўлтиқлаганича, қонун ҳимоячисининг олдидан ўтиб кетди. Шубҳасиз, Сопи озодлик нашидасини суришга маҳкум қилинганди.

Биринчи кўчадаёқ у ўз ҳамроҳини нари итарди-да, қочиб қолди. У реклама ёғдулари қуйилиб турган, юраклар, ғалабалар ва мусиқа ҳам бирдек енгил бўлган кварталда тўхтади. Мўйнали кийимлардаги аёллар ва иссиқ пальто кийган эркаклар совуқ шамолда қувноқлик билан суҳбатлашиб турардилар. Бехосдан ёпирилиб келган қўрқув Сопини қамраб олди. Балки қандайдир афсунгар уни полиция учун бенуқсон қилиб қўйгандир. У, сал бўлмаса, саросимага тушиб қолай деди. Театрнинг ёритилган кираверишида улуғворлик билан турган полициячининг олдига етиб боргач, «жамоат жойларида безорилик қилгани учун», деган айбловга сазовор бўлишга қарор қилди.

Сопи бўғилган овозининг бор кучи билан мастлар айтадиган ашулани бақириб айтишни бошлади. У пиёдалар йўлкасида рақсга тушиб кетди, бўкирди, қийшанглади, имкони бор ҳамма усулларни қўллаб, ҳамманинг тинчини буза бошлади.

Полициячи ўз тўқмоғини айлантирди, жанжалкашга елкасини ўгирди ва ўтиб кетаётган йўловчига тушунтирди:

– Бу Йэль университетининг талабаси. Улар бугун ўзларининг Хартфорд коллежи жамоаси устидан

қозонишган ғалабаларини нишонлашаяпти. Тўғри, улар шовқин солишаяпти, аммо бу хавфли эмас. Бизга уларга тегмаслик ҳақида кўрсатма беришган.

Алами осмонни тутган Сопи сариқ чақага қиммат бўлган тентакликларини бас қилди. Наҳотки, бирорта полициячи унинг ёқасидан олмаса? Оролдаги қамоқхона унга қадам етмас Аркадия бўлиб туюла бошлади. У ўзининг енгил костюми тугмаларини зичроқ қилиб тақиб олди.

Шамол эса бутун баданини тешиб ўтаётганди.

Тамаки дўконида у сигарасини газ найчасидан тутатиб олган жанобни кўрди. У ўзининг шойи шамсиясини кираверишда қолдирганди. Сопи остонадан ҳатлади, шамсияни чанғаллади ва шошилмай жўнаб кета бошлади. Сигарали одам дарҳол унинг орқасидан тушди.

– Бу менинг шамсиям, – деди у қатъий.

– Наҳотки? – безбетларча тиржайиб қўйди Сопи майда ўғирликка ҳақоратни ҳам қўшаркан. – Нега сиз полициячини чақирмаяпсиз? Ҳа, мен сизнинг шамсиянгизни олдим. Шундай экан, фиръавнни чақиринг! Мана у, бурчакда турибди.

Шамсиянинг эгаси қадамини секинлатди. У эса тақдир ўзига яна бир расво ҳазилни рўпара қилаётганини олдиндан сеза бошлаган эди.

– Албатта, – деди сигарали одам, – тўғри, сиз... сиз...бир сўз билан айтганда... шунақа хато ҳам бўлиб туради... мен... агар бу сизнинг шамсиянгиз бўлса... бугун эрталаб мен уни ресторандан олиб кетиб қолибман... агар сиз уни ўзингизники, деб ҳисоблаётган бўлсангиз...нимаям дердим... умид қиламанки, сиз...

– Албатта, бу менинг шамсиям, – деди жаҳл билан Сопи.

Шамсиянинг собиқ эгаси чекинди. Полициячи эса баланд бўйли малла соч хонимга ёрдам беришга ташланди: уни кўчадан ўтказиб қўйиш керак эди, чунки икки квартал нарида трамвай кўринганди.

Сопи таъмирлаш расвосини чиқариб ташлаган кўча бўйлаб Шарқ томонга бурилди. У шлем кийган ва тўқмоқ ушлаб турган одамларга лаънатлар ёғдирганича, шамсияни чуқурга жаҳл билан отиб юборди. Сопи уларнинг чангалига тушишни шундай истаб турган эди, аммо улар унга худди гуноҳлардан ҳоли Рим папасига қарагандек қарашарди.

Ниҳоят, Сопи беҳаловатлигу шовқин етиб бормайдиган чекка бир авенюга етиб келди ва йўлини Медисон-сквер томонга солди. Чунки одамни қадрдон уйига тортиб турувчи инстинкт, бу уй – боғдаги ўриндиқ бўлганда ҳам, ўлмайди.

Аммо осойишта бир бурчакда Сопи бирдан тўхтади. Бу ерда томи ўткир учли бўлган черков бор эди. Унинг деразаларидан бирининг бинафша ранг ойналаридан юмшоқ нур ёғилиб турарди. Афтидан, органчи якшанба куни айтиладиган қўшиқнинг мусиқасини чалиш учун ўз асбобининг олдида қолган бўлса керак. Чунки Сопининг қулоқларига мусиқанинг ширин оҳанглари чалинди ва у чўян панжаранинг гажак нақшларига ёпишганича қотиб қолди.

Осойишта ва ёруғ ой чиқди; экипаж ва йўловчилар кўп эмас, карнизлар остида уйқусираган чумчуқлар чирқиллашар, ўзингизни қишлоқ қабристонига бориб қолгандек ҳис қилишингиз мумкин эди. Органчининг хордаги қизлар қўшиғи учун чалаётган мусиқаси Сопини чўян панжарага михлаб қўйганди. Чунки у бу қўшиқни илгари – ҳали ҳаётида оналар, атиргуллар, дадил режалар, дўстлар ҳамда

соф фикрлар ва тоза ёқалар каби нарсалар бўлган кунларда кўп марта эшитган эди.

Эски черковдан қуйилаётган мусиқа таъсирида Сопининг қалбида кутилмаганда ажойиб ўзгариш рўй берди. У ўзи қулаган тубсиз жарни даҳшатга тушган ҳолда кўрди. Шармандали кунлари, махфий истаклари, ўлган умидлари, беҳудага сарфланган қобилиятлари ҳамда тубан хоҳишларига назар ташлади.

Шунда унинг юраги янги кайфиятига ҳамоҳанг ура бошлади. У бирдан ўзида шум тақдир билан курашиш учун куч-қувват борлигини сезди. У ботқоқдан чиқиб олади, у яна одам бўлади. Вақт ҳали қўлдан бой берилмаган. У ҳали ёш. У ўзида илгариги шуҳратталаб орзуларини уйғотади ва уларни амалга оширишга ғайрат билан киришади. Органнинг тантанавор, аммо лаззатли оҳанглари унинг руҳиятида тўнтариш ясади. Эртага у шаҳарнинг ишбилармонлар, тадбиркорлар яшайдиган, завод ва фабрикалар, муассаса ва ташкилотлар қайнаб-тошиб ишлаб турган қисмига боради ва ўзига иш топади. Бир марта мўйнадўзлардан бири унга аравакашликни таклиф қилганди. Сопи эртагаёқ уни излаб топади ва иш сўрайди. У одам бўлмоқчи.

Сопи кимнингдир қўли елкасига тушганини сезди. У тезда ўгирилиб қаради ва олдида полициячининг баркашдек юзини кўрди.

– Сиз бу ерда нима қилаяпсиз? – сўради полициячи.

– Ҳеч нарса, – жавоб берди Сопи.

– Ундай бўлса, кетдик, – деди полициячи.

– Оролга, уч ойга, – қарор чиқарди эртаси куни эрталаб судья.

ТУГАЛЛАНМАГАН ҲИКОЯ

Ўз фантазиямизга эрк бериб, раддия билдиришлари ва инкор этишларидан чўчимасдан гапириш мумкин бўлган иккита мавзу мавжуд. Сиз тушингизда нималарни кўрганингиз ва тўтиқушдан эшитганларингиз ҳақида ҳикоя қилишингиз мумкин. Бунда на тушлар маъбуди Морфий ва тўтиқушнинг гувоҳлик кўрсатмалари беришларига суд йўл қўя олмайди. Тингловчилар эса сизнинг ҳикоянгизга тирғалишолмас эди. Шундай қилиб, ҳикоямнинг сюжети туш бўлади, шунинг учун дунёқарашлари жуда чекланган тўтиқушлардан узр сўрайман.

Мен ҳозирги кунларимизнинг ҳар нарсага шубҳа билан қараладиган кайфиятларидан шунчалик узоқ бўлган туш кўрдимки, унда Қиёмат куни ҳақидаги кўҳна, ҳурматли ва бевақт ҳалок бўлган назария қатнашди.

Исрофил ёки дажжол сурнайини чалди ва унинг даъватига дарҳол жавоб бермаган баъзи бирларимиз сўроққа тортилдик. Мен бир четкада турган, орқа тарафидан тугмаланувчи, ёқали ва қора кийим кийган профессионал кафилларнинг бир гуруҳини кўриб қолдим. Афтидан, уларда қандайдир ишкаллик бор, шекилли, бизни уларга кафилликка беришадиганга ўхшамасди.

Қанотли фаришта-полициячи ёнимга учиб келдида, менинг чап қанотимдан ушлади. Сўроққа чақи-

рилган, бадавлат кўринишли руҳлардан бир нечтаси менга жуда яқин туришарди.

– Сиз шу тўдаданмисиз? – сўради мендан полициячи.

– Улар кимлар ўзи? – савол билан жавоб бердим мен.

– Ҳа, ким бўларди, – деди у, – бу одамлар...

Аммо буларнинг ҳаммасининг ишга алоқаси йўқ ва ҳикоя учун мўлжалланган жойни бекорга банд этади, холос.

Дэлси универсал дўконда хизмат қиларди. У ленталар, эҳтимол, қиймаланган қалампир ё бўлмаса, автомобиль, ёки универсал дўконларда сотиладиган майда-чуйда безаклар билан савдо қиларди. У ўз иш ҳақидан ҳафтасига беш-олти доллар оларди, қолгани эса кредитга ва худо таоло юритадиган (гуноҳкорман, ўзинг кечир, Парвадигорим!) дастлабки қувват (у шундай деб аталарди, чоғи) бош китобида кимнингдир дебети (кирими)га ёзиб қўйиларди.

Дэлси дўконда ишлаган бир йил давомида унга ҳафтасига беш доллардан тўлашди. Бу пулга унинг қандай яшаганини билиш бошқаларга ҳам сабоқ бўларди. Бу сизга қизиқ эмасми? Жуда яхши. Сизни, эҳтимол, катта суммалар қизиқтирса керак. Олти доллар каттароқ сумма. Мен сизга унинг олти долларга қандай яшаганини ҳикоя қилиб бераман.

Бир куни кечки соат олтида шляпаси тўғноғичини кичик миясидан атиги дюймнинг саккиздан бир қисмигина наридан санчиб, бошига қадаб оларкан, харидорларга доимо чап томони билан ўгириладиган хизматдош қиз Сэдига деди:

– Биласанми, Сэди, бугун мен «Чўчқача» билан овқатланишга боришга келишиб олдим.

– Бўлиши мумкин эмас! – ҳайрат билан қичқирди Сэди. – Қандай бахтлисан-а! «Чўчқача» ниҳоятда келишган йигит-ку! У қизларни доимо ҳашаматли жойларга олиб боради. Бир марта у Бланшни Гофманнинг ресторанига олиб борган. У ерда эса ҳар доим ажойиб мусиқалар чалинади. Унга ташриф буюрганлар ҳам ҳавас қилса арзийдиган одамлар бўлади. Сен вақтингни жуда қизиқарли ўтказасан, Дэлси!

Дэлси уйига шошарди. Унинг кўзлари порлар, ёноғида ҳаётининг, ҳақиқий ҳаётининг гуллаб-яшнаши яқинлашганидан хабар берувчи қизиллик ёнарди. Ўша куни жума бўлиб, Дэлсида ўтган ҳафтада олган иш ҳақидан эллик цент қолганди.

Кўчалар айнан иш соатларида бўлганидек, одамлар оқими билан тўла эди. Бродвейдаги электр чироқлари, тунги капалакларни қоронғиликдан ўзларига жалб қилганча порлаб турарди. Капалаклар ўнлаб, юзлаб миля узоқдан бу ерга қанотларини куйдиришга ўрганиш учун учиб келардилар. Яхши кийинган эркаклар – уларнинг юзлари қари матрослар гилос доналаридан усталик билан қирқиб ясайдиган одамларнинг юзларини эслатарди – уларни ўз эътиборига лойиқ кўрмай, шошиб келаётган Дэлсига ўгирилиб қарадилар. Манхеттен – тунги кактус каби ўзининг ёқимсиз ҳидли, мурданикидек оқ гулбаргларини очаётганди.

Дэлси арзон маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўкондан ўша эллик центига машинада тўқилган тўрдан ясалган ёқа сотиб олди. Очиғини айтганда, бу пуллар бошқа нарсага: ўн беш центи кечки овқатга, ўн центи нонуштага, ўн центи тушликка мўлжалланган эди. Яна ўн центини Дэлси ўзининг камтарона жамғармасига қўшишни, беш центни эса обакидандонга совурмоқчи эди. Бу ширинликни

оғзингизга солганингизда, милкингизда худди пилла пайдо бўлгандек туюлади. Сўрганингизда эса улар худди пилладек узоқ чўзиладилар. Обакидандонлар қизгина учун, албатта, ҳашамат эди, ахир ҳаёт лаззатлардан маҳрум этилган бўлса, яшашдан нима маъно бор?

Дэлси мебеллар билан жиҳозланган, ижарага бериладиган хоналарда яшарди. Бундай хоналар ва пансион ўртасида фарқ бор: мебеллар билан жиҳозланган хоналарда қўшниларингиз сизнинг оч қолган вақтларингизни билишмайди.

Дэлси ғиштдан солинган кўримсиз уйнинг учинчи қаватидаги, деразалари ҳовлига қаратилган хонасига кўтарилди. У газни ёқди. Олимлар ҳамма жисмлар ўртасида энг қаттиғи олмос, дейдилар. Улар янглишишади. Хонадон эгалари шундай таркибли нарсаларни биладиларки, уларнинг олдида олмос лой бўлиб кўринади. Бу бекалар ушбу таркибли нарса билан газ горелкалари қопқоқларини мойлаб қўядилар ва сиз стул устига чиқиб олиб, тирноқларингиз синиб кетгунича бу нарсани кавлашингиз мумкину, бундан барибир бирор наф чиқмайди. Ҳатто тўғноғич билан уни ҳар доим ҳам кўчириб бўлмайди. Шунинг учун уни мустаҳкам, деб айта қоламиз.

Шундай қилиб, Дэлси газни ёқди. Унинг шамнинг тўртдан бир қисми қувватига тенг бўлган ёруғида хонани кўздан кечирамиз.

Каравот, стол, жавон, юз ювгич, стул – бунда уй эгаси айбдор эди. Қолган ҳамма нарсалар Дэлсига тегишли эди. Жавонда унинг бойликлари: Сэди совға қилган, олтин билан ишлов берилган чинни вазача, консерва заводининг рекламаси бўлган тақвим, тушлар таъбирномаси, шиша идишчада

гуруч упаси, пушти лентача билан боғланган бир боғ сунъий гилос жойлашганди.

Генерал Кичинар Уильям Мэлдун, герцогиня Мальборо ва Бенвенуто Челлини портретлари қийшиқ кўзгуга суяб қўйилганича турарди. Деворда римлик жангчиларнинг дубулғасини кийган қандайдир ирландияликнинг гипсдан ишланган барельефи осиб қўйилганди. Унинг ёнида эса лимон рангидаги ўғил бола оловдек қизил капалакни қувиб юргани тасвирланган, олеография усулида чоп этилган расм осилганди. Дэлсининг санъат соҳасидаги диди бундан нарига ўтмаганди. Очиғини айтганда, бу дид ҳеч қачон безовта қилинмаганди. Кўчирмачилик ҳақидаги шивир-шивирлар ҳеч қачон унинг тинчини бузмаган, бирорта ҳам танқидчи унинг кичкина энтемологига кўзларини нафрат билан қисиб тикилмаганди.

«Чўчқача» уни олиб кетгани соат еттида келиши керак эди. У шошганча ўзини тартибга келтириб олгунича, биз камтарлик билан ундан ўгириламиз ва бироз ғийбатлашиб оламиз.

Хона учун Дэлси ҳафтасига икки доллар тўларди. Иш кунлари нонушта унга ўн центга тушарди; у ўзига кофе тайёрлайди ва кийиниб олгунига қадар газ плитасида тухум қайнатади. Якшанба кунлари у ўзини зиёфат қилади – Биллининг ресторанида бузоқ гўштидан тайёрланган котлетлар ейди; бу йигирма цент туради ва у чойчақага ўн цент беради. Нью-Йорк шу тарзда исрофгарчиликка мойил қилиб қўяди. Кундуз кунлари Дэлси ишхонада ҳафтасига олтмиш центга нонушта ва бир доллару беш центга тушлик қилади. Кечки газета – менга кунини газетасиз ўтказадиган бирорта нью-йоркликни кўрсатинг-чи – ҳафтасига олти цент туради ва якшанбалик иккита

газета – биттаси никоҳ эълонлари билан танишиш учун, иккинчиси ўқиш учун – ўн центга тушади. Якуни тўрт доллару етмиш цент бўлади. Лекин ҳали кийиниш ва ... лар ҳам керак.

Йўқ, мен таҳлилни давом эттиришдан бош тортаман. Мен мануфактура маҳсулотларини ҳайрон қоларли даражада арзон баҳода сотиб юборишлар, ип ва игна ёрдамида амалга ошириладиган мўъжизалар ҳақида эшитганман, аммо мен, барибир, нимагадир бунга шубҳаланаман. Мен Дэлсининг ҳаётига аёлларга олий адолатнинг ёзилмаган, муқаддас, табиий ва амал қилмаётган барча қонунларига кўра тақдим этилиши, берилиши лозим бўлган шодликларни ҳам қўшиш керак эди, деган фикр бошимга келиши биланоқ, менинг қаламим ҳавода муаллақ осилиб қолаяпти. У икки марта Кони-Айлендда бўлган ва каруселга минган. Лаззатлар сенга бир йилда икки мартадан кўп бўлмаган миқдордагина тақдим этилса, хит бўлиб кетасан, киши.

«Чўчқача» ҳақида эса бор-йўғи бир неча сўз айтиш керак. Қизлар унга бундай лақаб беришганида, чўчқаларнинг муҳтарам оиласига уларга мутлақо ярашмайдиган шармандали тамға тушди. Уни таърифлаш учун ҳайвонлар оламидан фойдаланишни давом эттираверниш мумкин. Унинг юраги каламушники, қилиқлари кўршапалакники, тантилиги мушукники каби эди. У олифта кийинар ва очин-тўқин яшаш бўйича билағон эди. У дўкондаги сотувчи қизга бир қарагандаёқ, унинг пастила билан чойга қараганда тўйимлироқ овқат еганидан кейин қанча вақт ўтганини бир соатгача аниқлик билан айтиб бера оларди. У доим дўконлар бўйлаб изғиб юрар ва қизларни бирга тушлик қилишга таклиф этарди. Итларини сайрга олиб чиқувчи эркаклар ҳам

унга нафратланиб қарардилар. Бу маълум тип: у ҳақда гапиришни йиғиштирайлик. Менинг қаламим унга ўхшаганларни таърифлаш учун ярамайди: мен дурадгор эмасман.

Ўн дақиқаси кам етти бўлганида, Дэлси тайёр эди. У қийшиқ кўзгуга қаради-да, ўз кўринишидан кўнгли тўлди. Унинг устидаги бирорта ғижимсиз тўқ яшил кўйлак, қора патли олифтанамо шляпа, деярли жуда янги қўлқоплар – нимадандир (шу жумладан, баъзан тушликдан ҳам) воз кечишнинг ҳамма далиллари унга жуда ярашиб турганди.

Дэлси бир дақиқага ўз гўзаллиги ва ҳаёт унинг учун сирли парданинг бир чеккасини очишга ва унга ўз мўъжизаларини кўрсатишга тайёр эканлигидан бошқа ҳамма нарсани унутди. Уни ҳали бирорта эркак ресторанга таклиф қилмаганди. Бугун у ранго-ранг бўёқлари билан товланиб турувчи янги дунёга қисқа фурсатга кўз ташлаши керак эди.

Қизлар «Чўчқача»ни «пул совурувчи», деб аташарди. Демак, кечки овқат тўкин-сочин бўлади, ажойиб мусиқа тингланади ва ҳашамат билан кийиниб олган аёлларни кўриш, дугоналарга таърифлаётганда, қизларнинг оғизлари очилиб, анграйиб қоладиган таомлардан татиб кўриш мумкин бўлади. Йигит уни яна қачондир овқатланишга таклиф қилиши шубҳасиз.

Дўконлардан бирининг пешойнасида қиз Хитой шойисидан тикилган ҳаворанг кўйлак кўрганди. Агарда ҳар ҳафтада ўн эмас, йигирма центдан йиғиб борса... тўхтанг... тўхтанг... йўқ, бунга бир неча йил кетаркан. Аммо Еттинчи авенюда ишлатилган нарсалар дўкони бор ва у ерда...

Кимдир эшикни тақиллатди., Эшик ортида лабларида сохта табассум билан квартира эгаси

турар ва ўғирланган газда овқат пиширилмаганмикан деган хаёлда бурни билан овқат ҳидини аниқлашга ҳаракат қиларди.

– Сизни пастда қандайдир жентельмен кутиб турибди, – деди у. – Фамилияси Уиггинс экан.

Дэлси даструмолини олиш учун жавон томонга қайрилди ва пастки лабини қаттиқ тишлаганича қотиб қолди. У кўзгуга қараган чоғида эртаклар мамлакатини ва ўзини – узоқ уйқудан сўнг эндигина уйғонган маликани кўрди. У ўзидан ғамгин, чиройли, жиддий кўзларини узмайдиган, унинг ўзини тутишини маъқуллаши ёки қоралаши мумкин бўлган кишини ёддан чиқариб қўйганди. Қомати тик, баланд ва чиройли, гўзал ва дилгир юзида ғамгин таъна ифодаланганича, генерал Киченер зарҳалланган рамка ичидан ажойиб кўзлари билан унга қараб турарди. Бураладиган мурватли қўғирчоқдек Дэлси бека томонга қайрилди.

– Унга мени чиқмайди, деб айтинг, – деди у анқовсирагандек бўлиб. – Мени касал ёки яна нима бўлгандир, денг. Менинг чиқмаслигимни айтинг.

Бекани кузатиб қўйиб, эшикни ёпгач, Дэлси ўринга мукка тушиб ётиб олди. Оқибатда эса қора пат бутунлай эзилиб кетди ва қиз ўн дақиқа тинмай йиғлади. Генерал Киченер унинг ягона дўсти эди. Унинг назарида генерал рицарларнинг идеали эди. Унинг юзига қандайдир махфий ғам соя солиб турарди. Мўйловлари эса орзудек узун, қиз унинг жиддий, аммо мулойим нигоҳидан қўрқарди. У ўзини генерал қачондир бу уйга келиши ва қизни сўраши, унинг қиличи ботфортларига урилиб туриши ҳақидаги фантазиялар билан овунтирарди. Бир куни қандайдир бола фонус осилган устунни занжирча билан тақиллатганида, у деразасини очиб,

кўчага қаради. Бироқ кутгани бўлмади. Қиз генерал Киченер узоқда, Японияда, ўз армиясини ёввойи туркларга қарши жангга бошлаётганини биларди. У ўзининг зарҳалланган рамкаси ичидан қизнинг олдига ҳеч қачон чиқиб кела олмайди. Ҳолбуки, бу кеча унинг биргина нигоҳи «Чўчқача»ни енгди. Ҳа, бу кеча енгди.

Йиғлаб бўлиб, Дэлси ўрнидан турди, чиройли кўйлагини ечиб, эскигина мовий халатчасини кийиб олди. Унинг овқатлангиси келмасди. У «Самми» ашуласининг икки куплетини куйлади. Кейин бурни устидаги қизил доғ билан жиддий шуғулланди. Сўнгра эса стулни лиқиллаб қолган стол ёнига суриб, картада фол оча бошлади.

– Манави ифлосликни, бу безбетликни қаранг-а, – деди у овозини чиқариб. – Мен унинг бундай деб ўйлаши учун на сўз, на нигоҳ билан асосу баҳона берган эмасман.

Соат ўнда Дэлси сандиқчадан сухари солинган темир қутичани ва малина мураббоси тўлдирилган хумчани чиқарди. У мурабболи сухариларни генерал Киченерга таклиф қилди. Аммо у қизга, худди сфинкс капалакка (агар саҳрода капалак бўлса) қарагандек, нигоҳ ташлаб қўйди.

– Ҳа, майли, егингиз келмаса, емай қўя қолинг, – деди Дэлси. – Бунақа кеккаяверманг ва кўзларингиз билан таъна қилаверманг. Ҳафтада олти долларга яшаб кўрганингизда, сиз бунчалик мағрур бўлишингиз даргумон эди.

Дэлси генерал Киченерга қўполлик қилди ва бу яхшиликка олиб келмасди. Кейин эса у Бенвенуто Челлинини юзи билан деворга қаратиб қўйди. Аммо буни кечирса бўлар эди. Чунки у Челлинини ўзи унинг ишларини маъқулламайдиган Генрих саккизинчи деб ўйларди.

Ўн яримда Дэлси портретларга сўнгги марта нигоҳ ташлади ва чироқни ўчириб, ўринга лип этиб кириб олди. Хайрлашув олдидан генерал Киченер Уильям Мэлдун, герцогиня Мальборо ва Бенвенутто Челлини билан нигоҳлар алмашиб, уйқуга ётиш – жуда қўрқинчли.

Ҳикоя тугалланмай, шундайлигича қолиб кетди. У қачондир «Чўчқача» Дэлсини яна ресторанга таклиф қилиб, қиз ўзини ёлғиз ва жудаям бошқача ҳис қила бошласа ҳамда генерал Киченер ундан юз ўгиргандан кейингина ёзиб тугатилади.

Мен бошда айтганимдек, мен ўзимнинг бадавлат кўринишли фаришталарнинг тўдаси яқинида эканлигим, мени полициячи қанотимдан ушлаб, улар тўдасиданми ёки уларга мансуб эмаслигимни сўраётганини тушимда кўрардим.

– Улар кимлар ўзи? – сўрадим мен.

– Ҳа, ким бўларди, – деди у, – булар қизларни ишга олиб, уларга ҳафтасига беш ёки олти доллардан ҳақ тўлаган одамлардир. Сиз уларнинг тўдасидан эмасмисиз?

– Йўқ, Боқий ҳазратлари, – жавоб бердим мен. – Мен бор-йўғи етимхонани ёндириб юбордим ва мис тангаларидан фойдаланишим учун кўрни ўлдирдим, холос.

ТИЛДИНИНГ ДЕБЮТИ

Агар сиз Боглнинг «Газакхона ва оилавий ресторан»ини билмасангиз, унда кўп нарса йўқотибсиз. Бордию, сиз қимматбаҳо тушликлар учун ҳақ тўлашга қодир бахтли одамлардан бири бўлсангиз, сизга инсониятнинг иккинчи ярми овқат захираларига қай тарзда қирон келтириши қизиқарли бўлса керак. Мабодо, сиз одамларнинг лакей узатган, тўланиши керак бўлган, ҳам нархи кўрсатилган ҳисоб қоғози улар учун катта воқеа, тўғрироғи, ташвиш ҳисобланган қисмига мансуб бўлсангиз, унда сиз Боглни билиб олишингиз керак. Чунки сиз у ерда ўз пулларингизга лозим бўлган нарсаларни (жуда бўлмаганда, миқдор жиҳатидан шу пулларга тенг келадиганини) бемалол олишингиз мумкин.

Боглнинг ресторани буржуа кварталининг қоқ марказида, Браун Жонс Робинсон хиёбонида – Саккизинчи авенюда жойлашган. Залда ҳар бирида олти донадан стол бўлган икки қатор мавжуд. Ҳар бир столда қулоқчали идишчалар бўлиб, уларга зираворлар солинган. Қалампирдонни силкитсангиз, унинг ичидан вулқоннинг кулига ўхшаш, таъмсиз, дилгир ниманингдир тўзони тушади. Туздондан ҳеч нарса тушира олмайсиз. Оқ шолғомдан қизил шарбат сиқиб чиқаришга қодир бўлган одам ҳам, агар у Боглнинг туздонидан тузнинг бирор урвоғини туширишни хоҳлаб қолганида, у, албатта, мағлубиятга

учрарди. Бундан ташқари ҳар бир столга «ҳинд рожасининг рецепти бўйича» тайёрланадиган ўта ўткир соус – қайланинг қалбакисидан бир идишчада қўйилган.

Касса аппарати орқасида совуққина, баджаҳл, имиллаган, ҳайбатли Богль ўтиради ва сиздан пул қабул қилади. Тиш кавлагичлар уюми орқасидан мўралаганича, у сизга қайтимингизни беради ва ҳисоб қоғозчангизни тепага қаратиб ўрнатилган михга санчиб қўяди, худди қурбақанинг вақиллаши каби узиб-узиб об-ҳаво ҳақидаги фикрларини айтади. Бироқ сизга маслаҳатим – об-ҳаво ҳақидаги унинг башоратларини тасдиқлаш билангина чекланинг. Сиз Боглнинг таниши эмас, балки унинг муассасасига қорнини тўйдириш учун кирган хўрандасиз, холос. Ахир Исрофилнинг сурнайи сизни сўнгги бор овқатланишга чақирадиган кунгача у билан бошқа учрашмаслигингиз мумкин. Шунинг учун қайтимингизни олинг-да, хоҳлаган жойингизга, менга деса, тупканинг тагига бўлса ҳам жўнаворинг. Боглнинг назарияси ана шундай.

Боглнинг хўрандаларига иккита официант қиз ва Овоз хизмат қиладилар. Қизлардан бирининг исми Эйлин бўлиб, унинг бўйи баланд, гўзал, чаққон, хушмуомала ва суҳбату ҳазил-ҳузулга уста. Унинг фамилиясими? Фамилиялар Боглнинг ресторанида, худди қўл чайиладиган идишлардек, ортиқча ҳашамат ҳисобланарди.

Иккинчи официант қизни Тильди деб чақиришарди. Албатта, Матильда дейиш шартмикин? Диққат билан қулоқ солинг: Тильди, Тильди. Тильди кичкина, семизгина, хунук қиз эди ва у ҳаммага ёқиш учун шунчалик жон-жаҳди билан ҳаракат қилардики... Кейинги жумлани (ҳаммага ёқиш учунни) уч марта

такрорланг ва шунда сиз унда алоҳида маъно борлигини кўрасиз.

Овоз кўзга кўринмас эди. У ошхонадан чиқар ва оригиналлиги билан ажралиб турмасди. Бу официант қизлар чиқарадиган ва пазандалик маҳоратидан ҳаяжонланиб чиқараётган хитобларни шунчаки такрорлаш билан чекланган яна бир нодон овоз эди.

Эйлиннинг гўзал эканлигини такрорлаш учун менга рухсат берасизми? Агар сиз унинг икки юз долларлик кўйлак кийиб олгани ва пасхага бағишлаб ўтказиладиган мебеллар кўргазмасида томошабинлар олдидан ўтганини кўрганингизда эди, сизнинг ўзингиз ҳам буни айтишга шошилган бўлардингиз.

Боглнинг хўрандалари унинг қуллари эдилар. Қиз бир вақтнинг ўзида олтита столдагиларга хизмат қила оларди. Шошиб турганлар унинг хушбичим қоматини томоша қилиш имконига эга бўлганларидан шошқалоқликларидан тийилардилар. Тўйиб овқатланиб олганлар унинг табассуми нурлари остида кўпроқ бўлиш учун яна нималаргадир беихтиёр буюртма берардилар. Ҳар бир эркак, Боглнинг ресторанига аёллар камдан-кам кирардилар, бу қизда яхши таассурот, ўзига нисбатан қизиқиш уйғотишга ҳаракат қиларди.

Эйлин бир вақтнинг ўзида ўнта мижоз билан ҳазил-ҳузул қилишни эпларди. Унинг табассуми сочма милтиқнинг питраларидек бир неча юракка бирдан тегарди. Шу вақтнинг ўзида у ловияли чўчқа гўшти, рагу, қовурилган тухум, буғдой қайлали колбаса ва бошқа овқат ҳамда егуликларни тик ва япалоқ товаларда, турган ва ётган ҳолатларда етказиб бераркан, чаққонлик ва уддабуронлик борасида мўъжизалар кўрсатарди. Мана шундай

катта зиёфатлар ва бу қизнинг нозу карашмалари Боглнинг ресторанини ўзига хос кўнгилочар жойга айлантирар ва унда Эйлин Рекамье хонимнинг ролини ўйнар эди.

Баъзан ҳатто тасодифий хўрандалар дилрабо Эйлинга мафтун бўлиб қолсалар, Богль ресторанининг доимий мижозларининг аҳволи ҳақида нимаям дейиш мумкин? Улар бу қизни хаддан зиёд севардилар. Улар бир-бирлари билан рақобатлашардилар. Эйлин истаса, ҳар бир кечани қувноқ ўтказиши мумкин эди. Ҳар ҳафтада, жуда бўлмаганда, икки марта уни кимдир театрга ёки рақс кечасига таклиф қиларди. Тильди иккаласи «Ахта чўчқа» деб ном қўйиб олишган қари бир жаноб Эйлинга феруза кўзли узук совға қилганди. «Безбет» лақабини олган ва таъмирлаш устахонасида хизмат қилувчи бошқа биттаси ўзининг аравакаш акаси Еттинчи кўчадан пудрат олганидан сўнг қизга жингалак юнгли ит совға этишни ваъда қилганди. Доимо чўчқа гўштини шпинат билан бирга буюртма қиладиган ва ўзининг биржа даллоли эканлигини такрорлайверадиган яна биттаси эса қизни «Парсифаль»га таклиф қилди.

– Мен ўша «Парсифаль»нинг қаерда эканлигини ва унга қанча вақтда етиб бориш мумкинлигини билмайман, – деди Эйлин Тильдига бу ҳақда ҳикоя қиларкан, – аммо мен, никоҳ узуги бармоғимга тақилмагунича, йўл костюмимнинг бирорта тугмасини ҳам қадамайман. Мен ҳақманми, йўқми?

Тильдачи?.. Бунга нима деб жавоб берсин?..

Боглнинг буғлар, бекорчи гаплар ва карам ҳиди сингиб кетган муассасасида ҳақиқий фожиа бошланиб кетган эди. Тугма бурунли, сомон ранг сочли, сепкил юзли бақалоқ Тильданинг кўнглини ҳеч ким овламас, унга ҳеч ким хушторлик қилмас, эътибор бермас эди. У ресторан бўйлаб югуриб

юрганида, эркакларнинг бирортаси, агар очлик уларни буюртма берган таомларига интиқ қилиб қўймаса, уни кўзлари билан кузатиб турмасди. Унга ҳеч ким тегишмас, қочирим ва пичингларнинг қувноқ беллашувига тортмасди. Ҳеч ким эрталаб, худди Эйлинга қилганидек, тегажоқлик қилмас, унга номаълум бахтли йигитига ҳасадини истеҳзоси остига яшириб, қиз кеча уйига жуда кеч келгани эҳтимоли борлиги, шу сабабдан ҳам бугун эрталаб таомларни секин олиб келаётганини айтмасди. Ҳеч ким, ҳеч қачон унга феруза кўзли узукча совға қилмаган ва сирли ҳамда олисдаги «Персифаль»га таклиф этмаганди.

Тильди яхши ходима эди ва эркаклар унга чидар эдилар. У хизмат қиладиган столчалар орқасига ўтирганлар Тильди билан менюдан олинган иқтибослар алмашардилар, кейин эса оғизларидан бол томизиб, бошқа овозда гўзал Эйлин билан сўзлашардилар. Улар стулларда типирчилашар ва яқинлашиб келаётган Тильдининг орқасидан Эйлинни, унинг гўзаллиги ўзларининг ветчина қўшиб қовурилган қуймоқларини илоҳий таом – амброзияга айлантириши учун кўришни истардилар.

Тильди ўзининг оддийгина меҳнаткашлик роли билан қаноатланарди. Ишқилиб, таъзимлар, хушомадлар Эйлиннинг чекига тушса бас, деб ҳисобларди у. Тугмачабурун юнонча калтабуруннинг содиқ фуқаролик туйғуларини ҳис қиларди. У Эйлиннинг дўсти эди ва Эйлиннинг юракларга қандай ҳукмронлик қилаётгани ва эркакларнинг диққатини тутуни чиқиб турган пирог ва лимонли пирожнийдан қандай чалғитаётганини кўраркан, чин дилдан қувонарди. Аммо энг хунукларда ҳам сепкилли тери ва сомон рангли сочлар остида, юрагининг энг чуқур жойида фақат

унинг олдигагина келадиган шаҳзода ёки малика ҳақидаги орзу яшириниб ётади.

Бир куни Эйлин ишга бир кўзи кўкарган ҳолда келди ва Тильди унга ҳатто трахомани ҳам даволашга қодир бўлган ҳамдардлик оқимини тўкди.

– Қандайдир шилқимнинг иши бу, – тушунтирди Эйлин. – Кеча кечқурун уйга қайтаётганимда: Йигирма учинчи кўчада хиралик қила бошлади. Нуқул ёпишгани - ёпишган. Мен унинг кавушини тўғрилаб қўйдим ва у нари кетди. Аммо у орқамдан эргашиб келаётган экан. Ўн саккизинчи кўчада у яна шилқимлик қила бошлади. Мен қулочкашлаб туриб башарасига бир тушурдим! Ўша пайт у ҳам менга бу «фонусни осиб қўйди». Айт-чи, Тиль, кўринишим қўрқинчлими? Мен жаноб Никольсон соат ўнда қовурилган нон бурдалари билан чой ичгани келганида юзимда нимани кўришини ўйлаб, кўнглим ғаш бўлиб кетаяпти.

Тильда тингларди ва унинг юраги завқу ҳаяжондан тўхтаб қолай дерди. Бирорта эркак ҳеч қачон унга шилқимлик қилишга уриниб кўрмаганди. Унга кўчада кун ва туннинг исталган соатида бундай хавотир хавф солмас эди. Эркак сени таъқиб қилса ва севганидан кўзингнинг тагига «фонус осса», кўкартирса, бу қандай ҳузур экан-а?!

Боглнинг ресторани хўрандалари орасида кирхонада ишловчи Сидерс исмли ёш йигит ҳам бор эди. Жаноб Сидерс озғин ва оқимтир ҳамда ҳозиргина яхшилаб қуритиб, крахмаллаб қўйилганга ўхшарди. У Эйлиннинг эътиборини қозонишга уринмасди ҳам, чунки у ҳаддан ташқари уятчан эди. Шунинг учун у, одатда, Тильди хизмат кўрсатадиган столчалардан бирининг орқасига ўтирар ва ўзини сукут сақлаш ва қайнатилган балиқ ейишга маҳкум қиларди.

Бир куни жаноб Сидерс одатдагидек тушлик қилгани келди, ундан пивонинг ҳиди анқиб турарди. Ресторанда 2-3та хўранда бор эди, холос. Қайнатилган балиқни еб бўлгач, жаноб Сидерс ўрнидан турди ва Тильдининг белидан қучоқлади ва қаттиқ овоз чиқариб, тортинмасдан ўпди, кўчага чиқди, ўзи ишлайдиган кирхона тарафга бош бармоғини иккита бармоғи орасидан чиқариб, мушт кўрсатди ва пассажга, автоматларнинг тирқишларидан тангачалар ташлагани кетди.

Тильди бир неча сония тошдек қотиб қолди. Анчадан кейин у Эйлин унга бармоғи билан таҳдид қилиб гапираётганини англади.

– Оббо, Тиль-ей, оббо, айёр-ей! Бу нимаси, а? Бунақада сен менинг ҳамма ошиқларимни ўзингга оғдириб оласан-ку! Сени энди кузатиб юришимга тўғри келади, азизам!

Тильдининг онгида яна битта катта ўзгариш – ишонч туғилди. Кўз очиб юмгунча, у умидсиз, ювош ожизадан Момо Ҳавонинг ҳамма қатори қизига, ҳамма нарсага қодир Эйлиннинг синглисига айланди. Энди унинг ўзи Цирцеяга, Купидон ўқларининг нишонига, римликлар базм қуришганида қўрқиши керак бўлган сабиниялик аёлга айланганди. Эркак унинг белини жозибали, лабларини эса кўнгилдагидек, ёқимли деб топди. Севги ўртаган шиддаткор жаноб Сидерс унга нисбатан кирхонада алоҳида ҳақ эвазига содир этиладиган мўъжиза қўллаганга ўхшарди. Сидерс унинг устидаги жозибасизлик деб аталувчи қўпол матони ечиб олиб, уни бир лаҳзада ювиб, қуритиб, крахмаллаб, дазмоллади ва муҳаббат ҳамда нафосат маъбудаси Венеранинг ўзига ҳам муносиб бўлган либос – нафис батист шаклида қайтарди.

Тильдининг сепкиллари қизиллик оловида чўкиб кетди. Цирцея ва Психея унинг ёлқинланган

кўзларидан биргаликда қарадилар. Ахир, ҳатто Эйли́нни ҳам ҳеч ким ресторанда ҳамманинг кўз олдида қучоқламаган ва ўпмаган эди.

Тильдининг ажойиб бу сирни сақлашга кучи етмасди. Қисқа муддатли тинчликдан фойдаланиб, у, худди тасодифдек, Боглнинг столи олдида тўхтади. Қизнинг кўзлари порларди; у сўзларида мағрурлик ва мақтанчоқлик сезилмаслигига астойдил ҳаракат қилиб деди:

– Бир жентельмен бугун мени ҳақорат қилди. У менинг белимдан қучоқлади ва ўпди.

– Шунақами? – деди Богль ўзининг ишбилармонлик ниқобини ечиб. – Кейинги ҳафтадан сиз бир доллар кўп ҳақ оласиз.

Тушлик пайтида Тильди таниш хўрандаларга овқатларини тарқатар экан, уларнинг ҳар бирига обрўси бўрттирилишга муҳтож бўлмаган одамнинг камтарлиги билан эълон қиларди:

– Бир жентельмен мени бугун ресторанда ҳақорат қилди. У мени белимдан қучоқлади ва ўпди.

Тушлик қилаётганлар бу янгиликни ҳар хил қабул қилишарди: бир хиллар ишончсизлик билдиришарди, бошқалари уни табриклашар, учинчилари эса уни ҳозиргача фақат Эйлингагина аталиб келинган ҳазиллар билан кўмиб ташлашарди.

Тильдининг юраги бахтдан кенгайиб борарди. Ниҳоят, қиз узоқ вақт тентираб юрган бир хилдаги зерикарли текислик этагида романтик миноралар кўринди.

Жаноб Сидерс икки кун кўринмади. Шу вақт мобайнида Тильди келишган аёл позициясида мустаҳкам ўрнашиб олди. У ленталар сотиб олди. Сочларини Эйлинникига ўхшатиб турмаклатди, белини икки дюймга қаттиқроқ қилиб боғлаб олди. У жаноб Сидерс ресторанга отилиб кириши ва уни

тўппончадан отиб ташлаши мумкинлиги ҳақидаги фикрдан ҳам даҳшатга тушарди, ҳам суюнарди. Афтидан, йигит уни тентакларча севади, эҳтироси баланд ошиқлар эса доимо рашкчи бўладилар. Ҳатто Эйлинга ҳам тўппончадан ўқ отишмаган. Тильди йигитнинг отмагани маъқулроқ, деган қарорга келди. У ахир доимо Эйлиннинг энг яхши дўсти бўлган ва унинг шуҳратига соя солишни истамасди.

Учинчи куни соат тўртда жаноб Сидерс келди. Столлар атрофида бирор кимса йўқ эди. Ресторанннинг ичкарисида Тильди идишга хантал солаётган, Эйлин эса пирогни қирқаётганди. Жаноб Сидерс қизларга яқин келди.

Тильди кўзларини кўтарди ва уни кўрди-ю, нафаси ичига тушиб кетди. Қиз хантал солаётган қошиқни кўкрагига босди. Унинг сочларида қизил бант, бўйнида Саккизинчи авенюдан олинган Венера эмблемаси – рамзий кумуш юракчали мовий мунчоқлар шодаси бор эди.

Жаноб Сидерс қизариб кетганди ва хижолат тортиб турарди. У қўлларидан бирини шимининг чўнтагига тиқди, иккинчисини қовоқли янги пирог устига туширди.

– Тильди хоним, – деди у, – мен сиздан ўша оқшом қилган қилмишларим учун узр сўрайман. Тўғрисини айтганда, ўша кеча мен ғирт маст эдим. Акс ҳолда, ҳеч қачон бундай қилмасдим. Тильди хоним, сиз узримни қабул қиласиз ва мен нима қилаётганимни тушунганимда ва маст бўлмаганимда, бундай ишларни қила олмаслигимга ишонасиз, деб умид қиламан.

Ўзининг пушаймонлигини шу тарзда изҳор қилиб, жаноб Сидерс орқасига қайтди ва айби ювилганини ҳис қилганича, ресторандан чиқиб кетди.

Аммо нажотбахш парда орқасида Тильди ёғ бўлаклари, қаҳва солинадиган финжонлар орасида

бошини столга қўйганича ҳўнграб йиғларди ва унга ўхшаб тугма бурунли, сомон ранг сочли бўлганлар тентираб юрадиган зерикарли текисликка қайтарди. У сочидаги қизил бантни юлиб олиб, полга ташлади. Сидерсдан у энди қаттиқ нафратланарди. У йигитнинг бўсасидан сеҳрланган тушнинг подшолигига олиб борувчи йўлни топган ва буни тўхтаб қолган соатни юргизиб юборган ҳамда уйқусираган хизматкор ўсмирларни югур-югур қилишга мажбур этган шаҳзоданинг бўсаси, деб қабул қилганди. Фақат бўса маст ва калтафаҳм зотники бўлиб чиқди: мудраган, ухлаб қолган подшоҳлик ёлғон шовқинга қилт этгани йўқ.

Аммо ҳали ҳамма нарса бой берилмаганди. Эйлиннинг қўли уни кучоқлади ва Тильдининг қизил қўли стол устидаги сарқитлар орасида дўстининг илиқ қўл қисишини пайқамагунича тимирскиланди.

– Хафа бўлма, Тиль, – деди Эйлин гап нимадалигини охиригача тушуниб етмай, – Сидерс бунга арзимайди. У жентельмен эмас, кир осиш учун қисқич, холос. Агар жентельмен бўлганида, узр сўраб ўтирармиди.

Молли Мак-Кивернинг кўм-кўк кўзлари Кичкинтой Брэдини асир қилиб олганидан сўнг у «Тутунли мўри» тўдасини тарк этишга мажбур бўлган эди. Жононининг мулойим маломатлари ва қизнинг инсофлилик, тартибliликка ўжарларча ўчлигининг ҳукмронлиги шундай намоён бўлганди. Агар бу қаторларни эркак киши ўқиётган бўлса, худди шундай ижобий ва самарали таъсирни эртага соат тушки иккидан кечикмай ўзида синаб кўрсин. Агар унга аёлнинг кўзи тушиб қолса, унда маликанинг олдига тонги саломини етказгани келган суюкли бароқ ити – итлар саломатлигининг ва беканинг руҳий хотиржамлигининг кафили бўлган совуқ бурнини ушлатсин.

«Тутунли мўри» тўдаси ўз номини «Дўзах ошхонаси» деб аталувчи маълуму машҳур кичик бир кварталдан олган эди. Ўн биринчи ва Ўн иккинчи авенюларга параллел равишда дарё бўйлаб жойлашган Тутунли мўри ўзининг дудланиб, қурум босиб кетган тиззаси билан ҳазин, ёқимсиз Клинтон-паркни айланиб ўтади. Тутунли мўри бирорта ошхона ишлолмайдиган нарса эканлигини эсласак, биз вужудга келган шароитни осонгина англаб оламиз. Бўтқа пишириш, тўғрироғи, ишкал чиқаришга усталар «Дўзах ошхонаси»да анчагина топилади. Лекин бош ошпаз унвони фақат «Тутунли мўри» тўдаси аъзоларигагина берилган эди.

Ҳеч ким томонидан тасдиқланмаган, лекин ўта машҳур бўлган уюшма (иттифоқ)нинг башанг кийиниб олган, афтидан, ҳамма вақтини аррача ва қаламтарошлар ёрдамида тирноқлар парваришига сарфлайдиган вакиллари худди оранжерея гулларидек, кўчаларнинг бурчакларида гуллаб турадилар. Уларнинг ишончлилигининг баҳс талаб қилмайдиган кафолати бўлган бу беозор машғулот, уларга, шунингдек, икки юзта сўздан иборат камтарона луғатдан фойдаланиб, ўзаро эркин сўзлашиш имконини берарди. Тасодифий ўткинчига бундай суҳбат худди бир неча квартал яқин жойлашган исталган эътиборли клубда эшитиш мумкин бўлган суҳбатлардек аҳамиятсиз ва соддагина туюларди.

Аммо «Тутунли мўри»нинг арбоблари тирноқлар парвариши ва ўзларини илтифотсиз ҳамда беписанд тутишни машқ қилиш, ўрганишга берилишар эканлар, кўчалардаги чорраҳаларни шунчаки безаб қолмасдилар. Уларнинг одамларни ҳамёнлари ва бошқа бойликларидан озод қилишдек муҳим вазифалари ҳам бор эди. Бунга, одатда, оригинал ва кам ўрганилган, турли хил усулларни қўллаш йўли билан, шовқин ва қон тўкишларсиз эришиларди. Бироқ уларнинг эътибори билан бахтли қилинган одам ўз чўнтакларини енгиллаштиришга тайёрлигини изҳор қилмаса, ўз шикоятларини энг яқин полиция участкасида ёки касалхонанинг қабул бўлимида тўкиб солиш имконияти тақдим этиларди.

«Тутунли мўри «тўдаси полицияни ўзига ҳурмат билан муносабатда бўлишга ва доимо тайёр туришга мажбур қиларди. Булбулнинг сайраши бизга шоҳларнинг нигоҳлар ўтмайдиган зулмати ичидан ўтиб келганидек, фиръавнларни ёрдамга чақирувчи полиция ҳуштагининг сукунатни тешиб ўтувчи жаранги жимжит тунда Тутунли мўрининг қоронғи

ва тор хилватгоҳииинг тинчлигини тилкалаб ўтади. Кўк мундир кийганлар эса шуни биладиларки, агар мўридан тутун чиқаётган бўлса, демак, дўзах ошхонасида олов ёқилган.

Кичкинтой Брэди Мэллига одобли бола бўлишга ваъда берганди. Кичкинтой «Тутунли мўри» тўдаси аъзоларининг ҳаммасидан ҳам энг кучлиси, энг ижодкору топқири, энг олифтаси ва энг омадлиси эди. Албатта, йигитларга уни қўлдан бой бераётганлари жуда ачинарли эди.

Аммо унинг саховату эзгу иш гирдобига ботиб бораётганини кузатишар экан, улар бунга қаршилик кўрсатганлари йўқ. Зеро, йигит ўз жононининг маслаҳатларига амал қилаётганида, у ҳақда «Дўзах ошхонаси»да у ўзини номуносиб тутаяпти ёки эркакчасига иш тутмаяпти, дейишмайди.

Қизнинг кўзи остига «фонус осиб қўйишинг» (кўзининг тагини уриб, кўкартириб қўйишинг) мумкин – бу сенинг шахсий ишинг, аммо у сўраган нарсани бажар.

– Сув чиқарувчи кранингни ёп, – деди бир куни кечқурун Кичкинтой, Молли кўзларидан ёш чиқарганича, ундан иллат йўлидан қайтишини сўраб ўтинганида. – Мен тўдадан чиқишга қарор қилдим. Менга сендан бошқа ҳеч нарса керак эмас, Молли. Сен билан тинчгинаю камтарона яшай бошлаймиз. Мен ишга кираман ва бир йилдан кейин биз турмуш қурамиз. Мен бу ишни сен учун қилаяпман. Ижарага квартира оламиз, Канарейка боқамиз, тикув машинаси ва бочкага экилган фикус сотиб оламиз ҳамда ҳалол яшашга уриниб кўрамиз.

– Оҳ, Кичкинтой! – хитоб қилди Молли унинг елкасидан упа юқини рўмолчаси билан қоқиб ташларкан. – Шу гапларинг учун сенга бутун Нью-Йоркни ундаги бор нарсаларнинг ҳаммаси билан

беришга тайёрман. Қолаверса, бахтли бўлишимиз учун бизга кўп нарса керакми?

Кичкинтой ўзининг бенуқсон манжетлари ва лакланган туфлиларига бир қараб олганида, нигоҳларига ғамгинлик соя ташлаган эди.

– Лаш-лушлар борасида кўпроқ қийналишга тўғри келади, – деди у. – Мен асил нарсаларни ёқтираман. Арзон нарсаларни қанчалик ёмон кўришимни биласан-ку, Молли. Мана бу костюм менга олтмиш беш долларга тушган. Кийим борасида мен талабчанман. Ҳаммаси олий нав бўлиши керак, акс ҳолда, бу менга тўғри келмайди. Агар мен ишласам, катта қайчили кичкина одам билан хайрлашамиз!

– Ҳечқиси йўқ, азизим! Сен менга кўк свитерда ҳам қизил автомашина ичидагидан камроқ ёқмайсан.

Ёшликнинг илк палласида Кичкинтой, ҳали отасининг енгига етадиган даражада кучга тўлмасдан бурун, пайвандлаш ишини ўрганган эди. У энди ана шу фойдали ва ҳурматли касбга қайтади. Аммо унга устахона эгасининг ёрдамчиси бўлишга тўғри келди. Ҳолбуки, ёрдамчилари эмас, устахоналарнинг эгалари нўхотдек катталикдаги бриллиантлар тақади ва ўзларининг сенатор Кларкнинг данғиллама уйини безаб турувчи мармар устунларига менсимай қарашларига йўл қўя оладилар, холос.

Саккиз ой, битта пьесанинг икки пардаси орасидаги вақтдек, тез ўтиб кетди. Кичкинтой ҳалол тер тўкиб, нонини ишлаб топар, қинғир ва хавфли йўлга қайтишга мойиллик намоён қилмасди. «Тутунли мўри» тўдаси эса аввалгидек «катта йўлда бебошлик» қилар, полициячиларнинг бош чаноқларини ёрар, кечиккан ўткинчиларнинг йўлини тўсар, чўнтакларни тинч йўл билан қоқиб олишнинг янги усулларини кашф этар, Бешинчи авенюдагилар киядиган кўйлаклар, тақадиган бўйинбоғларнинг

бичимидан нусха кўчирар ва қонунларга оёқ қўйиб, ўз тартиб-қоидалари бўйича яшарди. Гарчи анчадан бери силлиқланмаган, сайқал берилмаган тирноқларининг ялтироқлиги аллақачон тушиб кетган ва у энди ўзининг тўқ қизил бўйинбоғини унинг ишқаланиб кетган жойини кўринмайдиган қилиб боғлаш учун кўзгу олдида ўн беш дақиқача турса ҳам, у берган сўзига ва ўз Моллисига содиқ эди.

Бир куни кечқурун у Моллининг олдига қўлтиғига қистириб олган сирли бир тугунча билан келди.

– Қани, Молли, очиб қарагинчи! – бепарвогина деди у ҳотамтойлик билан. – Бу сенга.

Сабрсиз бармоқчалар қоғоз ўрамини сабрсизларча йиртиб очди. Молли қаттиқ қичқириб юборди ва хонага кичкина Мак-Киверларнинг бир тўдаси, уларнинг изидан эса Момо Ҳавонинг ҳақиқий қизидек Мак-Кивернинг онаси кириб келишди. Кампир ўзининг ифлос идишлар солинган тоғора олдида бирор лаҳза ортиқча ушланиб қолишига йўл қўймади.

Молли яна қичқириб юборди ва ҳавода қорамтир, узун ва тўлқинсимон нимадир лип этди-да, унинг елкаларини конструктор-мўйна шарфдек ўради.

– Рус сувсарлари, – деди мағрурлик билан Кичкинтой аёлнинг юмшоқ мўйнага босилган думалоқ ёноқларига завқланиб қараркан. – Биринчи навли мол. Очиғини айтганда, бутун Россияни ағдар-тўнтар қилганда ҳам, менинг Моллим учун ҳаддан ташқари яхши бўлган ҳеч нарсани топиб бўлмайди.

Молли муфтасига қўлини тикди ва йўлида Мак-Киверлар авлодидан икки-уч зумрашани қулатиб, кўзгу томон отилди.

Кичкинтой билан ёлғиз қолгач, Молли қувончининг жўшқин оқимига совуққон онгининг муз бўлакчаси ёриб кирганини сезди.

– Сен ҳақиқий олтинсан, Кичкинтой! – деди у шукроналик билан. – Мен ҳаётимда ҳали мўйна киймаган эдим. Аммо рус сувсарлари ҳаддан ташқари қиммат нарса бўлса керак? Эсимда бор, кимдир менга шундай деганди.

– Наҳотки, сенга бирор марта арзон-гаров бирор нарса олиб келганимни сезган бўлсанг, Молли? – хотиржам ва мағрур сўради Кичкинтой. – Наҳотки, сен менинг сотилмай қолган маҳсулотлар қўйилган пештахталар ва ё бўлмаса, «исталган нарса ўн цент» пешойнаси атрофида ўралашиб юрганимни кўрган бўлсанг? Бу шарф икки юз эллик доллар, муфта эса бир юз етмиш беш доллар туради, деб фараз қил. Шунда сен рус сувсарларининг қиймати ҳақида бироз тасаввурга эга бўласан. Яхши нарсаларга ўчман. Жин урсин, бу мўйналар сенга жуда ярашди, Молли!

Молли қувонч ва ҳаяжондан порлаганича муфтани кўксига босди. Аммо аста-секин табассуми юзидан ўчди. У синовчан ва ғамгин нигоҳ билан Кичкинтойнинг кўзларига қаради.

Кичкинтой унинг ҳар бир қарашини тушунишга аллақачон ўрганганди, у кулиб юборди ва унинг ёноқлари пушти рангга кирди.

– Бу фикрни бошингдан чиқариб ташла, – тўнғиллади у қўпол эркалаш билан. – Мен сенга ўтмиш билан алоқа узилди, деб айтганман-ку, ахир. Мен бу мўйнани сотиб олдим ва унинг ҳақини ўз чўнтагимдан тўладим.

– Ўз маошингданми, Кичкинтой? – Бир ойда оладиган етмиш беш доллардан-а?

– Ҳа-да! Мен йиғиб юргандим.

– Йиғиб юргандинг? Тўхта, бу қанақаси бўлди? Саккиз ой ичида тўрт юз йигирма доллар...

– Оббо, ҳисоб-китоб қилишингни йиғиштирсангчи? – ортиқча қизиққонлик билан хитоб қилди

Кичкинтой. – Мен ишга кирганимда, менда ҳали баъзи нарсалар қолган эди. Сен мени яна улар билан алоқа боғлаган, деб ўйлаяпсанми? Аммо мен сенга бу ишга чек қўйдим, деб айтдимку, ахир. Мен мўйнани ҳалол пулга сотиб олдим, тушунарлими? Уни кийиб ол, кейин сайр қилиб келамиз.

Молли ўз шубҳаларини тарқатишга ҳаракат қилди. Мўйналар уни чалғитар ва тинчлантирарди. У кўчада Кичкинтойни қўлтиқлаб олганича, қироличадек мағрур қадам ташлаб борарди. Бу ерда яшовчилар ҳақиқий рус сувсарларини ҳали кўрмаган эдилар. Улар ҳақидаги хабар бир зумдаёқ бутун кварталга тарқалди ва бу ердаги ҳамма дераза ва эшиклардан гўё бошлар «ўсиб» чиқди. Кичкинтой Брэди ўз жононига тақдим этган ажойиб сувсар мўйнани кўришни ҳамма истарди. Кўча бўйлаб «Оҳ!» «Воҳ!» лар тарқалар ва сувсарлар учун тўланган мисли кўрилмаган миқдордаги ҳақ оғиздан оғизга ўтиб борар, тўхтовсиз ошиб борарди. Кўринишига валиаҳд шаҳзода тусини бериб олган Кичкинтой Моллининг ўнг томонида борарди. Ўз меҳнати билан яшаш уни биринчи навли ва қимматбаҳо нарсаларга ишқибозликдан даволамаган эди ва у аввалгидек кўзбўямачилик қилишни яхши кўрарди.

Кўчанинг бурчагида костюмлари бенуқсон бир гуруҳ ёш йигитлар вақтларини ёқимли бекорчилик билан ўтказаётган эдилар. «Тутунли мўри» тўдаси аъзоси Кичкинтойнинг жонони ҳурматига шляпаларини кўтариб қўйдилар ва эркин суҳбатларини давом эттирдилар.

Шов-шув уйғотаётган жуфтликдан сал нарироқда полиция бошқармасининг изқувари Рэнсом пайдо бўлди. У «Тутунли мўри» ҳудудида жазога

тортилмасдан сайр қилиб юриши мумкин бўлган ягона изқувар эди. У қўрқоқ эмасди, адолат бўйича иш юритишга интиларди ва эслатилган кварталларда бўлар экан, уларда яшовчилар ҳам, худди бошқа одамлардек эканига шубҳа қилмасди. Кўпчилик Рэнсомни ёқтирар ва унга қаерга бориши кераклигини ҳам айтиб туришарди.

– Бурчакда қанақа безовталик бўлаяпти ўзи? – сўради Рэнсом қизил свитер кийиб олган рангпар йигитчадан.

– Ҳамма Кичкинтой Брэди суюклиси устига ташлаб қўйган бизон териларини томоша қилишга чиққан, – деди йигитча. – Улар учун у тўққиз юз доллар берган, дейишяпти. Ҳашаматли эканига гап йўқ.

– Мен Брэди эски ҳунарини ташлаганига бир йилча бўлди, деб эшитгандим? – ўсмоқчилади изқувар. – Энди тўда билан ош-қатиқ бўлмаяпти, шекилли?

– Ҳа, тўғри, у ишлаяпти, – тасдиқлади йигитча. – Қулоқ солинг, ошна, нима сувсарлар билан боғлиқ ишларни кўриш сизнинг ваколатингиз доирасига кирмайдими? Ҳолбуки, Кичкинтойнинг жонончаси терисини устига ташлаб олган ҳайвонларни пайвандлаш устахонасидан ушлолмайсиз...

Рэнсом сайр қилиб юрган жуфтликни дарё бўйидаги кимсасиз кўчада қувиб етди. У Кичктинтойнинг тирсагига қўлини теккизди.

– Икки оғиз гапим бор, Брэди, – деди у хотиржамлик билан.

Унинг нигоҳи Моллининг елкасидан чиройли бўлиб осилиб тушиб турган узун майин мўйна бўйлаб сирғалиб ўтди. Изқуварни кўриши билан Кичкинтойнинг юзи полицияга бўлган эски нафратидан қорайиб кетди. Улар четкага чиқишди.

– Сен кеча Хезкоут хонимнинг уйида, Ғарбий Етмиш иккинчи кўчада бўлганмидинг? Сув қувурини тузатганмидинг?

– Бўлган эдим, – деди Кичкинтой. – Хўш нима бўпти?

– Нархи минг доллар бўлган рус сувсарлари у ердан сен билан бирга ғойиб бўлибди. Тасвирланишига кўра у қизингни безаб турган мана шу мўйналарга жуда ўхшайди.

– Бекорларни айтибсан, бекорларни айтибсан, – жаҳл билан деди Кичкинтой. – Ўзинг биласан, Рэнсом, мен бунга барҳам берганман. Мен бу мўйналарни кеча сотиб олдим...

Кичкинтой гапни охирига етказмасдан, бирдан тўхтаб қолди.

– Мен биламан, сен кейинги вақтларда ҳалол ишладинг, – деди Рэнсом. – Мен сен учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан. Агар сен, ҳақиқатан ҳам, бу мўйналарни сотиб олган бўлсанг, юр, ўша дўконга бирга борамиз ва мен ҳамма маълумотларни ўша ердан суриштириб билиб оламан. Қиз ҳам биз билан бирга бориши ва ҳозирча сувсарларни ечмаслиги мумкин. Биз бу ишларнинг ҳаммасини гувоҳларсиз қиламиз. Шундай йўл тутсак, тўғри бўлади, Брэди.

– Кетдик! – жаҳл билан деди Кичкинтой. Кейин бирдан тўхтади. Қандайдир ғалати, қийшиқ табассум билан Моллининг ғашланган, чўчиган чеҳрасига қаради.

– Булардан ҳеч қандай фойда чиқмайди, – деди у қовоқларини уюб. – Бу ўша кампирнинг сувсарлари. Сен уни қайтариб беришингга тўғри келади, Молли. Аммо унинг баҳоси миллион доллар бўлганида ҳам, улар сен учун етарли даражада яхши эмас.

– Оҳ, Кичкинтой, Кичкинтой, сен менинг қалбимни парчаладинг, – инграб юборди қиз. –

Мен сен билан шундай фахрланардим... Энди эса улар сени қамаб қўйишади ва бизнинг бахтимиз яксон бўлади!

– Уйга жўна! – бақирди Кичкинтой ўзини йўқотгудек бўлиб. – Юр, Рэнсом. Мўйнани ҳам ол. Кетдик, нимага жойингда қотиб қолдинг? Йўқ, худо ҳаққи, мени... Уйга югур, Молли. Кетдик, Рэнсом.

Ўтин омборининг бурчагидан дарёга ёндашган ҳудудни айланиб ўтаётган полициячи Коуннинг гавдаси кўринди. Изқувар уни ўзи томонга имлади. Коун яқин келди ва Рэнсом унга гап нимадалигини тушунтирди.

– Ҳа, ҳа, – деди Коун, – Мен сувсар ҳақида эшитгандим. Сен уларни топдингми?

Коун сувсар шарфнинг – Моллининг собиқ мулкининг – учини кафтида кўтарди ва диққат билан унга қаради.

– Қачонлардир мен Олтинчи авенюдаги дўконда сувсарлар билан савдо қилганман, – деди у. – Ҳа, ҳақиқатан ҳам, бу сувсарлар. У Аляскадан келтирилган. Шарф ўн икки доллар туради, муфта эса...

Пақ! Кичкинтой қаттиқ мушти билан полициячининг оғзини муҳрлаб қўйди. Коун чайқалиб кетди, аммо мувозанатини сақлаб қолди. Молли чинқириб юборди. Изқувар Кичкинтойга ташланди ва Коуннинг кўмагида унга кишан тақди.

– Бу шарф ўн икки доллар, муфта эса тўққиз доллар туради, – ўзиникидан чекинмасди полициячи. – Нима учун сизлар бу ерда рус сувсарлари ҳақида гап сотиб турибсизлар?

Кичкинтой тўсинлар уюми устига чўкди ва унинг юзи аста-секин қизарди.

– Тўғри айтдинг, маҳмадона, – деди у полициячига нафрат билан тикиларкан. – Мен бу мўйналар учун

йигмирма бир доллару эллик цент тўладим. Мен, олифта йигит, арзон нарсалардан нафратланувчи Кичкинтой, шунча тўладим! Менга буни тан олишдан кўра олти ой қамоқда ўтириб чиқиш енгилроқ эди. Ҳа, Молли, мен бор-йўғи мақтанчоқман, холос. Мен ўз иш ҳақимга рус сувсарларини сотиб ололмайман.

Молли унинг бўйнига ташланди.

– Менга ҳеч қанақа пул ҳам, сувсарлар ҳам керак эмас! – хитоб қилди у. – Менга дунёда ўзимнинг Кичкинтойимдан бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Эҳ, сен аҳмоқ, аҳмоқ, худди курка товуқдек бефаҳм, эси паст мақтанчоқ!

– Ундан кишанларни еч, – деди Коун изқуварга. – Ўша қари хоним ўз сувсарларини топгани ҳақида полиция участкасига телефон қилишди. Мўйналар шкафида осилганича турган экан. Йигитча, менинг юзимга нисбатан кўрсатган ҳурматсизлигингизни бу галча кечираман.

Рэнсом Моллига унинг мўйналарини узатди. Порлаб турган нигоҳларини Кичкинтойдан узмаган қиз герцогиняларга муносиб бўлган латофатли ҳаракат билан шарфининг бир учини елкасидан ошириб, бўйнига ташлади.

– Бир жуфт ёш тентакларку булар, – деди Коун изқуварга. – Кетдик бу ердан.

ПИАНИНО

Мен қўйчилик фермасида тунаб қолдим. У Раш Киннига қарашли бўлиб, Нуэсес дарёсининг Қумли бурилиши ёнида жойлашганди. Мен унинг отлар боғлаб қўйиладиган қозиқлари олдига келиб, «Алло» демагунимча, жаноб Кинни ва мен бир-биримизни умуман кўрмаган эдик. Аммо ўша дақиқадан бошлаб, то мен эртаси куни эрталаб жўнаб кетгунимгача, биз Техас кодексига кўра яқин дўстларга айланиб бўлган эдик.

Кечки овқатдан сўнг биз ферма хўжайини билан стулларимизни икки хонали уйдан томи чапарал ва саквиста билан ёпилган, поли тупроқдан бўлган галереяга чиқариб олдик. Стулларнинг орқа оёқлари зичланган тупроққа чуқур ботиб кетди, биз эса қайрағочдан қилинган устунларга суянганимизча, эльтор тамакисидан чекиб, коинотнинг бошқа қисмларидаги ишларни дўстона муҳокама қилардик.

Дашт (прерия)да ўтадиган оқшомларнинг мафтун этувчи жозибасини бировга ҳикоя қилиб бериш, тушунтиришга уриниш – бефойда юмуш. Техаснинг эрта баҳордаги тунини тасвирлашга уринувчи одамни жуда дадил ва ҳаддан ташқари жасур деб ҳисоблаш мумкин.

Ферма ётиқ қияликнинг тепасида жойлашганди. Жарликлар, буталар ҳамда кактуслардан иборат қора доғлар чек-чегараси йўқ дашт тубида бизни худди чўкиндидек ётган финжоннинг деворларидек

ўраб олган эди. Озонга ва ёввойи ўтларнинг ифорига тўйинган ажойиб ҳаво оғизда ёқимли таъм қолдирарди. Осмон устимизни феруза қопқоқ билан ёпиб қўйганди. Кўкни прожекторнинг катта, думалоқ, эркаловчи нури ёритиб турарди ва биз бу ой эмас, ёзнинг ювош бўлиб қолган баҳорни шимолга қувиб юбориш учун келган хира фонуси эканлигини билардик. Яқинимиздаги қўтонда бир пода қўй қимирламай ётар, фақат онда-сондагина улар ҳеч қандай сабабсиз безовталанишиб, бир тўда бўлиб тўпланиб олишарди. Бошқа товушлар ҳам эшитиларди: америка бўрилари – койотларнинг чийилдоқ оиласи қўйларнинг жуни олинадиган отар (қўтон)лар кетидан увиллар ва тентаккушлар баланд ўсган ўтлар орқасидан қичқирардилар. Аммо бу уйғунсизликлар тақлид қилиб сайровчи қораялоқларнинг яқин атрофдаги буталар ва дарахтлардан оқиб келаётган ноталарининг янгроқ оқимини босиб кетолмасди. Оёқ учида турганча юлдузларни қўл билан ушлаб олгиси келарди кишининг. Юлдузлар эса жуда ёрқин ва ҳароратларини сезиш мумкин даражада яқин эдилар.

Жаноб Киннинниг хотини – ёш ва чаққон аёлни уйда қолдирдик. Уни уйдаги мажбуриятлари ушлаб қолди. Кузатишимча, аёл уларни қувноқ ва мағрур босиқлик билан бажонидил бажарарди.

Хоналардан бирида биз кечки овқатни тановул қилардик. Кўп ўтмай галереяга кутилмаган ёрқин ва ажойиб мусиқа тўлқинлари ёриб кирди. Санъат ҳақидаги фикрлаш даражамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, шовқинли фантазияни талқин қилаётган бу одам клавиатуранинг ҳамма сирларини маҳорат билан эгаллаганлиги билиниб турар ва бу унга шуҳрат келтириши шубҳасиз эди... Пианино, бунинг устига уни бунчалик санъаткорона чалиш,

бу кичкина ва кўримсизгина фермага унчалик мос келмасди. Менинг таажжубим юзимдан аниқ сезилган бўлса керак, чунки Раш Кенни жанубликлар қандай кулса, шундай қилиб, секин кулиб қўйди ва бизнинг сигареталаримиздан чиққан ва ой ёритиб турган тутун орасидан менга бош ирғаб қўйди.

– Қўйлар боқиладиган фермада бундай ёқимли шовқинни тез-тез эшитавермайсиз, – таъкидлади у. – Аммо мен, агар бирдан мана шундай чекка жойга тушиб қолганда, нима учун бундай фиоритуралар билан шуғулланмаслик кераклиги сабабларини кўрмаяпман. Бу ерда аёл учун ҳаёт жуда зерикарли, агар уни озгина мусиқа билан безаш мумкин бўлса, нима учун бунга интилмаслик керак экан?

– Доно ва олижаноб назария, – маъқулладим мен. – Кинни хоним эса яхши чаларкан. Мен мусиқа фанини ўрганмаганман, аммо барибир шуни айтишим керакки, аёлингиз моҳир ижрочи экан. Унда ижро техникаси ва фавқулодда куч борлиги сезилиб турибди.

Ой эса жуда ёрқин нур сочар ва мен жаноб Кеннининг юзида мамнунлик ва эътибор жамланганлиги ифодасини кўрдим. У ўзини ҳаяжонга солаётган нима биландир ўртоқлашмоқчидек туюларди.

– Сиз «Икки қайрағоч» чорраҳасидан ўтгансиз, – деди у гапни узоқдан бошлаб. – Ўша жойда, чап томонда, дарахт тагида ташландиқ уйга кўзингиз тушган бўлса керак?

– Кўзим тушгандек бўлувди, – дедим мен. – Унинг атрофида тўнғизлар ҳамма ёқни кавлаб юришганди. Қўра ёғочларининг синиб ётганлигидан у ерда ҳеч ким яшамаслиги кўриниб турарди.

– Худди ўша ерда бу мусиқий саргузашт бошланган эди, – деди жаноб Кенни. – Нимаям дердим, чекиб олгунимизча, сизга уни ҳикоя қилиб

бера қолай. Айнан ўша жойда қари Кэл Адамс яшарди. Унда зоти яхшиланган меринос қўйларидан саккиз юзга яқини ва қизи – тоза шойи ва худди ўттиз долларлик отдаги янги югандек, қизи бор эди. Ўз-ўзидан маълумки, гарчи кечиришга лойиқ бўлсам ҳам мен қўйларнинг юнгини қирқиш ва қўзичоқларни парваришлашни уддалаб, орттириб қолган вақтимнинг ҳаммасини қари Кэлнинг ранчоси ёнида қаққайиб туриб ўтказганим учун айбдорман. Қизнинг исми Марилла хоним эди. Мен арифметиканинг қўшалоқлик қонунига кўра бу қиз Р. Кенни, сквайрга тегишли бўлган ва сиз ҳозир шу ерда кутилган, исталган ва ҳурматли меҳмон сифатида турган Лолито ранчосининг бекаси бўлиш тақдир қилиб битилганлигини ҳисоблаб чиқардим.

Сизга шуни айтишим керакки, қари Кэл кўпчилик орасида ҳеч нарсаси, ҳатто ҳеч қандай ютуғи билан ҳам ажралиб турмасди. У кичкина, букчайган, милтиқнинг ғилофидан баланд бўлмаган бўйли, сийрак оқ соқолли ва жудаям эзма чол эди.

Қари Кэл ўзи танлаган касбда шу даражада ҳурматсиз ва арзимас эдики, ҳатто молжаллоблар ҳам ундан нафратланмасдилар. Ҳолбуки, қўйчилик мутахассиси чорвадорларнинг адоватини қозониш даражасига кўтарилишга қодир бўлмаса, у ўлганида, ҳеч ким унинг учун кўз ёш тўкмаслиги ва мурдасини дуо ўқимасдан кўмишлари учун ҳамма имконга эга бўлади.

Бироқ унинг Мариллаcи, унга тушган кўзлар учун таърифига тил ожиз қувонч ва қўлидан келмайдиган иш йўқ яхши бека эди. Мен уларнинг энг яқин қўшниси эдим ва айрим вақтлари «Икки қайрағоч»га ҳафтасига тўққиз мартадан ўн олти мартагача, гоҳ янги ажратиб олинган ёғ билан, гоҳида буғунинг дудланган сон гўшти, гоҳида

эса, қўйларни ювишда ишлатиладиган янги навли кукун билан борардим. Ишқилиб, Мариллани кўриб келиш учун баҳона бўлса бас эди. Биз бир-биримизга жуда ёқиб қолдик ва мен ундан ажралмаслигимга ҳамда Лолитога олиб келишимга мутлақо амин эдим. Фақат у отасига меҳр туйғулари билан шундай қаттиқ боғланган эдики, мен уни жиддий нарсалар ҳақида гаплашиб олишга ҳеч мажбур қила олмасдим.

Сиз, қари Кэлга ўхшаган, шунча билими бору, мияси йўқ одамни ҳаётингизда ҳеч учратганмисиз? У олимликни ташкил қилувчи билимларнинг ҳамма соҳасидан хабардор эди. Таълимот ва назарияларнинг асосларини жуда чуқур биларди. Уни турли йўналишлар ҳақидаги янги ғоялар билан ажаблантириш мумкин эмасди. Об-ҳаво, сиёсат, кимё, табиат тарихи, турларнинг келиб чиқиши фанларининг профессори, деб ўйлаш мумкин эди. Сиз у билан қайси мавзуда гаплашманг, қари Кэл исталган нарсанинг юнонча илдизидан бошлаб, унинг етилиши ва бозорда сотилиши дақиқасигача бўлган таърифини бера оларди.

Бир куни кузги юнг қирқимидан сўнг, мен Марилла учун аёллар модалари журнали ва қария Кэл учун илмий газета олдим-да, «Икки қарағай»га келдим.

Отимни мескит бутасига боғлаётгандим, гапириб беришга сабри чидамаётган қандайдир янгиликлардан ўлардай хурсанд Марилла уйдан учиб чиқди.

– Оҳ, Раш! – деди у ҳурмат ва миннатдорликдан ёнган қўйи. – Ўйлаб кўргин-а, отам менга пианино олиб бермоқчи. Ахир бу мўъжиза эмасми?! Мен пианинога эга бўламан, деб ҳатто орзу ҳам қилмаган эдим.

– Жудаям яхши, – дедим мен. – Пианинонинг ёқимли сайраши мени доимо ҳайратга солган. Сенга

эса у дугоналаринг ўрнида бўлади. Кэл амакига балли, жуда яхши ўйлади.

– Мен нимани танлашни билмаяпман, – деди Марилла. – Пианино олсаммикан ёки органми? Хонада чалишга мўлжалланган орган ҳам ёмон эмас.

– Унисиям, бунисиям, – дедим мен, – қўйчилик ранчосидаги сукунатни юмшатиш учун биринчи даражали нарса. Менга қолса, – дедим мен, – кечқурун уйга келганимда вальс ҳамда жигалардан бироз тинглашдан ва пианино олдидаги стулда айнан сенинг кўринишингга эга бўлган кимнингдир ўтириб олиб, ноталарни қайта ишлаганича чалаётганини кўришдан бошқа ҳеч қандай яхши нарсани истамас эдим.

– Оҳ, бу ҳақда гапирмай тур, – деди Марилла, – уйга кир. Бугун дадам ҳеч қаерга бормади. Унинг бироз тоби йўқ.

Қари Кэл ўз хонасида каравотда ётарди. Чол қаттиқ шамоллаганди ва тинмай йўталарди. Мен кечки овқатга қолдим.

– Сиз Мариллага пианино олиб бермоқчилигингизни эшитдим, – дедим мен унга.

– Ҳа, Раш, шунақароқ иш қилмоқчиман, – деди у. – У анчадан бери мусиқа чалишни қўмсаб юрибди. Айнан ҳозир унинг учун бу борада бирор нарса қилиб беришим мумкин. Бу кузда қўйларнинг ҳар биридан, ўртача ҳисоблаганда, саккиз фунтдан жун қирқиб олдик ва мен Марилла учун мусиқа асбобини, агар бунинг учун даромаднинг ҳаммаси кетадиган бўлса ҳам, сотиб олишга қарор қилдим.

– Тўғри! – дедим мен. – Қизингиз бунга лойиқ.

– Мен жун ортилган охирги аравада Сан-Антониога жўнамоқчиман, – деди Кэл амаки, – ўша ерда унга мусиқа асбобини танлайман.

– Бундан кўра, – таклиф киритдим мен, – Мариллани ўзингиз билан бирга олиб борсангиз, у мусиқа асбобини ўз дидига кўра танлаб олгани яхшироқ эмасмикан?

Мен бундай таклифдан кейин Кэл амакини тўхтатиб бўлмаслигини билишим керак эди. Ҳамма нарса ҳақида ҳаммасини биладиган ундай одам менинг таклифимни ўз билимларини камситиш сифатида қабул қилди.

– Йўқ, жаноб, бунақаси кетмайди, – деди у оппоқ соқолчасини тутамлар экан. – Бутун дунёда мусиқий асбобларни мендан яхшироқ биладиган одам йўқ. Менинг рояллар ишлаб чиқарувчи фабриканинг компаньони бўлган бир амаким бор эди ва мен минглаб роялларнинг қандай йиққанларини кўрганман. Мен органдан тортиб то ҳуштаккача бўлган ҳамма мусиқий асбобларни биламан. Дунёда менга исталган мусиқа асбоби бўйича – уни пуфлашадими, уришадими, тирнашадими, айлантиришадими, чимчилашадими ёки калит билан бурашадими, қандайдир янгилик айта олиши мумкин бўлган одам йўқ.

– Хоҳлаган асбобингизни ола қолинг, дада, – деди Марилла, қувончидан бир жойда туролмай, ҳадеб айланаверар экан. – Ким-киму, аммо сиз танлашни қотирасиз. Майли, пианино бўла қолсин ёки орган, ё бўлмаса яна нимадир.

– Мен бир гал Сент-Луисда оркестрион деган нарсани кўргандим, – деди Кэл амаки. – Менимча, у мусиқа соҳасидаги энг ажойиб кашфиёт. Аммо уйда унинг учун жой йўқ. Баҳосиям, ўйлашимча, минг доллар бўлса керак. Мен Мариллага пианинога ўхшаш нарса тўғри келади, деб ҳисоблайман. У Бэрдстейлда икки йил пианино чалиш бўйича дарс олган. Йўқ, мусиқа асбобини сотиб олишни

ўзимгагина ишонишим мумкин, бошқа ҳеч кимга эмас. Мен шундоқ деб ўйлайман, агар қўйларни кўпайтириш билан шуғулланмаганимда, мен дунёдаги энг яхши бастакор ёки рояллар фабрикаси эгаларидан бири бўлардим.

Кэл амаки ана шунақа эди. Аммо мен унинг бундай ҳурмача қилиқларига чидардим. Чунки у Марилллага жудаям ғамхўрлик қиларди. Қиз ҳам отасига ундан кам меҳрибонлик қилмасди. Кэл қизни, гарчи бунинг харажатларини қоплаш учун охирги фунт жуннинг ҳақи кетганда ҳам, икки йилга Бэрдстейлга пианино чалишни ўрганишга юборганди.

Ёдимда, сешанба куни Кэл амаки Сан-Антониога жун ортилган охирги арава билан жўнади. У бу ерда йўқлигида Бэрдстейлдан Марилланинг амакиси Бен келди ва ранчога жойлашди. Ранчодан Сан-Антониогача тўқсон миля ва энг яқин темир йўл бекатигача эса қирқ миля эди. Шунинг учун Кэл амаки тўрт кунча ранчода бўлмади. У бир куни кечки пайт, қуёш ботишидан олдин аравада уйга етиб келганида, мен «Икки қарағай»да эдим. Аравадан нимадир – пианиноми ёки органми чиқиб турарди. Биз буни аниқлолмадик – ҳамма нарса жундан бўшаган қоплар билан ўралган ва ёмғир ёғиб қолиши эҳтимоли ҳисобга олиниб, устидан брезент ташлаб қўйилган эди. Марилла югуриб чиқди ва «Оҳ, оҳ!» деб қичқирди. Унинг кўзлари ялтирар, сочлари шамолда ҳилпирарди. «Дадажон... Дадажон, – дея ашула айтарди у. – Сиз уни олиб келдингизми? Олиб келдингизми?» У эса шундоққина унинг кўзи олдида турарди. Аммо аёллар ўзларини бундай пайтларда бошқача тутолмайдилар.

– Бутун Сан-Антониодаги энг яхши пианино, – деди Кэл амаки қўлларини силкитар экан. –

Ҳақиқий пушти дарахтдан ишланган. Бўлиши мумкин бўлган энг яхши, энг баланд оҳанг. Мен уни дўкон хўжайини қандай чалганини кўрдим ва савдолашмасдан сотиб олдим. Накд пул билан ҳисоб-китоб қилдим.

Мен, Бен, Кэл амаки ва мексикалик бир йигит уни аравадан тушириб, уй ичига олиб кирдик ва бурчакка ўрнатдик. У тик турувчи, унча оғир ҳам, унча катта ҳам бўлмаган асбоб эди. Кейин эса Кэл амаки ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, полга шалоп этиб қулади-ю, касал бўлиб қолди. Унинг иссиғи баланд эди ва у аъзойи бадани зирқираб оғриётганидан шикоят қила бошлади. У тўшакка ётгач, биз Бен билан бирга отларни аравадан чиқариб, яйловга қўйиб юбордик. Марилла эса Кэл амаки учун шошганча иссиқ нарса тайёрларди. Аммо у аввал икки қўлини пианинонинг клавишларига қўйди ва уни худди Рождествода ўйинчоқ совғалар олган бола каби латиф табассум қилганича қучоқлаб олди. Мен яйловдан қайтганимда, Марилла пианино турган хонада эди. Полда ётган қоплар ва арқонларга қараганда, унинг пианинони очиб кўргани билиниб турарди. Аммо у пианинонинг устига яна брезентини тортаётган ва унинг қони қочиб турган юзида қандайдир тантанавор ифода бор эди.

– Нима, Марилла, сен мусиқанинг устини яна ўраб қўйяпсанми? – сўрадим мен. – Қани, унинг эгар остида қандай юришини кўриш учун бир жуфтгина куй чалиб бер.

– Фақат бугун эмас, Раш, – деди у. – Мен чала олмайман. Дадам касал бўлиб қолди. Ўзинг бир ўйлаб кўр, Раш, дадам бунинг учун уч юз доллар – жун учун олган даромадининг деярли учдан бир қисмини тўлаган.

– Хўш, нима бўпти? Сен ҳар қандай учдан бир қисмдан, у ниманинг қисми бўлишидан қатъи назар, қимматроқсан. Кейин эса мен Кэл амаки клавишларнинг енгил тарақлашини эшитишни истамайдиган даражада касал, деб ўйламайман.

– Бугун эмас, Раш, – Марилла бу гапни шундай оҳангда айтдики, у билан баҳслашиш бефойда экани аниқ эди.

Касаллик Кэл амакини қаттиқ исканжага олган, унинг аҳволи ёмонлашганидан Бен отни эгарлаб, Бэрдстейлга, шифокор Симпсонни олиб келишга жўнади. Бирор нарса керак бўлиб қолса, ҳал қиларман, деган фикрда мен фермада қолдим.

Кэл амакининг аҳволи сал енгиллашгач, у ёнига Мариллани чақирди ва деди:

– Сен мусиқа асбобини кўрдингми, азизам? Қалай, сенга ёқадими?

– У жудаям ажойиб, отажон, – деди қиз унинг ёстиғига эгиларкан. – Мен бундай ғаройиб асбобни ҳеч қачон кўрмаганман. Сиз шундоқ яхши ва меҳрибонлигингиздан уни менга олиб бердингиз.

– Мен сен уни чалганингни эшитганим йўқ, – деди Кэл амаки. – Аммо қулоқ тутиб ётдим. Биқиним ҳозир мени унчалик безовта қилмаяпти. Балки қандайдир куй чалиб берарсан, Марилла?

Аммо қиз Кэл амакини бошқа нарсаларга чалғитиб, уни ёш боладек тинчлантирди. Афтидан, у ҳозирча пианинога қўл теккизмасликка аҳд қилганди.

Доктор Симпсон келди ва Кэл амакининг ўпкаси қаттиқ шамоллагани ва касаллик энг оғир босқичда эканлигини айтди; чол олтмишдан ошган ва анча бурун қувватдан кета бошлаган, шунинг учун ҳамма нарса энди унинг майсаларни босиб, сайр этолмаслигидан далолат бериб турарди.

Тўртинчи куни у яна Мариллани олдига чақирди ва пианинодан гап очди. Беморнинг ёнида шифокор Симпсон, Бен ва Бен хонимлар ҳам бор ва уларнинг ҳар бири унга қўлидан келганча ғамхўрлик қилаётган эди.

– Мусиқа соҳасида шуғулланганимда менинг ишларим жуда зўр кетган бўларди, – деди Кэл амаки. – Мен Сан-Антониода пулга топиш мумкин бўлган мусиқий асбобларнинг энг яхшисини танлаб олдим. Пианино ҳамма томондан жуда зўр, тўғрими, Марилла?

– У комилликнинг ўзгинаси, дадажон, – деди қиз унга. – Мен умримда бундай ажойиб оҳангни эшитмагандим. Сиз бироз ухлаб олганингиз яхшимиди, дадажон?

– Йўқ, йўқ, – деди Кэл амаки. – Мен пианинони эшитмоқчиман. Менимча, сен ҳали клавишларга қўлингни теккизмагансан. Сан-Антониога бориб, уни сен учун танладим. Пианинони олиш учун кузда қирқиб олинган жунлардан тушган даромаднинг учдан бир қисми кетди. Аммо мен пулларга ачинмайман. Ишқилиб, менинг суюкли қизим хурсанд бўлса, бўлди. Менга бирорта куй чалиб бер, Марилла.

Доктор Симпсон Мариллани имлаб чеккага чақирди ва қарияни тинчлантириш учун унинг илтимосини бажаришни сўради. Бен амаки ва унинг рафиқаси ҳам қиздан шуни илтимос қилишди.

– Бир-иккита қўшиқни овозни бузувчи тепкини босиб, чалиб бера қолсанг бўлмайдими? – сўрадим мен Марилладан. – Кэл амаки сендан буни неча марта илтимос қилди-ку, ахир. Унга сен учун сотиб олиб берган пианинонинг клавишларини санашингни эшитиш жуда ёқимли бўлади. Ҳақиқатан ҳам, нима учун чалиб бермаслигинг керак, ахир?

Аммо Марилла бир жойда туриб олганича сукут сақлар ва фақат кўзларидан шашқатор ёш қуйиларди. Кейин эса у қўлларини Кэл амакининг бўйни тагидан ўтказганча, уни қаттиқ кучоқлаб олди.

– Ҳа, отажон! – эшитилди қизнинг овози, – мен кеча кечқурун жуда кўп куй чалдим. Чин сўзим ...мен уни чалдим. У шундай ажойиб асбобки, унинг менга қай даражада ёқишини сиз ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз. Кеча оқшом мен «Мураббия Денди», «Сендон», «Мовий Дунай» ва жуда кўп бошқа мусиқаларни чалдим. Сиз уларни қандай чалганимни озгина бўлса ҳам эшитган бўлсангиз керак, сиз уларни эшитдингиз-а, дадажон? Мен сиз касал ётганингизда қаттиқроқ чалмагандим.

– Эҳтимол, эҳтимол, – деди Кэл амаки, – мен, балки эшитгандирман. Эҳтимол эшитгандирману, эсимдан чиқариб қўйгандирман. Бошимнинг кейинги пайт аҳмоқникидан фарқи бўлмай қолди, ўзи. Мен унда дўкон хўжайини ажойиб мусиқа чалганини эшитдим. У сенга ёққанидан жудаям хурсандман, Марилла. Ҳа, майли, агар сен ёнимда бўлсанг, бироз ухлаб олганим бўлсин.

Ҳа, Марилла менга жуда қийин топишмоқни кўндаланг қилди. У отасини росаям ардоқларди-ю, аммо ўзига атаб сотиб олинган пианинодан бирорта нотани чалишни истамай қолганини тушуниш қийин эди. У ўзи биринчи куниёқ ёпиб қўйган брезентини устидан туширмаган пианинони чалдим деб, отасига нима учун ёлғон гапираётганини тушуна олмадим. Мен унинг пианинода озгина бўлса ҳам чала олишини билардим. Чунки Чарко Ларго ранчосида бир куни унинг эски пианинода анча ёқимли бўлган рақс мусиқасини чалаётганини эшитгандим.

Зотилжам тахминан бирор ҳафталарда Кэл амакини тамом қилди. У Бэрдстейлга дафн этилди ва биз ҳаммамиз ўша ёққа жўнадик. Мен Мариллани ўз аравамда уйига олиб келдим. Унинг амакиси Бен рафиқаси билан бирга қизнинг ёнида яна бир неча кун қолишмоқчи эди.

Ўша кеча, ҳамма галереяда эканлигида, Марилла мени пианино турган хонага бошлаб борди.

– Бу ёққа кел, Раш, – деди у. – Мен сенга бир нарсани кўрсатаман.

У пианинонинг устидаги арқонни ечди ва брезентни олиб ташлади.

Агарда сиз отсиз эгарда юрган ёки ўқланмаган милтиқдан отган, ё бўлмаса, бўш шишадан сув ичган бўлсангиз, балки ўшанда сиз Кэл амаки сотиб олган мусиқа асбобидан, эҳтимол, опера мусиқасини чиқара олган бўлармидингиз. Бу пианино эмас, балки улар ёрдамида пианино чалиш учун ихтиро қилинган машиналардан бири эди. Ўз-ўзидан у флейтасиз флейта тешиклари каби мусиқий асбоб эди.

Кэл амаки мана шунақа мусиқа асбобини танлаган эди. Менинг рўпарамда отаси мусиқа чалиб беришни сўраганида, бу ҳақда бир оғиз ҳам таънали сўз айтмаган ва айтиш мумкин деб ўйлай ҳам олмайдиган меҳрибон, покиза қиз турарди.

– Сиз ҳозир тинглаган куйингиз эса, – деб ҳикоясига якун ясади жаноб Кинни, – ўша қўшимча мусиқий машинада ижро қилинди, фақат энди у биз никоҳдан ўтишимиз билан мен Мариллага олти юз долларга олиб берган пианинога қадаб қўйилган.

ҚОВОҚХОНА ВА АТИРГУЛ

Леди Кэрингтон хоним ҳақли равишда шуҳрат қозонганди. Унинг ҳаёти деярли ҳеч нарсани ваъда қилмайдиган Богс фамилияси остида Кронбери Корнерс қишлоқчасида бошланганди. Ўн саккиз ёшида у Кэрингтон фамилиясини ҳамда пойтахтдаги олифтагарчилик ва майнавозчилик театрида хор аъзоси мавқеини қўлга киритди. Шундан сўнг у анча шов-шувга сабаб бўлган «Бемаънилик ва алдамчилар» мусиқий комедиясидаги машҳур «Қушча» октетида фигурант, қатнашчидан «Фоль де Роль»даги ҳашаротлар рақсида якка ижрогача ва ниҳоят, «Қиролнинг чўмилиш халати» опереттасидаги танқидчиларнинг хайрихоҳлигини қозонишига сабаб бўлган ва унинг муваффақиятини яратиб берган ролига қадар барча босқичларни босиб ўтди. Биз ҳикоя қилаётган вақтга келиб, Кэрингтон хоним шуҳрат, тилёғламалик ва шампан шароби денгизида чўмилиб юрганди. Узоқни кўра оладиган жаноб Тимоти Гольдштейн, антрепренер (театр хўжайини) Пози хоним кириб келаётган бутун мавсум давомида Дейд Ричнинг «Газ ёруғлигида» деб аталувчи янги пьесасида ўз маҳорати билан томошабинларнинг кўзларини қамаштиришига рози эканлигини билдирувчи нуфузли ҳужжатга чекилган имзони қўлга киритди.

Жаноб Гольдштейннинг ҳузурига асрнинг иқтидорли ёш ўғлони, характерли роллар ижрочиси,

«Газ ёруғлигида» пьесасидаги бош эркак персонажи Соль Хейтосер ролини олишни мўлжаллаб юрган жаноб Хайсмис зудлик билан кирди.

– Азизим, – деди унга Гольдштейн, – агар уни олиш қўлингиздан келса, олинг ўша ролни. Кэрингтон хоним, барибир, менга қулоқ солмайди. У ҳалитдан «қишлоқи анойилар» амплуасига энг яхши актёрлардан ўнга яқинини рад этди. Бунинг устига ҳақиқий Хейтосерни топмагунича, саҳнага қадам босмаслигини айтмоқда. Биласизми, шаҳардан олис ўлкада катта бўлган ва Бродвейдаги оранжереяда бўй чўзган ўсимлик, сочларига беш-олтита сомон тиқиб олиб, дала ўтини ифодалашга урина бошласа, Пози хоним жаҳлдан ўзини тутолмай қолади. Мен шунчаки ҳазил қилиб, бу ролга Ленман Томпсон тўғри келмайдими? – деб сўрадим. «Йўқ, – деди у, – на уни, на Жон Дрюни, на Жим Карбетни – ҳашаки шолғомни турникетдан ажрата олмайдиган бу олифталардан бирортасини ҳам бу ролда кўришни истамайман. Менга шерик бўлиб роль ўйнайдиган одам сохталикдан холи бўлиши керак». Мана шунақа, азизим. Соль Хейтосерни ўйнашни хоҳлайсизми? – Кэрингтон хонимни ишонтиришни уддаланг. Омад тилайман.

Эртаси куни Хайсмис эрталабданоқ Кронбери Корнерсга кетаётган эди. У ушбу хилват ва зерикарли жойда уч кун бўлди. У Богсларни қидириб топди ва уруғларининг учинчи, уни ҳам қўшиб санаганда, тўртинчи авлодигача қолдирмасдан ёдлаб олди. У Кронбери Корнерсда рўй берган воқеаларни маҳаллий ўзига хослиги (колорит)ни синчиклаб ўрганиб чиқди. Қишлоқ ривожланишда Керингтон хонимдан орқада қолиб кетаётган эди. Хайсмиснинг назарида у ерда Терпсихора маъбудасининг ягона коҳини жўнаб кетганидан сўнг, худди саҳнада

бўлганидек, «ўша вақтдан бери орадан тўрт йил ўтди», дейилган чоғдагидек, сезиларли ўзгаришлар жуда кам бўлганди. Кронбери Корнерснинг рангию муҳитига кириб олган Хайсмис буқаламунча ўзгаришлар шаҳрига қайтиб келди.

Ҳаммаси кичкина қовоқхонада содир бўлди. Айнан шу ерда Хайсмиснинг актёрлик маҳоратини ёрқин кўрсатишига тўғри келди. Ҳаракатлар жойини аниқлашга зарурат йўқ: сиз Пози Кэрингтон хонимни «Қиролнинг чўмилиш халати» спектаклидан сўнг учратишингиз мумкин бўлган фақат биттагина қовоқхона бор, холос.

Столлардан бирининг атрофида йиғилганларнинг нигоҳларини ўзига қаратган, унча катта бўлмаган давра ўтирарди. Нозиккина, дилкаш, мафтункор, мағрур, шуҳратидан завқланган Кэрингтон хоним биринчи бўлиб эслатилишга ҳақли. Ундан кейин кучли овозли, сочи жингалак, беўхшов, қандайдир мўъжиза туфайли капалакни ушлаб олган айиқдек, бироз безовта жаноб Гольдштейн. Кейингиси – ғамгин, доимо сергак, ўзига айтилган ҳар бир гапни матбуот учун ишлатилиши мумкин бўлган материалдек баҳоловчи ва а ля Ньюбург денгиз қисқичбақаларини улуғвор сукут билан ютаётган қандайдир матбуот ходими. Ва ниҳоят, ресторан ҳисоб варақчаларининг орқа томонида исми олтин каби ялтираётган, сочларининг фарқи очиб қўйилган ёш йигит. Улфатлар стол атрофида ўтиришар, мусиқачилар куй чалишар, ходимлар ўзларининг хизматлари зарур бўлган ҳамма одамларга елкаларини ўгириб олишиб, ўз вазифаларини бажаришар экан, столлар оралаб бўзчининг мокисидек бориб келишарди ва буларнинг ҳаммаси ёқимли ва сурурли эди. Чунки бу пиёдалар йўлагидан тўққиз фут пастда содир бўлаётганди.

Соат ўн бирдан қирқ беш дақиқа ўтганда, қовоқхонага аллақандай мавжудот кирди. Оркестрнинг биринчи скрипкаси ля ўрнига си бемоль нотасини олди; кларнет фиоритуранинг авжида мусиқанинг расвосини чиқариб қўйди; Кэрингтон хоним пишқириб юборди. Сочларининг фарқи очиқ йигит зайтуннинг данагини ютиб юборганиини пайқамай қолди..

Ҳозир кириб келган одамнинг кўриниши ҳайратланарли ва у бекаму-кўст қишлоқи эди. Озғин, беўхшов, лапашанг, майин сочли, оғзи очиқ, нур ва одамларнинг кўплигидан гангиб қолган ёш йигит эди у. Унинг эгнида ёнғоқ ёғи рангидаги костюм ва тўқ мовий рангли бўйинбоғ бор эди. Суякли қўллари енгларидан тўрт дюйм ташқарига чиқиб турар, шимининг балоғидан эса оқ пайпоқдаги тўпиқлар шунча узунликда кўриниб турардилар. У стулни ағдариб юбориб, бошқасига ўтирди. Стол оёқчаси атрофига оёқларини винтга ўхшатиб ўради ва ёнига келган ресторан хизматчисига хушомадгўёна илжайди:

– Менга имбир пивосидан бир стакан бўлса эди, – деди у официантнинг хушмуомалалик билан берган саволига жавобан.

Қовоқхонадагиларнинг нигоҳи янги келган йигитда эди .У янги узилган редискадек мусаффо (агар одам ҳақида шундай ўхшатишни ишлатиш мумкин бўлса) ва хаскашдек содда эди. Кўзларини бақрайтириб олганича, у худди картошка экилган қаторларга чўчқалар кириб қолмадимикан деб қараётгандек, ён атрофига назар сола бошлади. Ниҳоят, унинг кўзлари Кэрингтон хонимда тўхтади. У ўрнидан турди ва ёқимли ҳижолатдан қизариб, порлаб турган кенг табассум билан Кэрингтон хонимнинг столи томон юрди.

– Ишларингиз яхшими, Пози хоним? – деб сўради у ўзининг қаердан эканлигига шубҳа қолдирмайдиган лаҳжада. – Ёки сиз мени танимаяпсизми? Мен Билл Самерсман-ку, ахир... Темирчилик устахонасининг орқасида яшаган Самерслар эсингиздами? Тўғри, мен сиз Кронбери Корнерсдан кетганингиздан кейин бўйига бироз чўзилдим. Биласизми, Лиза Перри, мен сизни шаҳарда учратишим жудаям мумкин, деб ҳисоблаганди. Лиза ахири, биласизку, Бэн Станфилдга турмушга чиқди ва у айтадики...

– Йўғ-е, нималар деяпсиз? – унинг сўзини бўлди Пози хоним шошиб. – Лиза Перри-я, ўша сепкиллари билан у қандай турмушга чиқа олсин?!

– Июнда эрга тегди, – тиржайди ғийбатчи. – Энди у Эски Татам – Плейсга кўчиб кетди. Хэм Рейли бўлса художўй бўлиб қолди. Қари Близерс хоним уйини капитан Спунерга сотди. Уотерсларнинг кичик қизи мусиқа ўқитувчиси билан қочиб кетди. Мартда суднинг биноси ёниб тушди, сизнинг амакингиз Уайлини констебль қилиб сайлашди, Матильда Хоскинс қўлига игна тиқиб юборди ва ўлиб қолди. Том Бидл бўлса, Салли Лаэропнининг кўнглини овлаб юрибди, айтишларича, у бирор оқшомни ўтказиб юбормасдан, қиз яшайдиган уйнинг кираверишиолдида қаққайиб тураркан.

– Ўша уккикўздан олтин топибдими? – хитоб қилди Кэрингтон хоним бироз кескинлик билан. – Ахир Том Бидл қачонлардир... Афв этинг, дўстлар, мен ҳозир... Бу менинг эски ошнам, жаноб... фамилиянгиз қанақа эди? Ҳа, жаноб Самерс, жаноб Гольдштейн, жаноб Рикета, жаноб... фамилиянгиз ёдимдан кўтарилибди. Ҳа, барибир эмасми? Жонни, энди эса анави ёққа ўтайлик. Менга яна бирор нарса айтиб беринг.

У йигитни бурчакда турган бўш стол томонга судради. Жаноб Гольдштейн семиз елкаларини қисиб қўйди-да, официантни чақирди. Репортёр бироз жонланди ва ўзига абсент олиб келишларини буюрди. Сочларининг фарқи очилган йигит дилгирликка тушди. Қовоқхона хўрандалари кулганча стаканларни жаранглатишар ва Пози хоним ўзининг одатдаги дастуридан ошириб бераётган томошасидан баҳра олардилар. Ҳеч нарсага ишонмайдиган айрим одамлар эса «реклама» ҳақида шивир-шивир қилишар ва ҳамма нарсани тушунаётгандек, табассум қилиб ўтирардилар.

Пози Кэрингтоннинг чуқурчали мафтункор энгаги қўлларига таянди ва атрофдаги одамлар ҳақида унутиб юборди – бу унга шуҳрат олиб келган қобилият эди.

– Мен негадир ҳеч қандай Билл Самерсни эслолмаяпман, – деди у ўйчанлик билан қишлоқи йигитнинг бокира мовий кўзларига тўғри қараркан. – Аммо, умуман олганда, Самерсларни яхши эслайман. Бизда, у ерда унча кўп ўзгариш бўлмагандир. Сиз бизларникиларни кўрганингизга анча бўлдими?

Шунда Хайсмис ўз маҳоратини ишга солди. Соль Хейтосер роли кулгилиликнигина эмас, пафосни ҳам талаб қиларди. Кэрингтон хоним бу нарсани ҳам у наригисидагилардан ёмон уддаламаслигига амин бўлсин.

– Пози хоним, – дея гап бошлади Билл Самерс, – мен ота-онангизнинг уйига уч кун бурун киргандим. Ҳа, очиғини айтганда, у ерда унча катта ўзгаришлар йўқ. Аммо ошхона деразаси остидаги настарин бутаси бир фут ўсган. Ҳовлидаги қарағай қуриб қолибди. Уни кесиб ташлашларига тўғри келибди. Аммо, барибир, ҳаммаси бошқачароқ.

– Онам қалай? – сўради Кэрингтон хоним.

– Мен онангизни охирги марта кўрганимда у уйнинг кираверишига солиш учун пойандоз тўқиб ўтирарди, – деди «Билл». – У қариб қолган, Пози хоним. Аммо уйда ҳамма нарса аввалгидек. Онангиз менга бироз ўтиришни таклиф қилди. «Фақат, Уильям, анави тўқилган тебранма курсига тегманг, деди у. – Унга Пози жўнаб кетганидан бери ҳеч ким қўлини теккизмаган. У тикишни бошлаган мана бу этак ҳам Позининг ўзи тебранма курси устига қандай ташлаб қўйиган бўлса, шундай ҳолича ётибди. Мен умид қиламанки, – деди у, – Пози қачондир уни охиригача тикиб, четини букиб қўяди».

Кэрингтон хоним ҳукмрон ҳаракат билан хизматчини чақирди.

– Шампан шаробидан бир пинта, ширинмасидан, қисқа буйруқ берди у. – Ҳисоб қоғозчасини Гольдштейнга юборасиз.

– Қуёш нурлари уйнинг кираверишига тўппа-тўғри тушиб турарди, – деб давом этди кронберилик солномачи, – онангиз эса ёруғликка қарама- қарши томонда ўтирарди. Мен эса унга бироз нарироққа сурилиши яхшилигини айтдим... «Йўқ, Уильям, – деди у, – мен мана шундай қилиб йўлга қараб ўтириб олсам бўлди. Кейин жойимдан қўзғала олмайман. Ҳар кун бўш вақтим бўлди дегунча, мен яшил девор орқасидаги йўлга, менинг Пози қизим келмаяптимикан, деб тикилиб тураман. У бизникидан тунда кетган эди, эрталаб эса, йўлдаги чанг устида унинг бошмоқчаларининг изларини кўргандим. Ва ҳозирга қадар ҳам, у шовқинли ҳаётдан зерикканидан кейин ва ўзининг қари онаси ҳақида эслагач, қачондир мана шу йўлнинг ўзидан қайтиб келиб қолади, деб ўйлайман».

– Мен жўнаётган пайтимда, – деб гапини якунлади «Билл», – мана буни уйингиз олдидаги

бутадан узиб олдим. Мен, ҳақиқатан ҳам, шаҳарда сизни кўраман ва сизга ўз туғилган уйингиздан нимадир олиш ёқимли бўлади, деб ўйладим.

У костюми чўнтагидан бу диққинафас, дағал қовоқхонада хиралашаётган, сариқ, майин, худди Рим томошахонасида арслонларнинг қайноқ нафаслари олдида турган бокира қиздек бошчаси эгилган атиргул чиқарди.

Този хонимнинг қаттиқ, аммо оҳангдор кулгиси «Қўнғироқчалар» куйини ижро этаётган оркестрнинг овозини босиб кетди.

– Вой худойим-ей! – деб хитоб қилди у. – Дунёда бизнинг Кронберидан ҳам зерикарли жой бормикан? Тўғри, мен ҳозир у ерда икки соат ҳам туролмасам керак, шунчаки зерикишдан ўлиб қолардим. Аммо мен, жаноб Самерс, сиз билан кўришганимдан хурсандман. Энди бўлса, мен уйга кетишим ва яхшилаб ухлаб олишим керак.

У сариқ атиргулни ўзининг башанг, салобатли шойи кўйлагига қадаб қўйди, ўрнидан турди ва жаноб Гольдштейн томонга ҳукмрона бош ирғади.

Учала ҳамроҳи ва «Билл Самерс» Този хонимни соябонли извошгача кузатиб қўйишди. Унинг барча қўшэтаклари ва ленталари яхшилаб жойлаштириб бўлингач, Кэрингтон хоним хайрлашув чоғида ҳаммага тишчалари ва кўзларининг кўзни қамаштирувчи чақнашини совға қилди.

– Билл, жўнаб кетишингиздан бурун меникига бир кириб кетинг, – деб қичқирди у ва чиройли извош йўлга тушди.

– Хўш, қалай чиқди-а? – сўради актёр табассум қилар экан. – Унинг менга Соль Хэйтосер ролини беришига тўғри келади. Сиз қандай фикрдасиз? Гўзал хоним бир лаҳза ҳам шубҳа қилгани йўқ.

– Мен сизлар у ерда нима ҳақда гаплашганларингни эшитганим йўқ, – деди Гольдштейн, – аммо сизнинг костюмингиз ва ўзингизни тутишингизга гап йўқ. Сизнинг муваффақиятингиз учун қадаҳ кўтараман. Эртага эрталабданоқ Кэрингтон хонимникига бориб, унга роль масаласи бўйича ҳужум қилишингизни маслаҳат бераман. Сизнинг қобилият ва иқтидорингизга у тан берган бўлса керак.

Эртаси куни эрталаб соат ўн бирдан қирқ беш дақиқа ўтганда, сўнгги урф бўйича башанг кийинган Хайсмис дадил кўринишда, костюмининг ёқасига фукция гулини қистириб олиб, Кэрингтон хонимнинг меҳмонхонадаги ҳашаматли хонасига келди.

Унинг олдига актрисанинг хизматчиси, француз аёли чиқди.

– Мен жуда афсусдаман, – деди мадемуазель Гортенз, – аммо менга буни ҳаммага етказиш топширилган. Оҳ, қандай ачинарли! Кэрингтон хоним театр билан ҳамма контрактларни бекор қилди ва яшаш учун, оҳ, нима эди-я? Ҳа, Кронбери Корнерсга жўнаб кетди.

БИР СОАТЛИК МУНОСИБ ҲАЁТ

Қашшоқлик, муҳаббат ва уруш нималигини билмаган одам ҳали ҳақиқий, мукаммал ҳаёт кўрмаган, тўлақонли яшамаган, деган нақл бор. Бундай фикрнинг адолатли эканлиги қисқартирилган фалсафанинг ҳар қандай ишқибозига ёқиши керак. Санаб ўтилган учала шароитда ҳаёт ҳақида билиш лозим бўлган ҳамма нарса мужассам. Юзаки фикрлайдиган донишманд бу рўйхатга бойликни ҳам киритиш керак, деб ҳисоблаши эҳтимолдан узоқ эмас. Аммо бундоқ эмас. Қашшоқ камзулининг астари орқасидан қачонлардир йиртиққа тушиб кетган йигирма беш центни топиб олганида, у ҳаёт қувончларининг шундай чуқурликларига лот (ўзини) ташлайдики, бундай гирдоблару тубсизликларга бирорта ҳам миллионер ета олмайди.

Афтидан, ҳаётни бошқарувчи ижроия ҳокимияти шундай қилганки, инсон бу учта шароит орқали, албатта, ўтади ва ҳеч ким уларнинг учаласидан қутқарилиши мумкин эмас.

Қишлоқ жойларда бу шароитлар унчалик аҳамиятга эга эмас. Қашшоқлик камроқ эзади, муҳаббат унча қайноқ эмас, уруш қўшнининг товуғи ёки ер майдони чегараси туфайли муштлашишлар билан чекланади. Аммо катта шаҳарларда бизнинг афоризм (ҳикматли ибора) алоҳида ҳаққонийлик ва аҳамият касб этади ҳамда қандайдир Жон Гопкинсга

уларнинг ҳаммасини ўзида нисбатан қисқа муддат давомида синаш қисмат қилиб берилади.

Гопкинснинг уйи минглаб бошқа уйларга ўхшаш эди. Деразалардан бирининг токчасида фикусли тувак, иккинчисиникида эса бургалаб кетган терьер зотли кучук зерикканидан диққати ошганича ўтирарди.

Жон Гопкинс худди шундай минглаб одамларга ўхшарди. У ҳафтасига йигирма долларга тўққиз қаватли бинода хизмат қилар, одамларнинг ҳаётини суғурталашми ёки Боклнинг кўтариш механизмларини созлашми, баъзан тирноқларни бўяш, ссудаларни расмийлаштириш, блоклар сотиш, ташлама ёқаларни қайта тикиш, сунъий оёқ ва қўллар тайёрлаш ёки одамларни, айниқса, ёшларни, кафолат бериб, беш дарс давомида вальс тушишга ўргатиш биланми шуғулланарди. Бу ташқи белгиларга қараб, жаноб Гопкинснинг иқтидори ва қобилияти ҳақида бирор хулоса чиқариш бизнинг ишимиз эмас.

Гопкинс хоним ҳам минглаб шундай бошқа аёлларнинг биттаси эди. Олтин тиш, ўтириб ўтказиладиган ҳаётга мойиллик, якшанба кунлари жой алмаштириш истаги, уйда пиширилган ширинликлар олиш илинжида озиқ-овқат дўконларига интилиш, маҳсулотларни сотиб юбориш тадбирларида арзон нарсалар кетидан қувиш, югур-югур қилиш, учинчи қаватда яшовчи, шляпасига ҳақиқий туяқуш патлари қадалган ва эшигига иккита фамилия ёзилган аёлга нисбатан устунлик туйғуси, мебель учун бадал йиғувчининг ташрифларидан ҳушёрлик билан бўйин товлаш, чиқинди қувурларининг акустик таъсирига доимий эътибор – Нью-Йоркнинг хилвату пана жойларида яшовчи аёлларнинг санаб ўтилган бу хусусиятлари унга ҳам бегона эмас эди.

Мулоҳазаларга бағишланган яна бир лаҳза ва ҳикоя жойидан қўзғалади.

Катта шаҳарда муҳим ва кутилмаган воқеалар рўй бериб туради. Бурчакка қайиласан ва шамсиянгнинг учи билан Кутня – Фоллслик танишингнинг кўзига тегиб кетасан. Боғда сайр қиласан, чиннигулни узишни истайсан ва бирдан сенга бандитлар ҳужум қилишади. «Тез ёрдам» сени шифохонага олиб кетади, сен оғир касалларга қаровчи қизга уйланасан, нону квас билан амаллаб кун кечирасан, тунаш жойига навбатга турасан, бой меросхўр аёлга уйланасан, кирларингни ювишга берасан, клубга аъзолик бадалини тўлайсан ва буларнинг ҳаммаси кўз очиб юмгунча рўй беради. Кўчаларда тентираб юрасан, кимдир сени бармоғи билан имлаб чақиради, оёқларинг остига рўмолини ташлайди, устингга тепадан ғишт тушириб юборишади, лифтнинг йўғон сим арқони узилиб кетади ёки сенинг банкинг банкрот бўлади, сен хотининг билан чиқиша олмайсан ёки сенинг ошқозонинг тайёр овқатлар билан чиқиша олмайди – тақдир сени, худди сен чойчақа бермаган официант очган шароб шишасининг тиқини бўлагидек, бир томондан иккинчисига улоқтираверади. Шаҳар – жуда қувноқ болакай, сен эса у ўз ўйинчоғидан ялаб оладиган қизил бўёқсан.

Тўкин тушликдан сўнг Жон Гопкинс ўзининг жиддий бичимда қурилган, қўлқопдай тор квартирасида тош диван устида ўтирар ва тўқ кўзлари билан «Санъатни уйга жорий қилиш»ни деворга кнопка ёрдамида маҳкамланган «Бўрон» расми кўринишида кўздан кечирарди. Гопкинс хоним қўшни квартира ошхонасидан келаётган тутундан ланж овозда шикоят қиларди. Бурга босган терьер нафратни ифодаловчи нигоҳ билан

Гопкинсга кўз ташлаб қўйиди ва жирканганча тишларини кўрсатди.

Бу ерда на қашшоқлик, на уруш, на муҳаббат бор эди. Бироқ бундай мевасиз танага ҳам тўлақонли ҳаётнинг учала асосини пайвандлаш мумкин.

Жон Гопкинс суҳбатнинг мағзини кун кўришнинг чучмал хамирига ёпиштиришга уриниб кўрди.

– Идорага янги лифт ўрнатишаяпти, – деди у шахс олмошларини ташлаб юбориб, – бошлиқ эса бакенбард ўстира бошлади.

– Нималар деяпсан?! – жавоб қилди Гопкинс хоним.

– Жаноб Уиплз ишга янги баҳорги костюмда келди, менга у жудаям ёқди. У, биласанми, кул ранг ва... – у жим қолди ва бирдан чекишни истаб қолди. – Мен кўча бурчагига бориб, ўзимга беш центлик сигарадан олиб келаман.

Жон Гопкинс шляпасини олди ва даромад келтирадиган, аммо эскириб бораётган уйнинг намиққан йўлаклари ва пиллапоялари бўйлаб чиқиш эшиги томон йўналди.

Кечки ҳаво юмшоқ эди. Кўчада болалар ашуланинг тушунарсиз сўзларига мос тарзда беғамгина сакраганларича, баланд овозда қўшиқ айтардилар. Уларнинг ота-оналари уйлари остонаси ва кираверишида чекиб ва суҳбатлашиб ўтиришарди.

Қанчалик ғалати туюлса ҳам, ёнғин ўчиришда ишлатиш учун ўрнатилган нарвонлар севишган жуфтликларни ўз бағрига яшириб, алангаланаётган оловни бошланишидаёқ ўчириш ўрнига, унинг гуриллаб ёнишига кўмаклашарди.

Жон Гопкинс йўл олган кўча бурчагидаги тамаки дўкони Фрешмейер фамилияли сотувчига тегишли бўлиб, у ҳаётдан ҳеч қандай яхшилик кутмас, бутун ер юзини ҳосил бермайдиган чўл деб ҳисобларди.

Хўжайин билан таниш бўлмаган Гопкинс дўконга кирди ва самимият билан ҳеч қандай шаъмаларсиз, ўзига «трамвай чиптасидан қиммат бўлмаган нархда бир боғ исмалоқ» беришни сўради. Ўрнига тушмаган бу шаъма Фрешмейернинг ишончсизлигини фақат чуқурлаштирди, холос. Аммо у харидорга унинг талабларига яхшироқ жавоб берадиган маҳсулотни таклиф қилди. Гопкинс сигаранинг учини тишида узиб ташлади ва уни газ найчасидан тутатиб олди. Аммо харид учун тўлашга пул чиқариш мақсадида чўнтагига қўл тикқанида, Гопкинс у ердан бирор цент ҳам топа олмади.

– Менга қаранг, дўстим, – очиқ тушунтирди у. – Мен кўчага майда пулсиз чиқибман. Дўконингиз олдидан қайта ўтаётганимдаёқ пулингизни ташлаб кетаман.

Фрешмейернинг юраги шодликдан титраб кетди. Бу билан унинг дунёнинг турган-битгани ифлослик, инсон эса ҳаракатланувчи ёвузлик деган ишончи, фикри тасдиқланаётган эди. Бирорта ёмон сўз айтмасдан у пештахтани айланиб ўтди ва муштлари билан харидорга ташланди. Гопкинс ишончсизлик ва бадбинликка берилган дўкондор олдида таслим бўладиган одамлардан эмасди. У шу оннинг ўзидаёқ Фрешмейернинг кўзи остига уриб, шиширибқўйди. Олтину бинафша рангли бу шиш нақд пул ишқибози қизиққонлик билан берган зарбанинг ҳақи эди.

Рақибининг шиддатли ҳужуми Гопкинсни пиёдалар йўлкасига улоқтирди. Жанг айнан шу ерда бўлиб ўтди: юзида табассум ёғочдек қотиб қолган беозор ҳинду, тор-мор қилинганди, кўчада юрган, турли муштлашувларнинг ишқибозлари паҳлавонларнинг бу курашини томоша қилганларича, атрофга тўпланиб олгандилар.

Аммо шу пайт полициячи пайдо бўлди. Бу эса жафокорга ҳам, унинг қурбонига ҳам кўнгилсизликларга дуч келганларини англатарди, холос. Жон Гопкинс тинч, беозор фуқаро эди ва кечалари уйда ребуслар ечиб ўтирарди. Аммо у кураш қизиғида ўт оладиган қаршилик кўрсатиш руҳидан маҳрум эмасди. У полициячини баққол кўргазма қилиб чиқариб қўйган маҳсулотлар устига қулатди, Фрешмейерга шундай тарсаки туширдики, у нима учун айрим харидорларга беш центгача бўлган миқдорда кредит бериш одатини киритмаганига афсуслангандек бўлди. Шундан сўнг Гопкинс пиёдалар йўлкаси бўйлаб югуриб кетди, унинг орқасидан тамаки маҳсулотлари сотувчиси ва мундири нима учун баққолнинг пешлавҳасига «тухумлар шаҳарнинг бошқа жойларидагидан арзонроқ» деб ёзиб қўйилганлигини яққол исботловчи полициячи қувиб кетишди.

Чопиб кетаётиб, Гопкинс тош йўлдан у билан тенгма-тенг катта, паст, қизил рангли пойга машинаси кетаётганини кўрди. Автомашина йўлкага яқинлашиб тўхтади ва рулда ўтирган одам унга ўтиришни таклиф этиб, ишора қилди. У йўлида давом этаётиб, тўхтамаганича машинага сакраб кирди ва тўқ сариқ чарм қопланган ўриндиққа, ҳайдовчининг ёнига чўкди. Катта машина кўчадан аллақачон авенюга бурилиб, борган сари секинроқ пишқирганича альбатрос каби учиб борарди.

Ҳайдовчи бирор сўз демасдан машинани бошқарарди. Автомобиль кўзойнаги ва ҳайдовчиларнинг иблисона кийимлари уни жуда яхши ниқобларди.

– Раҳмат, дўстим, – миннатдорчилик билан мурожаат қилди унга Гопкинс. – Сен ўзинг ҳам ҳалол йигит бўлсанг керак. Икки кишининг бир одамга ҳужум қилишгани сенга жирканч туюлган.

Яна озгинадан сўнг мен ёмон аҳволга тушиб қолган бўлардим.

Ҳайдовчи ғинг демади. У ҳеч нарсани эшитмагандек эди. Гопкинс елкаларини учирди ва бутун тўс-тўполон давомида қўлларидан тушириб юбормаган сигарасини чайнай бошлади.

Ўн дақиқалардан сўнг автомобиль бежиримгина қурилган уйнинг очиқ турган дарвозаларидан учиб кирди. Ва ҳовлида тўхтади. Ҳайдовчи машинадан сакраб тушди ва деди:

– Тезроқ юринг. Хоним ҳаммасини ўзи тушунтириб беради. Сизга катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатишяпти, жаноб. Оҳ, агар хоним бу ишни Арманга топширганида қани эди! Аммо, йўқ, у бор-йўғи бир ҳайдовчи, холос.

Зўр бериб имо-ишоралар қилганича ҳайдовчи Гопкинсни унча катта бўлмаган, аммо ҳашамат билан жиҳозланган меҳмонхонага олиб кирди. Уларга ёш, гўзал аёл пешвоз чиқди. Унинг кўзлари ўзига жудаям ярашиб турган ғазаб билан ёниб турарди. Ипдек ингичка ва қайрилган қошлар чиройли чимирилган эди.

– Хоним, – деди ҳайдовчи чуқур таъзим қиларкан, – сизга шуни айтиш шарафига муяссарманки, мен жаноб Лонгникига бордим, аммо уни уйидан топа олмадим. Қайтиб келаётганимда, мен манави жентельменнинг, буни қандоқ айтсам экан, ўзидан бир неча баравар кучлилар билан олишаётганини кўрдим – унга бешта... ўнта... ўттизта одам ҳужум қилишди ва битта жандарм ҳам. Ҳа, хоним, у, буни қандай айтсам экан, у битта... учта... саккизта полициячини уриб ташлади. Жаноб Лонг уйда йўқ экан, бу жентельмен худди шундай қилиб, хонимга ҳам хизмат кўрсатиши мумкин, деб ўйлаб, уни бу ерга олиб келдим.

– Жуда яхши, Арман, – деди хоним, – кетаверишингиз мумкин.

У Гопкинсга қайрилди.

– Мен ҳайдовчини амакиваччам Уолтер Лонгни олиб келиш учун юборган эдим. Бу уйда мен билан дағал муомала қилган ва ҳақоратлаган одам бор. Мен холамга шикоят қилгандим, у эса менинг устимдан кулаяпти. Арман сизни довюрак йигит деяпти. Бизнинг романтикани унутган ҳозирги давримизда ҳам жасур, ҳам рицарлардек олижаноб кишилар жуда кам. Мен сизнинг ёрдамингизга ишонсам бўладими?

Жон Гопкинс сигара қолдиғини чўнтагига тиқди ва бу мафтункор хилқатга боқиб, умрида биринчи марта романтик ҳаяжонни ҳис қилди. Бу Жон Гопкинснинг бурга босган кучукчали эски квартирачаси ва рафиқасига хиёнатини англатмайдиган рицарлик муҳаббати эди, холос. У хотинига этикеткачи аёллар уюшмасининг иккинчи бўлими ташкил қилган дала сайри ва зиёфатидан сўнг ошнаси Билди Макманус билан янги шляпа ва бир порция балиқли таомга баҳс бойлашгач, уйланганди. Ҳозир ундан ёрдам сўраб ёлвораётган самовий хилқат билан яқин алоқа боғлаш бўйича ҳар қандай таомдан баҳс бойлашиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Шляпага келганда эса, фақат бриллиантлари бор олтин тожгина унга муносиб эди!

– Менга қаранг, – деди Жон Гопкинс, – Сиз менга асабингизга тегаётган ўша йигитни кўрсатиб қўйсангиз, бўлди. Тўғри, ҳозиргача мен муштлашишлар билан қизиқмас эдим. Бироқ бу оқшом ҳеч кимни аяб ўтирмайман.

– У анави жойда, – деди аёл ёпиқ эшикни кўрсатар экан. – Боринг. Сиз қўрқмаётганингизга аминмисиз?

– Менми? – сўради Жон Гопкинс. – Менга фақат гулдастангиздан битта атиргул беринг, хўпми?

Аёл унга қип-қизил атиргул берди. Жон Гопкинс гулни ўпди ва уни камзули чўнтагига тиқиб, эшикни очди ва хонага кирди. Бу тиниқ ва кучли нур билан ёритилган кутубхона эди. Курсида китоб ўқишга шўнғиб кетган йигит ўтирарди.

– Хуш муомала ҳақидаги китоблар. – Сиз ана шунақаларни ўқишингиз керак, – кескин деди Жон Гопкинс. – Бу ёққа келинг-чи, мен сизга одобдан дарс бериб қўяман. Хонимга нега қўполлик қилдингиз?

Йигит бироз ажабланди. Кейин у ҳорғинлик билан ўрнидан турди, Гопкинснинг қўлларидан чаққонлик билан тутди ва қаршилик кўрсатаётганига қарамай, уни кўча эшик томон етаклаб кетди.

– Эҳтиёткорроқ бўлинг, Рольф Бронскомб! – хитоб қилди уларни кузатиб турган хоним. – Мени мардларча ҳимоя қилишга уринган киши билан эҳтиётроқ бўлиб муомала қилинг...

Йитит Жон Гопкинсни эшикдан кўчага секингина итариб юборди. Ва унинг орқасидан эшикни қулфлаб қўйди.

– Бесс, – деди йигит хотиржам, – сен тарихий романларни бекорга ўқияпсан. Бу нусха қаердан келиб қолди ўзи?

– Уни Арман олиб келди, – деди ёш хоним. – Менимча, менга сенбернар итини олишимга йўл қўймаганинг сен томондан қилинган пасткашликнинг ўзгинаси. Мана шунинг учун, мен Арманни Уолтерни олиб келиш учун юборгандим. Сендан жуда жаҳлим чиққанди.

– Мулоҳазалироқ бўл, Бесс, – деди йигит унинг қўлларини ушларкан. – Сен айтаётган ит жуда хавфли. У итхонада аллақачон бир неча кишини

тишлаб улгурибди. Юр, яхшиси, бориб холамизга биз энди яхши кайфиятда эканлигимизни айтамиз.

Кейин улар қўл ушлашиб чиқиб кетишди.

Жон Гопкинс ўз уйига яқинлашди. Уйга кираверишда швейцарнинг беш яшар қизи ўйнаётганди. Гопкинс унга чиройли қизил гулни берди ва ўз квартирасига кўтарилди.

Гопкинс хоним сочларини эринибгина турмаклаётган эди.

– Ўзингга сигара сотиб олдингми? – сўради у лоқайдлик билан.

– Албатта, – деди Гопкинс. – Кейин мен кўчада бироз айландим. Ҳаво жуда яхши.

У тош диванга ўтирди, чўнтагидан сигаранинг қолдиғини чиқарди, уни тутатди ва деворда осиғлиқ турган «Бўрон» суратидаги латиф тасвирларни кўздан кечира бошлади.

– Мен сенга жаноб Уиплзнинг костюми ҳақида айтгандим, – деди у. – Кул ранг, жуда кичкина, деярли сезилмайдиган катакчалари бор, эгасининг гавдасига жудаям ўтиришган, ярашганки...

– Саксон биринчи кўча! Ким тушади? – қичқирди кўк мундирли подачи.

Қўй-йўловчилар подаси вагондан тушди. Унинг ўрнига янги пода чиқиб олди. Динг-динг! Йўлда давом этдилар. Манхэттен ерусти йўлининг вагонлари тақир-туқур қилганларича йўлда давом этди. Жон Перкинс эса озодликка чиқариб юборилган пода билан бирга пиллапоялардан кўчага тушди.

Жон ўз уйи томон секин юриб борарди. Секин, чунки унинг ҳар кунлик луғатида «бирдан», «кутилмаганда», «тўсатдан» сўзлари йўқ эди. Икки йил бурун уйланган ва арзон уйда яшовчи одамни ҳеч қандай кутилмаган совға қаршиламайди. Йўл бўйи Жон Паркенс хаёлида зерикарли куннинг муқаррар якунини маъюс умидсизлик билан чизиб борарди.

Кэти уни эшик олдида кольдекрем ва чўзилувчи юмшоқ конфетнинг ҳиди келиб турадиган бўса билан кутиб олади. У эса пальтосини ечиб, асфальтдек қаттиқ кушеткага ўтиради ва кечки газетадан қирғин қуроли бўлган линотип ҳалок қилган руслар ва японлар ҳақидаги хабарларни ўқийди. Кечки овқатга димлаб пиширилган гўшт, этик лаки (ундан тери ёрилмаслигига ва бузилмаслигига кафолат бериш мумкин) аралаштирилган салат, буғланган равоч, «Кимёвий жиҳатдан тоза» ёрлиғини ёпиштиришганидан қизариб кетган қулупнай

желеси ейилади. Овқатланиб бўлинганидан кейин Кэти ўзининг қуроқ кўрпасидаги тўртбурчакли янги мато парчасини кўрсатади ва уни муз тарқатувчи йигит ўз бўйинбоғидан унинг учун қирқиб берганини айтади. Етти яримда улар ўз квартираларининг тепасида яшовчи бақалоқ гимнастика билан шуғулланишни бошлаганида, шифтдан тўкиладиган сувоқ парчаларини муносиб кутиб олиш учун диван ва курсиларга газеталар тўшайдилар. Роппа-роса саккизда қарама-қарши квартирадаги мюзик-холл жуфтлиги Ҳайки ва Муни (ангажементсиз) «Оқ безгак» (ичкилик қўзғатадиган руҳий хасталик)нинг «нозигу нафис» таъсирига бериладилар ва антрепренер (театр хўжайини) Геммерштейн ҳафтасига беш юз доллар ҳақ тўлаш кўзда тутилган контракт билан орқаларидан қувлаб юрганига ишонганларидан стулларни ағдара бошлайдилар. Кейин қудуққа ўхшаб кетадиган ҳовлининг нариги тарафида жойлашган мусиқачи флейтаси билан дераза олдига ўтириб олади, газ қувонганича, номаълум йўналишда оқиб кета бошлайди. Ошхона лифти рельсларидан чиқиб кетади, швейцар Зеновицкая хонимнинг беш боласини яна бир марта Яла дарёсининг орқасига сиқиб чиқариб юборади; оч яшил туфли кийган хоним шотланд терьери ҳамроҳлигида пастга тушади ва квартираси эшиги устидаги қўнғироқ тугмачаси ва почта қутиси тепасига пайшанба кунлари аталадиган фамилияли карточкасини мустаҳкам ўрнатиб қўяди. Хуллас, Фрогморнинг даромад келтирувчи уйининг кечки тартиби шу тариқа кучга киради.

Жон Перкинс ҳаммаси айнан шундай бўлишини биларди. У шуниям билардики, ўзи саккиздан ўн беш дақиқа ўтганда иродасини йиғади ва шляпасига

қўл чўзади. Хотини эса асабийлашган оҳангда қуйидагиларни айтади:

– Сизнинг қаёққа отланганингизни билсак бўладими, Жон Перкинс?

– Мак-Клоскиникига, ошналарим билан бир-икки қур пулька (карта ўйинининг бир тури) ўйнагани кириб ўтишни ўйлаяпман, – деб жавоб қилади у.

Кейинги вақтларда бу унинг одатига айланиб қолди. Ўн ёки ўн бирда у уйга қайтарди. Баъзан Кэти ухлаб қолган бўларди, баъзан эса ўз ғазаби қозонида никоҳнинг пўлат занжирлари устидаги зарҳалнинг яна озгинасини эритиб юборишга тайёр бўлиб турарди. Қиёмат куни Фрогморнинг даромадли уйидаги қурбонлари билан Яратганнинг олдига борганида, бу ишлари учун Купидоннинг қаттиқ жавоб беришига тўғри келади.

Бу оқшом Жон Перкинс ўз хонадонига киргач, ҳар кунги тартиб тизимининг ҳайрон қоларли даражада бузилганини кўрди. Кэти уни даҳлизда ўзининг дорихона ҳиди анқиб турган самимий бўсаси билан кутиб олмади. Уйда кўнгилсизликдан дарак берувчи тартибсизлик ҳукмрон эди. Кэтининг нарсалари ҳамма ёққа сочиб ташланганди. Туфлилари хонанинг ўртасида ётар, сочларини жингалак қилиш учун ишлатиладиган қисқичлар, бинтлар, халати, упа солинган қутиси жавоннинг ва стулларнинг устига бетартиб ташлаб қўйилганди. Кэтига бу умуман хос эмасди. Тишларида унинг қизғиш-қўнғир сочларининг жингалак булутчаси қолган тароқни кўрганида, Жоннинг юраги орқасига тортиб кетди. Афтидан, Кэти қаёққадир жуда шошилган ва қаттиқ ҳаяжонланган, одатда, у бундай сочларини, улардан ҳар бир аёлнинг орзуси бўлган (кийдирма, қадама) соч ясатиш учун каминга яширарди.

Кўринарли жойда газ найчасига тасмача билан боғлаб қўйилган букланган қоғоз осилиб турарди. Жон уни шошиб ечиб олди. Бу Кэтининг қолдирган хабари эди:

«Азизим Жон! Ҳозиргина онам оғир касал бўлиб ётганлиги ҳақида телеграмма олдим. Соат тўрту ўттиздаги поездда жўнаб кетаман. Акам Сэм мени темир йўл бекатида кутиб олади. Музхонада пиширилган қўй гўшти бор. Онам томоқ оғриғига чалинган, деб умид қиламан. Сутчига эллик цент тўлаб қўй. Ўтган баҳордаям онамнинг касали қаттиқ хуруж қилганди. Газ компаниясига ҳисоблагич ҳақида ёзишни унутма. Сенинг яхши пайпоқларинг тепадаги ғаладонда. Эртага хат юбораман. Шошиляпман».

Икки йиллик оилавий ҳаётлари мобайнида улар бирор тунни бошқа-бошқа ўтказмагандилар. Жон хатни ташвишланиб ўқиб чиқди. Унинг ҳаётининг ўзгармас тартиби бузилган ва бу нарса уни довдиратиб қўйганди.

Стул суянчиғида Кэти овқат бераётганида доимо тақиб оладиган, қора майда-майда холли қизил этаги (фартуги) ўзининг бўшлиги ва шаклсизлиги билан ғамга ботириб, осилиб турарди. Унинг оддий кунларда кийиб юрадиган кўйлаклари шошилинчда дуч келган жойга сочиб ташланган эди. Аёл яхши кўрган ёпишқоқ юмшоқ конфетли қоғоз халтача ечилмай, поездлар қатнови жадвали қирқиб олинган газета тўрт бурчак тешиги очилганича полда ётарди. Хонадаги ҳамма нарса йўқотиш ҳақида, ундан ҳаёт ва жон учиб кетгани тўғрисида хабар берарди. Жон Перкинс ўлик уюмлар ўртасида турар ва унинг юрагини ғалати ва ғамгин туйғу тўлдирганди.

У уйни қўлидан келганча тартибга сола бошлади. Кэтининг кўйлакларига қўлини теккизганида, уни қўрқув босди. У Кэти бўлмаса, ўзининг ҳаёти нимага

айланиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмаган эди. Аёл унинг ҳаётига шундай қоришиб, аралашиб, сингиб кетган эдики, у нафас олаётган ҳаводек зарур, аммо буни Жон билмас, сезмасди ҳам. Энди эса у тўсатдан кетган, яширинган, худди ҳеч қачон бўлмагандек, ғойиб бўлганди. Албатта, бу бир неча кунга, кўпи билан бир ёки икки ҳафтага, холос. Аммо ўлим гўё ўз бармоғини унинг мустаҳкам ва тинч бошпанасига чўзгандек туюла бошлаганди.

Жон музхонадан совуқ қўй гўштини олди ва қулупнай желесининг кимёвий жиҳатдан тозалигининг беҳаё далили билан юзма-юз ўтирганича, бир ўзи овқатлана бошлади. Қўлидан бой берилган неъматлар нур сочиб турган гардишли идиш ичида кўз олдида димланган гўшт ва этик лакилик салатнинг шарпаси намоён бўлди. Унинг оиласи яксон бўлди. Касал бўлиб қолган қайнонаси уни қўлловчи, ҳомийлик қилувчи руҳлару унинг қадрдон маконини ҳам яксон қилиб ташлади. Якка ўзи овқатланиб бўлган Жон дераза ёнига ўтирди.

У чекишни истамаётганди. Дераза ортидаги шаҳар эса гувуллаб шовқин солар, уни ўзининг қайноқ оғушига, у ерда авжга чиқаётган телбанамо кўнгилхушликлар, ўйин-кулгилар даврасига чорларди. Тун унинг ихтиёрида эди. У ҳар қандай эркин ва бўйдоқ одамдек, ҳеч кимдан рухсат сўрамасдан, уйдан чиқиб кетиши ва ҳузур-ҳаловатлар денгизига шўнғиши мумкин эди. У тонг отгунча айш-ишрат қилиши мумкин, ғазабланган Кэти уни қувончининг доғи ва алами солинган финжон ушлаганча пойлаб турмайди. Агар истаса, у Мак-Клоскиникида шимол маъбудаси Аврора ёғдулари электр чироқларидан устун келгунича, сершовқин улфатлари билан биллиард ўйнаши ҳам мумкин. Ҳатто Фрагморнинг даромад келтирувчи уйидаги

шароитларга чидашнинг иложи бўлмаган пайтларда ҳам уни доим ушлаб, босиб турадиган Гименей (никоҳ ва оила маъбудаси)нинг занжирлари энди бўшашган эди – Кэти кетиб қолганди.

Жон Перкинс ўз туйғуларини таҳлил қилишга одатланмаган эди. Аммо у Кэти ташлаб кетган меҳмонхона (ўнга ўн икки фут)да ўтирганича, нега ўзини бундай ёмон ҳис қилаётганини бехато тушунди, топди. У Кэти унинг бахти эканини англади. Унинг рафиқасига бўлган ва бир хилликда ўтаётган маиший ҳаёт аллалаб, хиралаштириб қўйиган туйғулари, у энди йўқлигини англаб етганидан сўнг бирданига уйғонган эди. Биз доимо бирор нарсанинг қадрига уни йўқотгачгина етамиз. Бу бизнинг энг катта хатоимиз.

«Ғирт тўнкаман-да ўзимам, – деб ўйлади Жон Перкинс. – Кэти билан қанақа муомала қилаяпман, унга қандай муносабатда бўлаяпман? Ҳар оқшом у билан ўтириш ўрнига улфатларим билан бирга карта ўйнайман, ичаман. Бечора қиз эса ҳеч қандай кўнгилхушликларсиз, доимо ёлғиз ўтиради. Мен ўзимни қандай тутаяпман? Жон Перкинс, сен аблаҳларнинг аблаҳисан. Аммо мен айбимни ювишга ҳаракат қиламан. Мен уни театрга олиб бораман. Унинг кўнглини олиш учун ҳамма нарсани қиламан. Мак-Клоски ва бу тўда билан бутунлай алоқани узаман...»

Дераза орқасида шаҳар ҳамон шовқин солар, Жон Перкинсни Момуснинг атрофида рақс тушаётганларга қўшилишга чақирарди. Мак-Клоксиникида эса ошналари кечки беллашувлар олдидан маҳоратларини чархлагани соққаларни эринибгина думалатишарди. Аммо «етим» бўлиб қолган Перкинснинг пушаймон бўлган кўнглига на гулчамбару на ўйин-кулги даврасн, на биллиард таёғининг шақирлаши таъсир

қилмасди. Ундан ўзи қадрламаган, ундан кўра кўпроқ нафратланган мулкини олиб қўйишганди ва ҳозир Жонга айнан у етишмаётган эди. Пушаймон қамраб олган Перкинс ҳозир ўз авлод-аждодларининг шажарасини жаннатдан фаришталар қувиб чиқарган Одам Ато исмли қайсидир кишигача таҳлил қилиб, кўриб чиқиши мумкин эди...

Жон Перкинснинг ўнг томонида стул турарди. Унинг суянчиғига Кэтининг мовий кўйлаги осилганди. У ҳали ҳам бекасининг гавдаси контурларига ўхшаш ниманидир сақлаб тургандек туюларди. Енгларида ўзига хос ингичка ғижимлар – унга қулай бўлиши ва унинг ҳузур-ҳаловати учун тер тўккан аёлнинг қўллари ҳаракати – излари қолган эди. Ундан қўнғироқгулларнинг кучсиз, аммо ҳақиқатан ҳам хушбўй иси келиб турарди. Жон кўйлакка узоқ ва диққат билан тикилиб турди. Кэти ҳиссиз эмасди. Кўз ёшлари, ҳа, кўз ёшлари Жон Перкинснинг кўзларига тошиб келди. У қайтиб келгач, ҳаммаси бошқача давом этади. Унга эътиборсиз бўлиб юргани учун энди у рафиқасини мукофотлайди. У йўқ бўлса, Жон ҳам яшаб нима қилади?

Эшик очилди. Кэти қўлида кичкина саквояж билан кириб келди. Жон унга маъносиз нигоҳ билан қараб қолди.

– Фу, қайтиб келганимдан жудаям хурсандман. Онам унчалик касал эмас экан. Сэм бекатда экан, у менга касаллик хуружи менга телеграмма беришганидан кейин тезда ўтиб кетганини айтди. Шунинг учун мен ҳам кейинги поезд билан қайтиб келдим. Ўлгудек кофе ичгим келиб кетди.

Фрогморнинг даромад келтирувчи уйидаги учинчи қават механизми қайтадан олдинги юриши томон бурилганида, ҳеч ким унинг тишли ғилдиракларининг ғийқиллаши ва ғижир-ғижирларини эшитгани йўқ.

Унинг пружинасини тўғрилашди, узатиш жараёнини тартибга солишди, тасма ҳаракатга келди ва ғилдираклар яна эски тартибда айлана бошлади. Жон Перкинс соатига қаради. Саккиздан ўн беш дақиқа ўтганди. У шляпасини олиб, эшик томон юрди.

– Жон Перкинс, сизнинг қаёққа йўл олаётганингизни билсам бўладими? – сўради Кэти асабийлашган оҳангда.

– Мак-Клоскиникига, ошналарим билан бир-икки қўл пулька ўйнагани кириб ўтишни ўйлаб турибман...

Албатта, бу муаммонинг икки томони бор. Уларнинг иккинчисини кўриб чиқамиз. «Сотувчи қизлар» ҳақида турли гапларни тез-тез эшитишга тўғри келади. Аммо улар мавжуд эмас. Дўконларда ишловчи қизлар бор, холос. Бу – касб. Лекин нима сабабдан касбнинг номини инсоннинг сифатига айлантириш керак? Адолатли бўлайлик. Ахир биз Бешинчи авенюда яшайдиган ҳамма қизларни «келинлар» деб атамаймиз-ку.

Лу ва Нэнси бир-бири билан яқин дугона. Улар Нью-Йоркка иш қидириб келганди. Чунки ота-оналари уларни боқа олмасдилар. Нэнси ўн тўққиз ёшда, Лу эса йигирмада. Улар шаҳарга олисдан келишган, саҳнада роллар ўйнаб, шуҳрат қозониш ҳақида орзу қилмайдиган, яхшигина ва меҳнатсевар қизлар эди. Худонинг бокира бандаларини ҳимоя қилувчи фаришта уларни арзон ва яхшигина пансионга олиб келди.

Иккаласи ўзларига иш жойи ҳам топишди ва мустақил яшай бошлашди. Аммо дугона бўлиб қолдилар. Энди олти ой ўтганидан кейин сизларни таништиришга рухсат этгайсизлар. Хира китобхон – менинг яхши дўстларим Нэнси ва Лу хоним. Таъзим қилаётганда, фақат уларга сездирмасдан, қизларнинг қандай кийинганларига эътибор беринг. Яна такрорлайман: фақат уларга сездирмасдан! Улар ҳам худди пойгалар пайтида ложада

ўтирган хонимлардек ўзларига тикилаверишларини ёқтиришмайди.

Лу кирлар қўлда ювиладиган кирхонада дазмолловчи бўлиб ишлайди. Қирмизи кўйлак унга ўтиришмаган, шляпасидаги пат лозим бўлганидан тўрт дюйм узунроқ, бироқ унинг оқсичқон мўйнасидан қилинган муфтаси ва ташлама мўйна ёқаси йигирма беш доллар туради. Мавсум охирига келиб эса бу оқсичқонларнинг қариндошлари «етти доллару тўқсон саккиз цент» деган ёзув битилган ёрлиқлар билан таъминланиб, пештахталарни безайдилар. Унинг ёноқлари қизил, ялтираб турувчи кўзлари эса мовий рангда. Ҳамма нарса унинг ҳаётдан мамнун эканлигини кўрсатиб турарди.

Нэнсини, сиз бунга одатланиб қолганингиз учун, сотувчи қиз, деб атайсиз. Одамларнинг бундай типи мавжуд эмас. Аммо ҳар хил атамаларга жуда тўйган авлод ҳамма жойдан тип излагани учун уни «типик сотувчи қиз», деб аташ мумкин. У сочларини баланд қилиб турмаклаб олган. Эгнида ниҳоятда бамаъни инглиз кофтаси. Юбкаси, гарчи арзон матодан бўлса ҳам, бичими бенуқсон эди. Нэнси кескин баҳор шамолидан ўзини ҳимоя қилиш учун мўйналарга бурканмайди, аммо қора мовут жакетини, у худди қоракўлдан тикилган манто бўлгандек, назокат ва дабдаба билан кияди. Унинг юзи, кўзлари, эй типларнинг бераҳм (балки бефаҳмдир) ишқибози, сотувчи қизлар учун типик бўлган ифодани: оёқости қилинган аёллик латофатининг сокин ва сўзсиз нафратли ғазаби ифодасини ва келажакда бунинг учун олинадиган қаттиқ ва аччиқ қасос ваъдасини сақлайдилар. Қиз қувноқ кулаётган пайтида ҳам бу ифода ғойиб бўлмайди. Шу ифодани рус деҳқонларининг кўзларида ҳам кўриш мумкин. Орамиздан кимдир фаришта

Исрофил сўнгги йиғилишга чорлаб сурнайини чаладиган пайтгача етиб боролса, мазкур ифодани бу фариштанинг кўзларида ҳам кўради. Бу нигоҳ эркакни хижолатга солиши, ҳалок қилиши керак эди. У эса олдингиларидан ҳам кўпроқ иршаяди ва орқасидан арқони чувалашиб турган гулдаста совға қилади.

Энди эса шляпангизни кўтариб қўйинг ва хайрлашиш учун Лудан қувноқ овозда айтилган «Кўришгунча!» ва Нэнсидан сиз нимагадир илғаб ололмаётган ва у тунги оқ капалакдек типирчилаганича, уйларнинг томлари устидан юлдузлар томонга кўтарилаётган истеҳзоли ва нафосатли табассумни олгач, кетинг.

Қизлар кўчанинг бурчагида Дэнни кутишарди. Дэн Лунинг содиқ мухлиси эди. Содиқ? У Мэри йўлдан адашган қўйини ёлланган изқуварлар ёрдамида қидиришга мажбур бўлган вақтда ҳам Лунинг ёнида турган бўларди.

– Сен совқотмаяпсанми, Нэнси? – сўради Лу. – Ўзинг жуда аҳмоқсан-да! Ҳафтасига саккиз доллар ҳақ учун шу дўкончада умрингни ўтказяпсан. Мен ўтган ҳафтада ўн саккиз доллару эллик цент ишлаб топдим. Тўғри, дазмол босиш пештахта орқасида туриб тўр сотишдан зўр иш эмас, аммо бунинг учун яхши ҳақ тўлашади. Дазмолчи қизларимиздан ҳеч бири ўн доллардан кам ҳақ олмайди. Бунинг устига, бу ишнинг ҳеч қандай уят жойи йўқ. У ҳечам ҳақоратли ёки обрўйингни камситадиган юмуш эмас.

– Хўп, агар шундоқ бўлса, уни ўзингга ола қол, – деди Нэнси бурнини кўтариб, – менга эса ўзимнинг саккиз долларим ва битта хонам етади. Мен атрофимда яхши нарсалар ва келишган, ажойиб одамлар бўлишини яхши кўраман. Бундан

ташқари у ердаги имкониятларни айтмайсанми? Бизнинг қўлқоплар бўлимимизда ишловчи бир қиз питсбурглик металл эритувчи ё қуювчими, ёки ҳалиги бор-ку, ҳа-я, темирчига турмушга чиқди. У миллионер! Мен ҳам ўзимга ундан яхшироғини илинтириб олишим мумкин. Мен ташқи кўринишим билан умуман мақтанмоқчи эмасман, бироқ мен майда ўйин қилмайман. Хўш, кирхонада эса қизларда қандай имкониятлар бор?

– Мен у ерда Дэн билан танишганман! – ғолибона деди Лу. – У ўзининг якшанбалик кўйлаклари ва ёқачаларини олиб кетгани кирганди, мен биринчи тахтада дазмоллаётгандим. Шу куни Элла Межинниз касал бўлиб қолган ва мен унинг ўрнини эгаллаган эдим. У энг аввал менинг қўлларимга – ниҳоятда оппоқ ва дўмбоқ қўлларимга кўзи тушганини айтди. Мен енгларимни шимариб олгандим. Кирхонага жуда тартибли ва одобли одамлар кириб туришади. Уларни дарров ажратасан. Улар кирларини жомадончаларда олиб келишади ва эшик олдида саланглаб туришмайди.

– Бундай кийимни қандай кийиб юра оласан, Лу? – деб сўради Нэнси дугонасининг олабайроқ либосларига оғир қовоқлари остидан ҳорғин ва истеҳзоли назар ташларкан. – Дидинг ҳам бор экан, ўзи!

– Хўш, нима бўпти? – норозилик билдирди Лу. – Бу либос учун мен ўн олти доллар тўлаганман. У эса йигирма беш доллар туради. Қандайдир аёл уни ювишга топшириб, олиб кетгани йўқ. Хўжайин уни менга сотди. Ундаги кашталар қўлда тикилган. Сен, яхшиси, айт-чи, устингга қанақа сийқаси чиққан, расво нарса кийиб олгансан, ўзи?

– Бу расво нарса, – деди совуқ оҳангда Нэнси, – ван Олстин Фишер хоним кийиб юрган либоснинг

аниқ нусхаси. Қизлар бултур бизнинг дўконимизда унинг ўн икки минг долларлик ҳисоби (харидлар учун олдиндан ўтказилган маблағлар қайд қилинган рақами) бўлган, дейишади. Кўйлагимни ўзим тикканман. У менга бир ярим долларга тушди. Беш қадам наридан Фишер хонимники билан менинг кўйлагимни бир-биридан ажрата олмайсан.

– Майли, энди! – Кўнгилчанлик билан деди Лу. – Агар оч қолиш ва кеккайишни истасанг, ихтиёр ўзингда. Менга эса ўзимнинг ҳам ишим бўлаверади, кўп ҳақ тўласалар, бўлди. Эвазига эса ҳамёнимга тўғри келадиган энг чиройли кўйлак кийишни хоҳлайман.

Шу пайт арзон бўйинбоғ тақиб олган, монтёр бўлиб ишлайдиган (ҳафтасига ўттиз доллар топадиган) шаҳар ёшларига бостириладиган бетакаллуфлик, одобсизлик тамғаси тушмаган жиддий йигит Дэн пайдо бўлди. У Луга Ромеонинг ғамгин кўзлари билан боқар ва қизнинг каштали либоси унга ҳар қандай пашша ўралиб қолишни бахт деб биладиган ўргимчак тўри бўлиб туюларди.

– Менинг дўстим жаноб Оуэнс, – таништирди Лу. – Бу эса Дэнфорс хоним, танишинглар.

– Жудаям хурсандман, Дэнфорс хоним, – деди Дэн қўлини узатаркан. – Лу сиз ҳақингизда кўп гапирарди.

– Миннатдорман, – деди Нэнси унинг кафтига совуқ бармоқларининг учини теккизиб. – Менгаям Лу сиз тўғрингизда... баъзи-баъзида эслатиб турарди.

Лу ҳиринглаб қўйди.

– Бундай қўл сиқишишни ван Олстин Фишер хонимдан юқтирдингми? – сўради у.

– Шунинг учун ҳам бунинг ўрганишга арзишига ишонавер, – деди Нэнси.

– Буни менга ҳечам кераги йўқ. Ортиқча назокат бу. Бриллиант кўзли узуклар билан олифтагарчилик қилиш учун ўйлаб топилган. Бундай узукларга эга бўлганимдан кейин бир уриниб кўраман.

– Сен аввал ўрган, – мулоҳазакорлик билан деди Нэнси, – узукларинг ҳам тезроқ пайдо бўлиб қолади.

– Хўп, бу баҳсга нуқта қўйиш учун, – гапга аралашди Дэн ҳар доимгидек қувноқ табассум қиларкан, – менга таклиф киритишим учун ижозат беринглар. Модомики, мен иккалангизни заргарлик дўконига таклиф қила олмас эканман, балки биргаликда опереттага борармиз? Менда чипталар бор. Ҳақиқий бриллиантларни ҳамёнимиз кўтара олмас экан, унда театр бриллиантларини томоша қиламиз.

Содиқ рицар йўлка четидаги ўз жойини эгаллади. Лу унинг ёнида ҳашаматли товус либосида юриб кетарди. Ундан кейин эса гўзал, чумчуқчадек камтар, аммо ҳақиқий ван Олстин Фишер хонимнинг сулукати билан Нэнси одимларди. Улар шу тарзда ўзларининг оддийгина кўнгилхушликларини излагани кетишди.

Ўйлашимча, катта универсал дўконини ўқув муассасаси, деб ҳисоблайдиганлар унча кўп бўлмаса керак. Аммо Нэнси учун ўзи ишлайдиган дўкон ҳақиқий мактаб эди. Уни нозик дид билан нафас олувчи чиройли нарсалар ўраб турарди. Агар атрофингизда ҳашамат бўлса, унинг учун сизми, бошқа одамми, ким пул тўлашидан қатъи назар, у сизга тегишлидир.

Унинг харидорларидан кўпчилиги жамиятда юқори мавқега эга бўлган, модалар ва ўзини тутиш қоидаларини яратувчи ва таомилга киритувчи аёллар эдилар. Нэнси эса улардан ўлпон йиға бошлади –

уларнинг ҳар биридан ўзига ёққан одатни сингдириб борди.

Бир аёлдан у ҳаракатларнинг, имо-ишораларнинг нусхасини кўчирди, бошқасидан қошларини маъноли чимиришни, учинчисидан вазиятга қараб қадам ташлашни, сумкачасини ушлаш, табассум қилиш, дўстлар билан сўрашиш ва ўзидан «паст поғонада турувчилар» билан муомала қилиш йўсинини олди. Ўзининг суюкли модели ван Олстин Фишер хонимдан у, ҳақиқатан ҳам, ажойиб бир фазилатни – кумушдек тоза, булбулнинг хонишидек мусиқий, майин ва нафосатли овозини ўзлаштирди. Диднинг олий даражада нозиклашиши ва яхши сулукатлар муҳитида бўлиш унга бундан ҳам чуқурроқ таъсир кўрсатиши керак эди. Яхши одатлар яхши тамойиллардан яхшироқ, дейишади. Эҳтимол, шундайдир. Ота-оналарнинг ўгиту насиҳатлари сизнинг пуританликка (юзаки одоблилик) берилган виждонингизни ҳалокатдан сақлаб қололмаслиги мумкин, аммо сиз стулда суянчиққа тегмасдан қаддингизни ростласангиз ва «призмалар», «пилигриммлар» сўзларини қирқ марта такрорласангиз, иблис руҳингиздан чиқиб кетади. Шунинг учун бўлса керак, Нэнси ван Олстин Фишер хонимнинг гапириш оҳангини қўллаганида уни «Мавқе шуни тақозо қилади», деган мағрур ҳаяжон титроғи босарди.

Бу универсал мактабда билимнинг бошқа манбалари ҳам бор эди. Агар бир нечта сотувчи қизнинг торгина доирага тўпланиб олишгани ва сохта билагузукларини суҳбатларига ҳамоҳанг равишда шақирлатишаётганлигига кўзингиз тушса, улар модапараст сатанг Этелнинг пешонасига тушган гажак сочини муҳокама қилишаяпти, деб ўйламанг. Балки бу йиғилишга эркакларнинг қонунчилик

мажлисининг босиқ салобати етишмаётгандир, аммо ўз аҳамиятига кўра у Момо Ҳавонинг қандай қилиб Одам Атонинг эс-ҳушини жойига келтириб қўйиш ҳақидаги биринчи кенгашидан қолишмайди. Бу моҳияти Саҳна бўлган Дунёга ҳужум қилиш ва уни бу ҳужумдан ҳамда Саҳнага қайсарлик билан гулдаста улоқтираётган томошабин эркакдан муҳофаза қилиш борасидаги Ўзаро Ёрдам ва стратегик назариялар алмашиниш юзасидан Аёллар конференциясидир. Оҳудек латиф, аммо унинг тезлиги ато этилмаган, қушдек гўзал, лекин қанотлари йўқ, асаларидек ширин, аммо лаззатдан маҳрум аёл ердаги мавжудотлар орасида энг ҳимоясизидир. Яхшиси, ташбеҳлардан воз кеча қолайлик, чунки орамизда ниш урилганлар ҳам чиқиб қолиши мумкин.

Бу ҳарбий кенгашда қуроллар айирбошланади ва ҳаётий тўқнашувларда тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашадилар.

– Мен эса унга «Шилқим!» дедим, – деди Сэди. – «Сиз менга нимага бундай гапларни айтаяпсиз? Мени ким деб ўйлаяпсиз?» У менга шундай деб жавоб қайтарди....

Бошлар – қора, қизғиш-қўнғир, малла, оқсариқ, олтинранг сочлилар яқинлашдилар. Сурбет йигитнинг жавоби айтилди, келажакда умумий душман – эркак билан дуэлда бундай ҳамлани қандай қайтариш ҳақида бир қарорга келиб олинди.

Ҳимоя санъатига Нэнси мана шу тарзда ўрганди, аёл учун эса муваффақиятли ҳимоя ғалаба демакдир.

Универсал дўконнинг ўқув дастури жуда кенг. Ҳеч қайси коллеж Нэнсини унинг орзуси – никоҳ лотереясида ютиши учун бунчалик пишиқ-пухта тайёрлай олмасди.

Унинг пештахтаси жуда қулай жойлашганди. Дўконнинг мусиқа бўлими ёнма-ён эди ва у машҳур

бастакорларнинг асарлари билан жуда бўлмаганда, ўзи кириб олишга журъатсизгина орзу қилаётган ўша нотаниш зодагонлар даврасида мусиқани жуда яхши тушунувчи одам, деб қабул қилиниши учун талаб қилинадиган даражада танишиб олди. У аёл кишига маданиятнинг ўрнини деярли босувчи безаклар, майда-чуйдалар, ҳашаматли, қиммат матолар ҳамда заргарлик буюмларининг билим ва руҳни юксакларга кўтарувчи муҳитини ўзига сингдирарди.

Нэнсининг иззатталаб интилишлари унинг дугоналари учун узоқ вақт сир бўлиб қолгани йўқ. «Қара, ҳув ана сенинг миллионеринг, Нэнси!» янграрди унинг пештахтасига ташқи кўриниши бу сифатга мос харидор яқинлашганида. Хонимлари харидлар билан шуғулланиб бўлгунларича, дўконда саланглаб юрадиган эркакларнинг даструмоллар қўйилган пештахта олдида тўхташлари ва батистдан тикилган квадратчаларни шошилмай кўриб чиқишлари аста-секин одатга айланди. Уларни Нэнсининг зодагонларникига ўхшатишга уринаётган сохта ҳаракатлари ва қизнинг табиий гўзаллиги ўзига жалб қиларди. У билан шакаргуфторлик қилишни истовчилар кўп эди. Уларнинг баъзилари миллионерлар бўлиши ҳам мумкин эди, қолганлари эса ўзларини шундай қилиб кўрсатиш учун бор кучларини ишга солардилар. Нэнси уларни фарқлашни ўрганиб олди. Пештахтасининг ён томонида дераза бўлиб, ундан пастда харидорларни кутиб турган машиналарнинг қаторлари кўриниб турарди. Шунда Нэнси машиналарнинг ҳам, ўз эгаларидек, юзлари бўлишини билиб олди.

Бир куни истараси иссиқ, ўзию сўзи одамни мафтун қиладиган жентельмен ўзини шоҳ Корфетуадек тутган ҳолда мулозамат қиларкан, рўмолчалардан элликка яқинини сотиб олди. У

чиқиб кетгандан кейин сотувчи қизлардан бири сўради:

– Нима гап, Нэн? Нега сен унинг кавушини тўғрилаб қўйдинг? Менимча, ўлжа жуда оби-тобида эди.

– Э, уми? – деди Нэнси ван Олстин Фишер хонимнинг аслаҳахонасидан олинган энг совуқ, энг илтифотли, энг лоқайд табассум билан. – Бундай сирти силлиқ – мен учун эмас. Мен унинг бу ерга қандай келганини кўрдим. Машинаси ўн икки от кучига эга, ҳайдовчиси эса ирландиялик. Сен унинг қандай рўмолчалар олганини пайқадингми? Шойидан тикилганларни! Бармоғидаги узук тамғали. Қўй, менга сохталар керак эмас.

Дўконнинг нозик ва латофатли икки хоними – бўлим мудири ва кассир бўлиб ишлайдиган қизларнинг баъзида ресторанга таклиф қилиб турадиган, келишган йигитлари бор эди. Кунлардан бир куни улар Нэнсини ҳам ўзлари билан бирга ресторанга таклиф қилишди. Зиёфат янги йил учун тузаладиган столга бир йил аввал буюртма қабул қилинадиган машҳур қаҳвахонада ўтди. Келишган йигитлар иккита эди: уларнинг бири кал (унинг сочларини кайфу сафо бўронлари сочиб юборган эди – бу бизга аниқ маълум), бошқаси – ўзининг нуфузлилиги ва ҳаётнинг барча лаззатларию бойликларидан тўйиб кетганлигини фавқулодда бир ишонч билан исботлаётган ёш йигит эди. Буни кўрсатиш учун биринчидан, у ҳозир ўзларига келтирилган шаробнинг сариқ чақагаям арзимаслиги, иккинчидан эса ўзининг бриллиант тугмачақадагичлар тақиб юриши ҳақида қасам ичарди. У Нэнсида бир олам фазилатларни пайқади. Умуман эса, йигит сотувчи қизларга бефарқ эмасди. Бу қизда эса у мансуб бўлган тоифанинг сохталикдан

холи соддалиги йигит тегишли бўлган доиранинг йўсинлари билан бирлашарди. Шунинг учун у эртаси куни эрталаб дўконга келди ва оқартирилган ирланд полотносидан тикилган рўмолчаларнинг қутиси устида ҳамма қоидаларга риоя қилиб, қизга юрак ва қўлини (ўзига турмушга чиқишни) таклиф қилди. Нэнси рад жавобини берди. Уларнинг суҳбатларини тўлиқ эшитиш учун қизғиш-қўнғир сочларни помпадур турмаклаган қўшни растадаги қиз кўриш ва эшитиш қобилиятларини тўлиқ ишга солди. Таклифи рад этилган ошиқ чиқиб кетгач, Нэнсининг бошига таъна ва маломатнинг ғазабли оқимлари ёғилди.

– Эси паст, овсар! Ахир у миллионер-ку! Кимсан ван Скителзнинг жияни, ахир. У сенга жиддий гапирганди. Йўқ, йўқ, сенинг миянг айниб қолибди, Нэн!

– Шундай деб ўйлайсанми? – деди Нэнси. – Оҳ, демак, рози бўлишим керак экан-да. «Аввало, у унчалик миллионер ҳам эмас. Оиласидагилар унга бир йилга харажатлар учун бор-йўғи йигирма минг беришади. Кал кеча унинг устидан кулганди.

Қизғиш-қўнғир турмакли қиз яқинроқ сурилди ва кўзларини қисди.

– Сен нимангга кеккайяпсан ўзи? – сўради у хириллаган овозда (ҳаяжонланганидан у оғзига резина сақич солишни унутганди). – Нима, бу сенга камми? Балки сен бирйўла Рокфеллер, Гладстон, Даун, испан қироли ва шунга ўхшаш бойваччалар компанияси билан никоҳдан ўтиш учун мормон бўлмоқчидирсан? Сенга бир йилга йигирма минг камми?

Соддаю ғўр қора кўзларнинг қаттиқ нигоҳлари остида Нэнси бироз қизарди.

– Бу ерда гап фақат пулда эмас, Кэрри, – тушунтирди у. – Кеча ошнаси уни ёлғон устида қўлга туширди. Гўё у билан театрга бирга бормаган қиз ҳақида нимадир деяётганида шундай бўлди. Мен эса ёлғончиларни ёқтирмайман. Қисқаси, у менга ёқмади. Бор гап шу. Мени осонгина кўндириб бўлмайди. Тўғри, мен бирорта бойни илинтириб олмоқчиман. Аммо менга шунчаки шовқин соладиган ғаладон эмас, ҳақиқий инсон керак.

– Сенинг жойинг жиннихонада бўлиши керак, – деди қизғиш-қўнғир помпадур турмакли ундан юзини ўгираркан.

Нэнси эса ҳафтасига топадиган саккиз д(тларига юксак ғояларни – идеалларни десак ҳам бўлади, сингдириб боришда давом этаверди. У кучини қаттиқ нон қувватлаганича ва белини маҳкамроқ боғлаганича, буюк ва номаълум ўлжасининг изидан борарди. Унинг юзида эркакларга тузоқ қўйишнинг ҳадисини олган туғма овчининг енгил, нохуш, жанговар табассуми ўйнарди. Дўкон унинг ўрмони эди; кўпинча ўлжа йирик ва чиройли кўринганида у милтиғини кўтарар ва овни нишонга оларди. Аммо ҳар гал овчининг – ёш аёлнинг бехато инстинкти уни тепкини босишдан ушлаб қолар ва у янги из бўйича йўлида давом этарди.

Лу эса ўз ишхонасида гуллаб-яшнарди. Ўзи ҳафтасига оладиган ўн саккиз доллару эллик центдан олти долларини хона ва овқат учун тўларди. Қолган пул кийимга сарфланарди. Нэнси билан солиштирганда, унда ўз диди ва ўзини тутиш йўсинларини яхшилаш имкониятлари кам эди. У кун бўйи дим бўлиб кетган кирхонада дазмол босарди ва оқшомни қандай ёқимли ўтказиш ҳақида орзу қиларди. Унинг дазмоли остидан қанчадан-қанча

ҳашаматли ва чиройли кўйлаклар чиқди ва балки либосларга борган сари ўсиб бораётган қизиқиши унга ана шу металл ўтказгич орқали ўтгандир.

У ишини тамомлайдиган пайтда кўча ёруғми ёки қоронғи – қандай бўлишидан қатъи назар уни қизнинг соясига айланиб бўлган Дэн аллақачон кутиб турган бўларди.

Баъзан Лунинг борган сари олабайроқ ва дидсиз бўлиб бораётган кийимларига нигоҳ ташлаганида, унинг ҳалол кўзларида хавотирлик пайдо бўларди. Аммо у қизни айбламасди. Унга қизнинг ўткинчиларнинг диққатини ўзига тортаётгани ёқмасди, холос.

Лу ўз дугонасига олдингидек содиқ эди. Улар қаерга борсалар ҳам, Нэнси уларни кузатиб борар ва Дэн қувонганича ҳамда ғинг демасдан қўшимча харажатларни тўларди. Кўнгилхушликлар истовчи бу учликка Лу, айтайлик, ёрқинлик, Нэнси – тус, Дэн эса салмоқ бериб турарди. Бир қолипга солинган костюм кийган, худди шундай қолипдаги бўйинбоғ бойлаган, доимо беозор самимий қолипли ҳазили тайёр бу йигитга ишонса бўларди. У ёнингизда турганида унутиб юбориладиган, бироқ йўқ пайтларида эса тез-тез эсланадиган яхши одамлар гуруҳига мансуб эди.

Талабчан Нэнси бу бир қолипли кўнгилхушликлардан баъзан аччиқ қўшимча таъм туярди. Аммо у ёш эди, ёшлик эса ундан яхшироғи йўқ бўлгани учун сифатни миқдорга алмашаверарди.

– Дэн никоҳдан ўтайлик, деб туртиб олаяпти, – тан олди бир куни Лу. – Менга бу нимага керак? Мен ўзимга ўзим хўжайинман ва пулларимни нимани хоҳласам, шунга сарфлайман. У эса менинг ишлашимга ҳечам йўл қўймайди. Қулоқ сол, Нэнси,

ўша дўкончангда нимага ҳалигача сўппайиб юрибсан ўзи? У ердан олаётган пулинг на одамлардек ейишингга, на кийинишингга етмаса... Бир оғиз айт, сениям кирхонага ишга жойлаб қўяман. Сен олифтагарчилигингга чек қўярмидинг. Лекин бизда пул ишлаб топса бўлади.

– Бу ерда гап олифтагарчиликда эмас, Лу, – деди Нэнси. – Мен дўконда келишилган иш ҳақимнинг ярми эвазига ҳам қолишни афзал кўраман. Бу у ерга ўрганиб қолганим учун бўлса керак. Менга имконият керак. Ахир мен бутун умримни пештахта орқасида ўтказмоқчи эмасманку. Ҳар куни мен янги нимадир ўрганяпман. Мен бой ва тарбия кўрган одамлар билан, гарчи уларга фақат хизмат кўрсатсам ҳам, ишлаяпман ва менинг ҳеч нарсани ўтказиб юбормаётганимга ишонавер.

– Ўз миллионерингни илинтира олдингми? – масхараомуз сўради Лу.

– Йўқ ҳали, – жавоб берди Нэнси. – Танлаяпман.

– Вой худойим-ей! Танлаётганмиш! Эҳтиёт бўл, Нэн. Тўлиқ бўлмасаям, миллиони бор ақалли биттаси учраб қолса, қўлдан чиқариб ўтирма. Сен эса ҳазил қилаяпсан, чоғи. Миллионерлар сен билан бизга ўхшаган сотувчи қизлар ҳақида ўйлашмайди ҳам.

– Бу уларнинг ўзларига жабр, – деди Нэнси мулоҳазакорлик билан, – бизлардан айримларимиз уларни пул билан қандай муомала қилишга, уни оқилона сарфлашга ўргатган бўлардик.

– Агарда мен билан бирорта миллионер гаплашиб қолса, – хохолаб кулди Лу, – мен ўша заҳоти ҳушимдан кетиб қолардим.

– Сен улар билан учрашиб турмаганинг учун бу сенга шундай туюлади. Улар билан мулоқот

қилишнинг фарқи шундаки, сен доимо қулоғингни динг қилиб туришинг керак. Лу, сенга қизил шойидан қилинган астар бу пальто учун сал ёрқинроқдек туюлмаяптими?

Лу дугонасининг зайтун ва кул рангли сипогина устки кийимига разм солди.

– Менимча, йўқ, – агар сенинг манави тўкилай деб турган латтангнинг ёнида шундай туюлиши мумкинлигини айтмаса...

– Бу камзул, – деди қониқиш билан Нэнси, – худди ван Олстин Фишер хонимда бўлгандек, аниқ бичилган. Матоси менга уч доллару тўқсон саккиз центга, уникидан юз доллар арзонроққа тушди.

– Билмадим, – енгилтаклик билан кулиб юборди Лу, – миллионер бу хўракка илинармикан ёки йўқми? Эҳтиёт бўл, мен сендан олдин олтин балиқни ушлаб олмай.

Ҳақиқатан ҳам, фақат файласуфгина дугоналардан қайси бири ҳақ эканлигини ажратиб бера оларди. Дўконларда ва идораларда минглаб қизларни сувтекинга ишлашга мажбур қиладиган ғурурдан ва нозик табиатликдан маҳрумлик Луга ҳам хос эди ва у сершовқин ҳамда дим кирхонада дазмолини гурсиллатиб ишлаб юрарди. Олаётган иш ҳақи унга етиб ортарди. Либосларининг ҳашамдорлиги ортиб борарди ва Лу энди Дэннинг – чидамли, ўзгармас, содиқ Дэннинг яхшигина, аммо башанг бўлмаган костюмига қийшиқ нигоҳ ташлай бошлади.

Нэнси эса жуда кўп нарсаларга тегишли ҳамда қайсидир маънода уларнинг эгаси ҳам эди. Шойи ва қимматбаҳо тақинчоқлар, жимжима тўрлар ва безаклар, атирлар ва мусиқа... Нозик ва нафосатли диднинг бутун бу олами аёл учун яралганди. Агар

бу олам унга керак бўлса, агар бу олам унинг учун ҳаёт бўлса, унда у мазкур оламда яшай қолсин. Аммо у туғилганида ўзига ато этилган ҳуқуқларини Исавга ўхшаб сотмайди. Унинг овқати, оби-ёвғони кўпинча қашшоқона бўлади.

Нэнси мана шунақа табиатли қиз эди. У дўкон муҳитида енгилроқ нафас оларди, вазмин ишонч билан камтарона кечки овқатини ерди ва арзон кўйлаклар тиктириш режаларини тузарди. Аёл табиатини у энди яхши билиб олган, ҳозир эса ўз ов ўлжаси – эркакни, унинг одатлари ва фазилатларини ўргана бошлаганди. Шундай кун келадики, у ўзи истаган, ёқтирган энг катта, энг зўр ўлжани қўлга киритади. Қиз ўзига ўзи шундай ваъда берганди.

Унинг тўлдирилган мойчироғи ўчмас ва у куёвни, қачон келса ҳам, қабул қилишга тайёр эди.

Бироқ, балки беихтиёрдир, у яна баъзи нарсаларни билиб олди. У ҳаётга нисбатан қўллаётган ўлчову андозалари ўзи сезмаган ҳолда ўзгариб турарди. Баъзан доллар белгиси унинг ички нигоҳи олдида рангини йўқотиб қўярди ва унинг ўрнига «самимийлик», «ор-номус», баъзида эса оддийгина «эзгулик» сўзлари юзага келарди. Солиштиришга мурожаат қиламиз. Шундай ҳам бўладики, буғунинг орқасидан излаб келаётган овчи қалин ўрмонзор ичида бирдан сокинлик ва фароғатда чашма қулф ураётган, гуллаб-яшнаб турган майдондан чиқиб қолади. Бундай дақиқаларда Нимруднинг ўзи ҳам найзасини туширади.

Бизнинг Нэнси юракларга уларни ёпиб турган қоракўл шунчалик зарурмикин, деб ўйларди.

Бир гал пайшанба куни кечки пайт Нэнси дўкондан чиқди ва Олтинчи авенюдан ўтиб, кирхона томонга

юрди. Лу ва Дэн бир ҳафта бурун уни мусиқий комедияга бирга боришга таклиф қилишганди.

У кирхонага яқинлашаётганида у ердан Дэн чиқиб келди. Негадир йигитнинг қовоқлари осилган эди.

– Мен касбдошлари у ҳақда бирор нарса билишармикан, деб сўрагани киргандим, – деди у.

– Ким ҳақида? – сўради Нэнси. – Ахир Лу шу ерда эмасми?

– Мен сиз билсангиз керак, деб ўйлагандим, – деди Дэн. – Душанбадан бери у бу ердаям, хонасидаям бўлмаган. У хонасидан нарсаларини олиб кетибди. Бу ердаги қизлардан бирига Европага бормоқчи эканлигини айтибди.

– Шундан бери уни ҳеч ким кўрмаганми? – сўради Нэнси.

Дэн унга қаттиқ қараб қўйди. Унинг оғзи маҳкам ёпилган, кўкимтир кўзлари эса пўлатдек совуқ эди

– Кирхонадагилар, – деди у ёқтирмайгина, – уни кеча автомобиль ичида кўришганини айтишяпти. Балки сиз Лу билан бирга мияларингизни банд қилиб олганларинг – ўша миллионерлардан бири бўлса керак.

Нэнси умрида биринчи марта эркак кишининг олдида довдираб қолди.

– Сиз худди бу менинг айбим билан рўй берганидек гапираяпсиз, Дэн.

– Мен буни назарда тутмагандим, – деди Дэн бироз юмшаб.

У камзулининг чўнтагини кавлаштирди.

– Менда бугунга чипталар бор, – деди у мардона қувноқлик билан, – ва агар сиз...

– Мен сиз билан бораман, Дэн, – деди қиз.

Нэнсининг Лу билан қайта учрашгунига қадар орадан уч ой ўтди.

Бир куни кечқурун сотувчи қиз шошилганича уйига кетиб борарди. Тинчгина хиёбонда уни кимдир чақирди ва Нэнси овоз келган томонга қайриларкан, Лунинг қучоғига тушиб қолди.

Обдан кўришиб олишгач, улар бир-бирини чақиш ёки ўлжасини маҳлиё қилишга тайёргарлик кўраётган илонлардек орқаларига беихтиёр тисарилдилар, уларнинг тилларининг учларида эса минглаб саволлар титраб турарди. Шунда Нэнси Лунинг бошига бойлик ёғилгани ва бу тикувчилик санъатининг дурдоналарида, қимматбаҳо мўйналарда ҳамда ялтираб турган ноёб тақинчоқларда ўз аксини топганини кўрди.

– Эҳ сен, тентакча! – шовқинли назокат билан қичқирди Лу. – Пайқашимча, сен ҳалиям ўша дўконда ишлаётганга ўхшайсан ва ҳали-ҳалигача ўшандек жулдурвоқилигингча қолибсан. Сенинг машҳур ўлжанг нима бўлди? Ҳали тутганинг йўқми?

Шундагина Лу дугонасига бойликдан ҳам аълороқ нарса насиб этганини пайқади. Нэнсининг кўзлари қимматбаҳо тошлардан ҳам кўра ёрқинроқ порларди! Ёноқларида атиргуллар очилган, лаблари қувонч изҳорларини аранг тийиб турарди.

– Ҳа, мен ҳамон ўша дўкондаман, – деди Нэнси, – кейинги ҳафтагача ўша ерда ишлайман. Мен дунёдаги энг яхши ўлжани ушлаб олдим. Сенга энди, барибир-ку, Лу, тўғрими? Мен Дэнга турмушга чиқаяпман, Дэнга! У энди меники. Сенга нима бўлди, Лу?! Лу!..

Хиёбон орқасидан кўринишидан дурустгина кийинган, янги йиғилган таркибдан бўлган ёш, интизомли тартиб қўриқчиларидан бири кўринди. У хиёбоннинг темир панжаралари олдида қимматбаҳо мўйналарга ўралган, бармоқларига бриллиант

узуклар таққан аёлнинг аччиқ-аччиқ хўнграётгани, одмигина кийинган озғингина қизнинг эса уни юпатишга уринаётганига кўзи тушди. Аммо янги талқиндаги гибсоннусха полициячи бўлганидан, у аёллар ёнидан ўзини ҳеч нарсани пайқамаганга солиб ўтиб кетди. Хиёбоннинг темир панжарасини полициячининг тўқмоғи билан унинг жаранги олис юлдузларгача етиб боргунича тақиллатгани билан бундай вазиятда ушбу чора ҳеч қандай самара бермаслигига унинг ақли етганди.

СЎНГГИ БАРГ

Вашингтон-сквердан ғарброқ томондаги унча катта бўлмаган кварталда кўчалар, деб аталган қисқа бўлакчалар чатишиб, ўралашиб, чалкашиб кетган. Бу бўлак (проезд)лар ғалати ва қийшиқ чизиқларни ташкил қиларди. У ерда битта кўча ҳатто икки марта кесишиб кетганди. Қайсидир бир рассом бу кўчанинг жуда қимматли хусусиятини кашф қила олди. Фараз қилайлик, дўконнинг харидорлардан қарзларни йиғувчи ходими қўлларида бўёқ, қоғоз ва бўз учун ҳисоб варақларини ушлаганича кетаётиб, бу варақлар бўйича бирор цент ҳам ундиролмай келаётганда ўзини учратади!

Мана, шимол томонга қараган деразаларни, ўн саккизинчи асрда ёпилган томлар, Голланд мансардалари ва арзон ижара ҳақи олинадиган уйларни излаган санъат кишилари ўзига хос Гринич Виллиж кварталига келиб қолдилар. Кейин улар у жойга Олтинчи авенюдан бир нечта қалай кружкалари ва бир-икки манқалларини олиб келишди ва «колония» ташкил қилдилар.

Сью ва Жонсининг студияси уч қаватли ғиштин уйнинг тепасида жойлашганди. Жонси – Жовани исмининг кичрайтириб айтилган шакли. Биринчи қиз Мэн штатидан, иккинчиси Калифорниядан келган. Улар Саккизинчи кўчадаги бир ресторанннинг умумий овқат столи атрофида учрашдилар ва ўзларининг санъатга, сачратқи салат ва урфдаги енгларга

қарашларини тўла мос келди, деб топдилар. Мана шунинг натижаси ўлароқ, умумий студия вужудга келди.

Бу май ойида бўлганди. Шифокорлар зотилжам деб ташхис қўйган илтифотсиз жаноб ноябрь ойида колонияда кўринмасдан айланиб юрар ва бу ердагиларнинг гоҳ унисига, гоҳ бошқасига ўзининг совуқ панжаларини теккизарди. Бу қотил Ист-Сайд бўйича ўнлаб қурбонларини нобуд қилганича, дадил қадам ташларди. Аммо бу ерда, мохлар билан қопланган кўчаларда оёқларини бирининг орқасидан иккинчисини судраб юрарди.

Зотилжам жанобларини хуштавозе қари жентельмен, деб атаб бўлмасди. Калифорниянинг зефирларини еяверганидан камқон бўлиб қолган нозиккина, бежирим қиз қизил муштлари босқондек бўлган, нафаслари қисиладиган, барзангидек `қари тўнкага муносиб рақиб бўлармиди? Бироқ у қизчани қулатди ва Жонси бўялган темир каравотда голландча деразанинг панжаралари орасидан қўшни ғиштин уйнинг деразалари йўқ деворига тикилганича қимирламай ётарди.

Бир куни эрталаб ташвишга тушган шифокор бароқ қошларининг бир ҳаракати билан Сьюни даҳлизга чақирди.

– Унда битта имкон бор, у ҳам айтайлик ... ўнтага қарши ҳисоблаганда... – деди у термометрдаги симобни силкитар экан. – Шундаям, агар унинг ўзи яшашни истаса. Одамлар тобутчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қила бошлаганларида, бизнинг дори тайёрлаш, сақлаш, ундан фойдаланиш ҳақидаги ҳамма қўлланмаларимиз ўз мазмунини йўқотиб қўяди. Сизнинг кичкина ойимқизингиз энди тузалмайман, деган қарорга келиб олибди. У нималар ҳақида ўйлайди ўзи?

– У Неаполь қўлтиғини бўёқларда чизишни хоҳлайди.

– Бўёқларда? Бўлмаган гап! Унинг дилида, ҳақиқатан ҳам, ўйлашга арзийдиган бирор нарса, масалан, эркак йўқми?

– Эркаклар? – қайта сўради Сью ва унинг овози лабда чалинадиган гармошканикидек кескин жаранглаб кетди. – Наҳотки, эркаклар бунга арзиса... Йўқ, доктор, бунақа нарсалар унинг хаёлида йўқ.

– Ундай бўлса, у шунчаки заифлашиб қолган, – қарор қилди шифокор. – Мен илм вакили сифатида қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан. Аммо менинг беморим ўзининг дафн маросимида қанча карета қатнашишини ҳисоблай бошласа, мен дориларнинг шифобахш хусусиятларининг эллик фоизини ҳисобдан чиқариб ташлайман. Агар сиз унинг бирор марта бу йил қишда қайси фасондаги енгларни кийиш урфда бўлиши ҳақида сўрашига эришсангиз, мен унда ўндан бир ўрнига бешдан бир имконият бўлишига кафолат бераман.

Шифокор кетганидан кейин Сью студияга югуриб чиқиб кетди ва япон қоғоз салфеткасига у батамом жиққа хўл бўлиб кетмагунича йиғлади. Сўнгра чизма чизиладиган тахтани кўтариб, регтайм оҳангларини ҳуштакда чалганича Жонсининг хонасига дадил кириб борди.

Кўрпа остида аранг билиниб турган Жонси юзи билан дераза томонга ўгирилиб олганди. Сью ҳуштак чалишни бас қилди.

У тахтани ўрнатди ва журналда босиладиган ҳикояга расм чиза бошлади. Ёш рассомлар учун санъатга йўл журналларда босиладиган ва бу билан муаллифлар ўзларига адабиётга йўл соладиган ҳикояларга чизиладиган расмлар орқали қурилади.

Ҳикоя учун башанг брижа кийган ва кўзига монокл таққан айдаҳолик сигир боқувчи йигитнинг қоматини хомаки қилиб қоғозга тушираётган Сью бир неча марта такрорланган оҳиста шивирлашни эшитди. У шошганича каравотга яқинлашди. Жонсининг кўзлари очиқ эди. У деразага қараганича ҳисобларди – тескари санарди.

– Ўн икки, – деди у ва бироздан сўнг: – ўн бир, – сўнг эса: – ўн, тўққиз, саккиз, етти, – деди деярли бир вақтнинг ўзида.

Сью деразага қаради. У ерда нимани санаш мумкин эди? Фақат бўм-бўш, дилга маъюслик солувчи ҳовли ва йигирма қадам наридаги ғиштин уйнинг бирорта ҳам деразаси йўқ девори кўриниб турарди, холос. Илдизларига яқин жойлари чириган қаридан-қари чирмовуқ сертугун пояси билан ғишт деворнинг ярмисигача чирмаб олганди. Кузнинг совуқ нафаси поядаги баргларни юлиб олган ва яланғочланиб қолган новдалар тўкилиб бораётган ғиштларга ёпишиб олганди.

– У ерда нимани кўра қолдинг, азизам? – сўради Сью.

– Олти, – аранг эшитиладиган овозда деди Жонси. – Энди улар тезроқ айланиб, учиб кетаяптилар. Уч кун аввал улар деярли юзта эди. Санашдан бош айланиб кетарди. Ҳозир эса бу осон. Мана, яна биттаси учиб кетди. Энди фақат бешта қолди.

– Ниманинг бештаси, азизим? Ўзингнинг Сьюзиингга айта қол.

– Барглар. Чирмовуқда. Унинг сўнгги барги тушганда, мен ўламан. Мен буни уч кундан бери биламан. Ахир сенга буни шифокор айтмадими?

– Бунақа бемаъни гапни биринчи марта эшитаяпман, – мақтовга арзигулик нафрат билан жавоб қайтарди Сью. – Қари чирмовуқдаги баргларнинг сенинг

тузалишингга қандай алоқаси бор экан? Сен ҳали бу қари чирмовуқни шундай яхши кўрармидинг, ярамас қизалоқ? Тентак бўлма! Ахир бугун эрталаб менга шифокор тезда тузалишингни айтди-ку... У нима деган эди-я. Ҳа, ҳа, эсладим, у сенда соғайишингга ўнтадан битта имкон борлигини айтди. Ахир бу мана шу ерда, Нью-Йоркда яшаётган, трамвайда юрадиган, пиёда кетаётган ёки янгидан қурилаётган уйнинг ёнидан ўтиб кетаётган ҳар биримизникидан кам эмас-ку. Шўрвадан бироз ичишга ҳаракат қил ва ўз Сьюзиингга муҳаррирга сотиб, пулига бемор қизга шароб ва ўзига чўчқа гўштидан тайёрланган котлетлар сотиб олиши учун чизаётган расмини якунлашига имкон бер.

– Энди сенинг шароб сотиб олишингга ҳожат йўқ, – деб жавоб қилди Жонси деразага синчиклаб тикиларкан. – Мана, яна битта барг учиб кетди. Йўқ, мен шўрва ичишни хоҳламайман. Демак, бор-йўғи тўртта қолди. Мен охирги барг қандай узилиб тушишини кўрмоқчиман. Ўшанда, мен ҳам ўламан.

– Жонси, азизим, – деди Сью унинг устига эгиларкан, – мен ишлашни тугатмагунимча, кўзларингни очмаслик ва деразага қарамасликка ваъда берасанми? Мен бу расмларни эртага топширишим лозим. Менга ёруғлик керак. Бўлмаса, пардаларни очиб қўйиган бўлардим.

– Наҳотки расмни бошқа хонада чизолмасанг? – совуққина оҳангда сўради Жонси.

– Мен сен билан бирга кўпроқ бўлишни истардим, – деди Сью. – Бундан ташқари сенинг анави аҳмоқона баргларга тикилишингни истамайман.

– Расмни битирганингда буни менга айт, – деди ранги ўчган ва худди қулатилган ҳайкалдек ҳаракатсиз Жонси, кўзларини юмаркан, – чунки мен охирги барг қандай узилиб тушишини кўришим

керак. Мен кутишдан чарчадим. Мен ўзимни ушлаб турган ҳамма нарсалардан қутулишни, худди мана шу чарчаган бечора барглардан биридек, борган сари пастроқ ва пастроқ учишни истайман.

– Ухлашга ҳаракат қил, – деди Сью. – Мен Берманни чақиришим керак. Мен унга қараб, олтин изловчи таркидунёчининг расмини чизмоқчиман. Узоғи билан беш дақиқага чиқаман, холос. Қара, тағин мен келгунча қимирлаб юрма, тинчгина дам олиб ёт.

Қария Берман бир қават пастда, уларнинг студиялари остида яшовчи рассом эди. У олтмишдан ошган ва соқоли Микеланжелонинг «Мусо»сидагидек гажакланиб кетганди. Санъатда Берман омадсиз эди. У ҳамон шоҳ асарини чизишга тараддуд кўрар ва ҳамон уни бошламаган эди. У бир неча йиллардан бери бир бурда нон топиш учун пешлавҳалар, рекламалар ва шунга ўхшаш чапламалардан бошқа ҳеч нарса чизмасди. Профессионал натурачиларга тўлашга қурби етмайдиган ёш рассомларга улар талаб қилган ҳолатда туриб бериш билан бироз даромад топарди. У сурункасига ичар, аммо ҳалиям ўзининг келажакда яратадиган дурдона асари ҳақида гапирирарди. Бошқа соҳаларда эса у ҳар қандай раҳмдиллик ва ҳиссиётларга берилишни мазах қиладиган жаҳлдор чол эди ва ўзига иккита ёш рассом қизни ҳимоялаш учун қўйилган қўриқчи ит сифатида қарарди. Қора арча ҳиди анқиб турган Берманни Сью унинг пастки қаватдаги ярим қоронғи хонасидан топди. Уйнинг бир бурчагидаги мольбертда дурдона асарнинг биринчи чизмаларини қабул қилишга тайёр полотно йигирма беш йилдан бери турарди. Сью қарияга Жонсининг фантазияси ҳақида ва баргдек енгил ва нозик (мўрт) бу қизнинг бу дунё билан заифгина алоқаси бўшашиб кетгани,

худди баргдек уларни ташлаб кетиб қолмаса эди, деган хавотири тўғрисида ҳам айтиб берди. Қип-қизил кўзларининг ёшланиб тургани жуда билиниб турган қария Берман бундай аҳмоқона фантазияларни масхаралаганича бақириб берди:

– Нима?! – қичқирди у. – Шунақаям тентаклик бўлиши мумкинми? – Лаънати чирмовуқнинг барглари тушиб кетаётгани учун ўлиш эмиш! Бунақа гапни биринчи марта эшитаяпман. Йўқ, сизнинг ўша тентак таркидунёчингиз учун сиз истаган ҳолатда туришни истамайман. Сиз у қиз бошини бунақа бемаъни нарсалар билан тўлдиришига қандай йўл қўйяпсиз? Оҳ, бечорагина Жонси хоним!

– У қаттиқ касал ва заифлашиб қолган, – деди Сью. – Иситмадан бошига ҳар хил оғриқли фантазиялар келаверади. Жуда яхши, жаноб Берман, агар расм чизишим учун зарур ҳолатларда туришни истамасангиз, бунинг кераги ҳам йўқ. Мен эса сизни ҳар ҳолда жирканч чол... жирканч, қари, маҳмадона, деб ҳисоблайман.

– Мана, сизга ҳақиқий аёл! – қичқириб юборди Берман. – Мени расм чизишингиз учун зарур ҳолатларда туриб бермайди, деб ким айтди? Кетдик, мен сиз билан бораман. Ярим соатдан бери сизга бу ишда ёрдам беришга тайёр эканлигимни айтаяпманку. Вой худойим-ей! Бу ер Жонси хонимдек яхши қиз касал бўладиган жой эмас. Мен қачондир шоҳ асаримни чизаман ва ҳаммамиз бу ердан кўчиб кетамиз. Ҳа, ҳа, ишонаверинг!

Улар тепага кўтарилишганида, Жонси мудраб ётарди. Сью пардани дераза рафигача туширди ва Берманга бошқа хонага ўтишга ишора қилди. Бу ерда улар деразага яқинлашишди ва хавотир билан қари чирмовуққа қарашди. Кейин бирорта сўз айтмасдан бир-бирларига тикилиб қўйишди. Совуқ, шиддатли

ёмғир қор аралаш ёғарди. Эски кўк кўйлак кийган Берман қоятош ўрнига тўнтарилган човгум устига олтин изловчи таркидунёчи ҳолатида ўтириб олди.

Эртаси куни эрталаб қисқа муддатли уйқудан уйғонган Сью Жонсининг катта очилган нурсиз кўзларини тушириб қўйилган пардалардан узмаётганини кўрди.

– Уни кўтар, мен қараб қўймоқчиман, – шивирлаб буюрди Жонси.

Сью чарчаган кўйи бўйсунди.

Нима бўпти денг? Челаклаб қуйгандек ёққан ёмғир ва шамолнинг тун бўйи тинмаган шиддатларидан сўнг ғиштин деворда ҳали чирмовуқнинг битта барги – охиргиси кўриниб турарди. Дастасининг яқинида ҳалиям тўқ яшил, аммо тишсимон четкалари бўйича чириш ва парчаланишнинг сарғимтирлиги юқа бошлаган бўлса ҳам, у ердан йигирма фут тепадаги новдада дадил турарди.

– Бу охиргиси, – деди Жонси. – Мен тунда у, албатта, тушиб кетса керак, деб ўйлагандим. Мен шамол эсаётганини эшитдим. У бугун узилиб тушади. Шунда мен ҳам ўламан.

– Худо сақласин-ей! – деди Сью чарчаган бошини шошилиб ёстиққа қўяркан. – Агар ўзингни ўйлашни истамасанг, ҳеч бўлмаса, мен ҳақимда ўйла. Менга нима бўлади, ахир?

Бироқ Жонси жавоб бермасди. Унинг руҳи сирли, узоқ йўлга шайланаркан, ер билан боғлиқ ҳамма нарсага бефарқу бегона бўлиб борарди. Жонсини ҳаёт ва одамлар билан боғлаб турган ришталар бирин-кетин узилиб, борган сари оғриқли фантазия унинг қалбини қаттиқроқ ва кўпроқ эгаллай бошлади.

Кун ўтди ва қош қорая бошлаган пайтда улар чирмовуқнинг ягона барги ғиштин девор фонида ўз

бандида турганини кўрдилар. Кейин эса қоронғилик тушиши билан яна шимолий шамол қўзғалди ва ёмғир осилиб турган голланд томидан деразаларга тўхтовсиз ура бошлади.

Тонг отиши билан бешафқат Жонси яна пардани кўтаришни буюрди.

Чирмовуқ барги ҳалиям жойида осилиб турарди.

Жонси унга қараганча узоқ ётди. Кейин унинг учун газ горелкасида товуқ шўрвани иситаётган Сьюни чақирди.

– Мен ярамас қизча бўлган эдим, Сью, – деди Жонси. – Бу сўнгги барг менга қандай разил бўлганимни кўрсатиш учун шохида қолган бўлса керак. Ўзига ўлим тилаш – гуноҳ. Энди эса менга озгина шўрва беришинг мумкин, кейин сут билан портвейн... Аммо, йўқ, менга аввал кўзгу бер. Кейин ҳамма томонимга ёстиқча қўйиб чиқ. Мен сен овқатни қандай пишираётганингга қараб ўтираман.

Бир соатдан кейин у деди:

– Сьюзи, мен қачондир Неаполь қўлтиғини чизаман, деб умид қиламан.

Кундузи шифокор келди ва Сью бир нарсани баҳона қилиб, унинг орқасидан даҳлизга чиқди.

– Имкониятлар тенг, – деди шифокор Сьюнинг титраб турган қўлини қисаркан. – Яхши парвариш қилиб турсангиз, сиз ғалаба қозонасиз. Ҳозир эса мен пастда яшовчи яна бир беморни кўриб чиқишим керак. Унинг фамилияси Берман. У рассом бўлса керак. Унинг ҳам ўпкалари шамоллаган. Фақат у қари ва жуда кучсиз. Касали ва ҳолати ҳам жуда оғир. Ҳеч қандай умид йўқ. Аммо уни бугун шифохонага жўнатишади, у ерда беморга тинчроқ бўлади.

Кейинги куни шифокор Сьюга деди:

– Унга ҳозир ҳеч нарса хавф солмаяпти. Сиз ғалаба қозондингиз. Энди овқат ва парвариш – бошқа ҳеч нарса керак эмас.

Шу куни кечки пайт Сью ёрқин кўк рангли, мутлақо бефойда шарфни тўқишни тугатгач, Жонси ётган каравот ёнига келди ва бир қўли билан уни ёстиққа қўшиб қучоқлади.

– Мен сенга бир нарсани айтиб беришим керак, менинг оппоққина сичқончам! – гап бошлади у. – Жаноб Берман бугун шифохонада ўпка шамоллаши касаллигидан ўлди. У икки кунгина касал бўлиб ётди, холос. Биринчи куни эрталаб швейцар бечора чолни хонасида, пол устида ётган ҳолда топибди. У беҳуш экан. Туфлилари ва унинг ҳамма кийимлари жиққа ҳўл ва муз каби совуқ бўлган. Унинг бу даҳшатли тунда қаерга чиққанини ҳеч ким тушуна олмаган. Кейин эса ҳали ёниб турган фонусни, жойидан қўзғатилган нарвон, ташлаб юборилган бир неча мўйқалам ва сариқ ҳамда яшил бўёқлари бор палитрани топишибди. Деразага бир қара, азизим! Чирмовуқнинг сўнгги баргини кўр. Унинг шамолда титрамаётгани ва қимирламаётгани ажаблантирмайдими? Ҳа, азизим, жаноб Берманнинг дурдона асари худди мана шу. У ушбу суратни чирмовуқнинг сўнгги барги учиб тушган ўша тунда чизган.

Бэлди Вудз шишага қўл чўзди. Бэлди нимага интилса, одатда... Аммо гап бу ерда Бэлди ҳақида эмас. У ўзига биринчи ҳамда иккинчи мартадагидан бир бармоқ баландроқ қилиб қуйди. Бэлди маслаҳатчилик қилаётганди, маслаҳатчига эса иши учун ҳақ тўлашса арзийди.

– Ўрнингда бўлганимда, мен аллақачон қирол бўлиб олган бўлардим. – Бэлди буни шундай ишонч билан айтдики, ҳатто тўппончасининг қини ҳам ғижирлаб, шпорлари жаранглаб кетди.

Уэб Игер соябони кенг шляпасини гарданига суриб қўйди ва сариқ сочларини тўзғитди. Аммо бу сартарошлик усули унга ёрдам бермади ва у ўзига қараганда яхши-ёмонни анча дуруст фарқлайдиган Бэлдидан ўрнак ола қолди.

– Эркак агар қироличага уйланса, бу энди у бошқа одамга айланиши керак деган гап эмас, – деди Уэб ўзининг ҳасратларига якун ясар экан.

– Ҳа, албатта, – деди ҳалиям чанқоқ қийнаётган ва ўйин карталарининг нисбий сифатлари ва хусусиятлари муаммолари билан самимий қизиққан Бэлди. – Сен қирол бўлишга ҳақлисан. Сенинг ўрнингда бўлганимда, мен карталарни қайтадан тарқатишни талаб қилган бўлардим. Сенга умуман бошқа карталарни тиқиштиришди. Мен сенга ким эканлигингни айтиб бераман, Уэб Игер.

– Кимман? – сўради Уэб ва унинг оч кўкиш рангли кўзларида умид учқунлари ялт этди.

– Сен консорт-шаҳзодасан..

– Ҳай,ҳай, сал ўпкангни бос, – деди Уэб. – Мен сени ҳеч қачон койимаганман-ку.

– Бу ёмон сўз эмас, – тушунтирди Бэлди. – Бу карта амаллари орасида қўлланиладиган унвонлардан бири. Унга эга бўлганлар пора олмайдилар. Тушун, Уэб, бу – тамға. Европада у билан ҳайвонларни тамғалайдилар. Фараз қилиб кўргин-а, сен ёки мен, ё бўлмаса, қайсидир голланд герцоги қирол оиласидан бўлган бирор аёлга уйланган. Хўп, вақт ўтиши билан бизнинг хотинларимиз қироличаларга айланадилар. Бизчи, қирол бўламизми? Бекорларни айтибсан. Тож кийдириш маросимида бизнинг жойимиз қиролнинг кичик отхоналарининг биринчи отбоқари билан қирол ётоқхонасининг тўққизинчи буюк қоровули ўртасида бўлади. Биздан фойда фақат суратга тушиш ва ворисларни дунёга келтиришда бўлади. Бу панд еб қолишингиз кафолатланган ўйин. Ҳа,Уэб, сен консорт-шаҳзодасан. Мен сенинг ўрнингда бўлганимда, шоҳликлараро ҳокимият ташкил қилардим ёки шахс дахлсизлиги, яъни ўз дахлсизлигимни таъминлаган бўлардим, ё бўлмаса, шунга ўхшаш бирор нарса уюштирардим. Мен, агар бунинг учун ҳамма карталарни аралаштириб ташлашга тўғри келганда ҳам, қирол бўлиб олардим.

Бэлди қироллар ҳақидаги турли мақтовлардан сўнг яна бир стаканни бўшатди.

– Бэлди, – деди Уэб тантанавор, – биз кўп йиллар давомида битта лагерда сигирларни бирга боқдик. Ҳали болалик чоғларимиздаёқ битта яйловда югурардик, битта сўқмоқдан юрардик. Оилавий сирларимизни ҳам фақат сенга айтардим. Мен Санта Мак-Алистерга уйлаганимда, сен Наполито

ранчосида отларни минишга ўргатувчи эдинг, холос. Ўшанда мен катта ўргатувчи эдим. Ҳозирчи? Менинг қадру қимматим юганнинг тўқасидан ҳам пастроқ, арзонроқ.

– Қария Мак-Алистер ғарбий Техасда чорва қироли бўлган вақтларда, – деб илиб кетди гапни Бэлди иблисона тилёғламалик билан, – сен ҳам машҳур эдинг. Сен ранчода худди у каби хўжайин эдинг.

– Ҳа, – қўшилди унинг фикрига Уэб, – у мен Сантани тузоғимга илинтирмоқчи эканлигимни пайқаб қолмагунича шундай бўлганди. Буни фаҳмлаб қолгач, у мени уйдан иложи борича олисроқ яйловга жўнатиб юборди. Чол ўлганидан кейин Сантани «чорва қироличаси» деб аташа бошлашди. Мен эса молларга қарайман, уларнинг боқувчиларини бошқараман, холос. Унинг ўзи ҳамма ишларни назорат қилиб туради, пулларни тақсимлайди. Мен эса бирорта новвосниям саёҳатчиларга тушлик учун сотолмайман. Ҳаддим сиғмайди. Санта – «қиролича», мен эса – «ҳеч ким»ман.

– Сенинг ўрнингда бўлганимда, мен қирол бўлиб олардим, – такрорлади ашаддий монархиячи Бэлди Вудз. – Эркак қироличага уйланганидан сўнг, у ҳар қандай кўринишда – тузланганми, дудланганидан қатъи назар ва ҳамма жойда – яйловдан то пештахтагача қиролича билан бир баҳода, бир хил қиймат ва қадрга эга бўлиши керак. Кўп одамлар, Уэб, Наполито ранчосидаги ҳал қилувчи сўз сенга тегишли эмаслигини ғалати, деб ҳисоблашади. Мен Игер хоним ҳақида ҳеч қандай ёмон гап айтмоқчи эмасман, у Рио-Гранде билан бўлажак Рождество байрами орасидаги энг ажойиб хонимдир. Аммо, барибир, эркак ўз уйида хўжайин бўлиши керак.

Игернинг соқоли олинган юзи таҳқирланган дилгирлик ниқоби билан чўзилиб кетди. Юзининг ифодаси, ҳурпайган сариқ сочлари, мовий содда кўзлари – буларнинг ҳаммаси кучлироқ одам ундан отбоқарлик ўрнини тортиб олиб қўйган ўқувчини эслатарди. Аммо унинг ҳайрат ёғилиб турган сермушак, етмиш икки дюймли гавдаси ва камарига осилган револьвери бундай таққослашга йўл қўймасди.

– Сен мени қандай атадинг, Бэлди? – сўради у. – Бу қанақа концерт ўзи?

– «Консорт», – тузатиш киритди унинг саволига Бэлди. – «Консорт-шаҳзода». Бу қарта ўйинидаги аҳамияти пастроқ қартанинг тахаллуси. Сенинг мавқеинг эса валет кўзир билан учлик қартанинг орасидаги бирор жойда белгиланган.

Уэб Игер хўрсиниб қўйди ва полдан винчестер ғилофининг тасмасини кўтарди.

– Мен бугун ранчога қайтаман, – деди у лоқайдгина. – Эртага Сан-Антониога бир тўда буқа жўнатишим керак.

– Қуруқ кўлгача мен сенинг ҳамроҳинг бўламан, – эълон қилди Бэлди. – Менинг Сан-Маркасдаги лагеримда молларни тўплашиб, ораларидан икки ёшлиларини ажратиб олишяпти.

Иккала ошна отларига минишди ва эрталаб чанқоқларини қондиришган кичик темир йўл қўрғонидан жўнаб кетишди.

Йўллари ажраладиган қуруқ кўлнинг ёнида улар хайрлашув сигареталарини чекиш учун отларини тўхтатишди. Кўплаб миляга чўзилган йўл давомида улар сукут сақлаб келишганди ва тинчликни фақат отлар туёқларининг эзилган мескит ўтларига урилиб чиқараётган дупури ҳамда бутанинг ёғоч узангиларга теккандаги шитирлашигина бузиб турарди, холос.

Аммо Техасда суҳбатлар камдан-кам ҳоллардагина бир-бирига боғлиқ гаплардан иборат бўлади. Иккита гап орасида бир миля узоқликдаги жойга етиб олиш, овқатланиш, қотиллик содир этиш ва буларнинг ҳаммасини ривожлантирилаётган тезисга зарар етказмасдан амалга ошириш мумкин. Шунинг учун Уэб ўн миля олдин бўлиб ўтган суҳбатга ҳеч қандай кириш сўзисиз қуйидагиларни қўшди.

– Сантанинг доим бундай мустақил бўлмаганини ўзинг ҳам эсласанг керак, Бэлди. Сен қария Мак-Алистернинг бизларни бир-биримиздан узоқда ушлаб тургани ва Сантанинг мени кўргиси келаётгани ҳақидаги хабар бериб турган кунларни ҳам унутмагансан, албатта. Қария Мак-Алистер агар мен фермага милтиқ ўқи етиб бориши мумкин бўлган масофадан яқинроқ жойга бориб қоладиган бўлсам, мендан човли ясашга қасам ичганди. Менга ўша кунлари Санта юборадиган нишонни эслайсанми?.. Юрак ва унинг ичида хоч бўларди.

– Менми? – қичқирди Бэлди сархуш жиззакилик билан. – Оббо, сен қари бўри-ей! Эслайсанми? Ҳой, лаънати бўйни узун мусича, лагерда ҳамма йигитлар сизларнинг ўша иероглифларингни ўрганиб олишганларини биласанми ўзи? «Ошқозон суяклари билан хоч устига хоч» – биз уларни мана шундай деб атардик. Биз ранчодан келтирилган юклар устида уни доимо пайқардик. Улар ун қоплари устига кўмир ёки газетага қалам билан ёзилган бўларди. Бир гал эса мен бу нарсани Мак-Алистер ранчодан юборган янги ошпазнинг кийими елкасига чизилганини кўрганман. Чин сўзим!

– Сантонинг отаси, – қисқа қилиб тушунтирди Уэб, – қизидан менга хат ёзмаслик ва топшириқлар жўнатмаслик ҳақида ваъда олган. Шунда у мана шу «Юрак ва хоч» белгисини ўйлаб топганди. Мени

кўрмаса бўлмайдиган бўлиб қолганда, у мана шу белгини дуч келган нарсага қўяверган. Ишқилиб, менинг кўзим тушса, бўлди, деб ўйлаган. Бу белгини кўрган заҳоти мен тунда ранчога югуриб етиб борардим. Биз у билан кичкина отхона орқасидаги дарахтзорда учрашар эдик.

– Биз буни билардик, – сўзларни чўзиб деди Бэлди, – фақат сездирмай юрардик. Ҳаммамиз сиз томонда эдик. Сенинг нимага отингни доим тайёр ушлаб туришингниям тушунардик. Юкларга чизилган «суякли ошқозон»ни кўрганимизда, қари Пинтонинг от бўлганига пушаймон бўлганича, ўт ўрнига миляларни ютишига тўғри келишиниям билардик. Сен Скеррини... отларни минишга ўргатувчи олимни эслайсанми? Ҳалиги-чи, ранчога ичкиликбозликдан даволаниш учун коллеждан келган йигит бор эди-ку? Ўша Скерри ниманингдир устида «Тезроқ ўз суюклигингнинг ёнига етиб кел!» тамғасига кўзи тушиши ҳамоно қўлини мана бундоқ силтарди ва «Ҳа, бугун тунда ошнамиз Леандр яна Теллиспункт орқали сузиб ўтаркан-да», дерди.

– Сўнгги марта, – деди Уэб, – Санта менга белгини касал бўлиб қолганида юборган эди. Мен уни лагерга қайтишим биланоқ пайқаб қолдим ва шу тундаёқ Пинтони қирқ миляга елдириб етиб келдим. Кичик дарахтзорда у йўқ эди, уйга яқинлашганимда эшик олдида мени қария Мак кутиб олди.

– Сен ўлгани келдингми? – деди у. – Бугун бу ниятингга эришолмайсан. Мен ҳозиргина сени чақириб келиш учун мексикалик йигитни юборган эдим. Санта сени кўрмоқчи. Мана бу хонага кир ва у билан гаплаш. Чиққанингдан кейин эса мен билан гаплашасан.

Санта қаттиқ касал бўлиб қолганди. Аммо у мени кўриб, жилмайгандек бўлди ва бизнинг қўлларимиз

бир-бирига қаттиқ чирмашди. Мен унинг каравоти олдида қандоқ бўлсам, шундайлигимча, чангга беланганимча, шпорларни ечмасдан чарм шимда ўтирардим.

– Бир неча соат менга отингнинг туёқлари дупури эшитилиб тургандек туюлди, – деди у. – Мен етиб келишингга ишонган эдим. Сен белгини кўрдингми? – шивирлади у.

– Лагерга қайтишим биланоқ, – дедим мен. – У картошка ва пиёз солинган қопга чизилган эди.

– Улар доимо бирга, – деди у мулойимлик билан, – ҳаётда доимо бирга.

– Улар димланган гўшт билан биргаликда жуда ажойиб бўлишади, – дедим мен.

– Мен юрак билан хочни назарда тутаяпман, – деди у. – Бизнинг белгимиз. Муҳаббат ва изтироб. У мана нимани билдиради.

Виски ичиб ва пальма баргидан қилинган елпиғич билан вақтини чоғ қилиб ўтирган шифокор Макгров ҳам шу ерда эди. Санта эса кўп ўтмай ухлаб қолди. Шифокор эса унинг пешонасига қўлини теккизди ва менга: «Сиз иситмани тушурувчи тузуккина малҳам экансиз. Бироқ ҳозир кетганингиз маъқул. Чунки ташхисга кўра сиз катта миқдорда талаб қилинмайсиз.Уйғонганида, қиз соппа-соғ бўлади».

Мен хонадан чиқдим ва қария Мак-Алистерни учратдим.

– У ухлаяпти, – дедим мен. – Энди сиз мендан човли ясашингиз мумкин. Вазиятдан фойдаланиб қолинг, мен эса милтиғимни эгарнинг устида қолдирибман.

Қария кулиб юборди ва деди:

– Ғарбий Техасдаги энг яхши бошқарувчини қўрғошинга тўлдиришдан менга нима фойда? Бунақасини яна қаердан топа оламан. Мен нима

учун сени яхши нишон деяпман? Чунки сен менинг куёвим бўлмоқчисан. Сен, Уэб, менинг оиламга аъзо бўлишга ярамайсан. Бироқ, агарда сен бурнингни қўрғончага суқавермасанг, сендан Нопалитода яхши фойдаланишим мумкин. Ҳозир эса тепага чиқ ва бироз дам ол, уйғонганингдан кейин эса биз сен билан ҳаммасини муҳокама қилиб оламиз.

Бэлди Вудз шляпасини пешонаси томонга суриб қўйди ва оёғини эгарнинг қошидан оширди. Уэб жиловни тортди ва унинг анча туриб қолган оти рақсга тушгандек ҳаракатлар қила бошлади. Эркаклар, ғарбда қабул қилинганидек, бир-бирларининг қўлларини сертакаллуфлик билан қисишиб, хайрлашишди.

– Адиос, Бэлди, – деди Уэб, – сени кўрганимдан ва сен билан суҳбатлашганимдан жудаям хурсандман.

Отлар, худди беданалар галаси бирдан пириллаб кўтарилганда кузатиладиган ғала-ғовурга ўхшаш қаттиқ шовқин солганларича жойларидан сапчиб, чопиб кетдилар. Чавандозлар уфқнинг бошқа-бошқа нуқталарига ошиқардилар. Юз ярдча йўлни босиб ўтгач, Бэлди отини тап-тақир тепаликда тўхтатди ва чинқириб юборди. У эгарда ўтирганича тебранарди. Бордию, у пиёда кетаётган бўлганида, ер унинг остида гир айланиб, уни қулатган бўларди. Аммо у эгарда доимо мувозанатни сақлай олар, вискининг таъсири устидан кулар ва оғирлик марказидан нафратланарди.

Чинқириқни эшитган Уэб қайрилиб қараб қўйди.

– Ўрнингда бўлганимда, – Бэлдининг овози тешиб ўтувчи масхара билан унга етиб келди, – мен қирол бўлган бўлардим.

Эртаси куни эрталаб соат саккизда Бэд Тернер Нопалитодаги уй олдида эгардан сирғалиб тушди ва шпорларини жаранглатиб, галерея томонга юрди.

Бэд шу куни қорамоллар тўдасини Сан-Антониога ҳайдаб кетиши керак эди. Игер хоним галереяда эди ва қизил рангли тувакдаги гиацит гулини суғораётганди.

«Қирол» Мак-Алистер қизига кўп яхши хислатларини: қатъиятлилик, қувноқлик ва довюраклик, ўзига ўжарларча ишонч ҳамда шоҳларнинг ғururини мерос қилиб қолдирганди.

Мак-Алистернинг яшаш ва ишлаш суръати доимо «аллерго» (тез), ўзини тутиш йўсини – «фортиссимо» (фортадан кучлироқ – ниҳоятда қаттиқ) бўлган эди. Санта уларни мерос қилиб олди, лекин айнан кўчирмасдан, аёлларга мослаштириб ўзлаштирди. Кўп жиҳатдан у сигирларининг тобора ўсиб борувчи подалари уйларига қироллик виқорини ато этишларидан аввалроқ бутунлай бошқа яйловларга риҳлат қилган онасини эслатарди. Унда онасининг гўзал ва соғлом қомати, Мак-Алистернинг ҳукмронлик билан боқувчи кўзларининг баджаҳллиги ва қиролларга хос виқорини юмшатувчи вазмин чирой бор эди.

Уэб галерея охирида турли лагерлардан фармойиш олгани келган бошқарувчилардан бир нечтаси билан бирга турганди.

– Салом, – деди Бэд қисқагина қилиб. – Молларни шаҳарда кимга топширай? Ҳар доимгидек Барбергами?

Бундай саволларга жавоб бериш қироличанинг ваколатида эди. Хўжаликни бошқаришнинг ҳамма жиловини – харид қилиш, сотиш ва ҳисоб-китобларни – у ўзининг чаққон қўлларида маҳкам ушлаб турарди. Молларни бошқариш тўлиқлигича эрига ишониб топширилганди. «Қирол» Мак-Алистер ҳукмронлиги даврида Санта унинг котибаси ва ёрдамчиси бўлганди. У энди ўз ишини оқилона

давом эттирарди. Аммо у саволга жавоб бериб улгурмай Консорт-шаҳзода вазмин қатъият билан деди:

– Бу тўдани Циммерман ва Несбитнинг қўтонларига топшир. Мен яқинда бу ҳақда Циммерман билан гаплашганман.

Бэд баланд пошналарида бурилди.

– Тўхтаб туринг, – шошилганча чақирди уни Санта. У эрига қаради. Унинг қайсар кўзларида ажабланиш барқ уриб турарди. – Бу нимаси, Уэб? – сўради у. Азбаройи чимирилганидан қошлари орасида кичкина ажин пайдо бўлди. – Мен Циммерман билан савдо ишларини олиб бормайман. Мана беш йилдирки, Барбер биздан сотувга чиқариладиган ҳамма молларни олади. Мен унинг хизматларидан воз кечмоқчи эмасман. – Шундай деркан у Бэд Тернер томонга қайрилди. – Бу молларни Барберга топширинг, – хулоса қилди у қатъийлик билан.

Бэд галереяда осилиб турган сувли кўзага эътиборсизгина қараб қўйди ва оғирлигини бир оёғидан иккинчисига ташлади ва мескит баргини чайнаб кўрди.

– Мен бу тўданинг Циммерман ва Несбитга жўнатилишини истайман, – деди Уэб ва унинг мовий кўзларида совуқ аланга ялтираб кетди.

– Тентаклик! – деди тоқатсизланганича Санта. – «Кичкина қарағай» сувлоғида тушлик қилишингиз учун сиз ҳозир жўнашингиз яхшироқ, Бэд. Барберга бир ойдан сўнг бизда яроқсиз деб топилган бузоқларнинг бир партияси бўлишини айтиб қўйинг.

Бэд Уэбга яширинча қараб қўйди. Уларнинг нигоҳлари тўқнашди. Уэб Бэднинг кўзида уни кечириш ҳақидаги илтимосни пайқади, аммо буни ўзига ҳамдардликка йўйди.

– Молларни, – деди у ғазаб билан.

– Барбернинг фермасига топширинг, – унинг бошлаган гапини кескирлик билан тугатди Санта, – ва бунга нуқта қўямиз. Сиз яна ниманидир кутяпсизми, Бэд?

– Йўқ, хоним, – деди Бэд. Аммо жўнаб кетишидан аввал у сигирга думини роппа-роса уч марта силкитиши учун етадиган фурсатда тараддудланиб туриб қолди; ахир эркак доимо иккинчи эркакнинг иттифоқчиси-ку ва ҳатто филиститмияликлар Самсонни зўрлашгач, бу ишни қилишганлари учун қизариб кетишган бўлсалар керак.

– Ўз хўжайинингга қулоқ сол! – аччиқланганича қичқирди Уэб. У шляпасини ечди ва хотинига шундай таъзим қилдики, шляпаси ерга тегиб кетди.

– Уэб, – деди Санта таъна билан, – сен бугун ўзингни шунақаям тентакларча тутаяпсанки...

– Сарой қизиқчиси, зоти олиялари, – деди Уэб шошилмай ва ўзгарган йўғон овоз билан. – Яна нимани кутиш керак? Фикрларимни айтиб олишга ижозат беринг. Мен «моллар қиролича»сига уйланишимдан аввал эркак эдим. Ҳозир мен кимман ўзи? Ҳамма учун масхараман. Бироқ мен эркаклигимча қоламан.

Санта унга қаттиқ тикилди.

– Тентаклик қилишни йиғиштир, Уэб, – деди у хотиржам. – Мен сени бирор ножўя иш қилиб хафа қилганим йўқ. Мен сен молларни қандай бошқараётганингга наҳотки аралашаётган бўлсам? Ишнинг тижорат томонини эса сендан кўра яхшироқ биламан. Буни мен отамдан ўрганганман. Мулоҳазалироқ бўл, илтимос.

– Агар мен шахс бўлмас эканман, – деди Уэб, – қироллар ва қироличалар менинг иқимга тўғри келмайди. Мен мол боқаяпман, сен эса тож тақиб юрибсан. Жуда яхши. Мен ўзганинг уйинида

саккиз бўлиб буралгандан кўра, яхшиси, сигирлар лагерининг лорд – канцлери бўла қоламан. Бу сенинг ранчонг ва молларингни Барбер олади.

Уэбнинг оти отлар боғланадиган қозиққа боғлаб қўйилганди. У уйга кирди-да, одатда, узоқ йўлга чиққан пайтларда олинадиган кўрпа-тўшак ўрамини, ёмғирпўшини, хом теридан қилинган, энг узун, сиртмоқли арқонини олиб чиқди. Буларнинг ҳаммасини у эгарга шошмасдан қайиш билан тортиб боғлади. Санта, юзи оқарганча, уни кузатиб турарди.

Уэб эгарга сакраб миниб олди. Унинг соқол-мўйлови олинган жиддий юзи хотиржам эди. Фақат кўзларида қайсарлик олови ёниб турарди.

– Фрио водийсидаги Хондо сувлари яқинида, – деди у, – сигирлар ва бузоқлар подаси ўтлаб юрибди. Уни ўрмондан узоқроққа ҳайдаш керак. Бўрилар учта бузоқни ғажиб кетишибди. Мен бу ҳақда топшириқ беришни унутибман. Марҳамат қилиб, Симмсга айтиб қўй, бунинг чорасини кўрсин.

Санта отнинг юганини ушлади ва эрининг кўзларига қаради.

– Сен мени ташлаб кетмоқчимисан, Уэб? – сўради у хотиржамлик билан.

– Мен яна эркакка айланмоқчиман, – жавоб берди у.

– Мақтовга лойиқ ташаббусингда муваффақият тилайман, – деди аёл кутилмаган совуққонлик билан. Кейин қайрилганича уйга кириб кетди.

Уэб Игер жанубий-ғарбга, ғарбий Техас имкон берадиган даражада тўғри жўнаб кетди. Уфққа етганида эса у, афтидан, мовий чексизликларга сингиб, қоришиб кетди, шекилли, чунки Наполито ранчосида у ҳақда ўша вақтдан бери бирорта хабар эшитишгани йўқ.

Якшанбалар бошчилигидаги кунлар ҳафталик эскадронларга, ярим ойлар қўмондонлиги остидаги ҳафталар сафларга тизилиб, байроқларига «Вақт – югурик» ёзувини битиб олган ойлик полкларга қўшилишар, йилларнинг қучоққа сиғмас лагери томон юриб борардилар. Бироқ Уэб Игер ўз қироличасининг мулкига бошқа келмаганди.

Бир куни Рио-Гранденинг қуйи оқимидан бўлган қўйбоқар чўпон ва шунинг учун ҳам ҳеч ким деярли эътибор бермайдиган Бартоломью деган қандайдир киши Наполито ранчосида пайдо бўлди ва оч қолганини ҳис этиб, қорнини тўйғазмоқчи бўлди. Ушбу меҳмондўст қироллик тартибига кўра уни тезда тушлик дастурхони атрофига ўтказишди. Шундан сўнг у худди ўзини аарон сеҳрли таёқчаси билан уришгандек, гўё ичидан сув тошиб чиқаётгандек, гапга тушиб кетди. Қулоқларини жун босиб кетган тингловчилар уни диққат билан эшитишаётганини ҳис қилган чўпонни тўхтатиб бўлмасди.

– Игер хоним, – деб қақилларди у, – яқинда мен Сэко ранчосида, Гидальго округида бир одамни кўрдим. Уни ҳам Игер, деб чақиришарди. Уэб Игер, деб. Уни энди ўша ерга бошқарувчи қилиб ишга олишаётган экан. У баланд бўйли, малла соч ва ҳамиша жим юради. Балки у қариндошларингиздан биридир?

– Эрим, – хушмуомалалик билан деди Санта. – Сэкода уни ишга ёллаб, жуда яхши иш қилишибди. Жаноб Игер ғарбдаги энг яхши чорвадорлардан бири.

Консорт-шаҳзоданинг ғойиб бўлиши камдан-кам ҳоллардагина монархиянинг ҳаётию фаолиятини бузиб, издан чиқариб юбора олади. Қиролича Санта отларни минишга ўргатувчиларнинг каттаси қилиб, отасининг содиқ вассалларидан бири бўлган ишончли

фуқароси Рэмсини тайинлаган ва Наполито ранчосида ҳамма ишлар силлиқ ва ортиқча ташвишсиз давом этаётганди. Фақат кенг яйловлардаги ўтларгина қўлтиқдан ёпирилиб келадиган шабадада тебраниб, тўлқинланиб турарди.

Наполитода бир неча йиллардан бери инглиз зотдор моли устида тажрибалар ўтказиб келинарди. Бу мол Техаснинг узун шохли молларига зодагонларга хос нафрату камситиш билан «қарарди». Тажрибалар муваффақиятли, деб топилган ва насли тоза урғочи моллар учун алоҳида яйловлар ажратилганди. Уларнинг шуҳрати даштлар оша, отлиқлар бора оладиган ҳамма жарликлар, бутазорлару чангалзорларгача тарқалиб кетганди. Шундан сўнг бошқа ранчодагилар ҳам ғафлат уйқусидан уйғонишиб, кўзларини артишди ва узун шохли молларига норозилик билан қарайдиган бўлиб қолишди.

Бунинг оқибатида бир куни офтобда қорайган, чаққон, бўйнига шойи рўмол бойлаб олган, револьверлар билан безатилган ва мексикалик ковбойлардан учтаси кузатиб келган олифтанамо йигит Наполито ранчосига келиб отидан тушди ва «қиролича»га қуйидаги мазмундаги хатни топширди:

«Игер хонимга – Наполито ранчосига.

Муҳтарама зоти олиялари!

Менга Сэко ранчосининг эгалари томонидан сизда ҳозир мавжуд бўлган сессек зотли бузоқларнинг икки-уч ёшлиларидан юз бошини сотиб олиш топширилган. Агар сиз буюртмани бажара олсангиз, бу хатни олиб борган одамга таклифимизни рад этманг. Зарур миқдордаги пулга ёзилган чек сизга дарҳол жўнатилади.

Эҳтиром билан Уэбстер Игер,

Сэко ранчосининг бошқарувчиси».

Иш доимо ва ҳамма вақт иш, мен ҳатто «қиролликда», деб ёзиб юборишимга сал қолди.

Шу оқшом молларнинг юзтасини яйловдан ҳайдаб келишиб, уларни эрталаб топшириш учун уй олдидаги қўтонга қамаб қўйишди.

Тун кириб, уйдагилар ухлаб, жимжитлик чўккач, Санта Игер ишга оид гаплар ёзилган бу хатни кўксига босганича, ҳўнграб ва ғурур (уникими ёки эриникими?) минг йилга татийдиган кунлар мобайнида учиб чиқишига йўл қўймаган исмни айтганича ёстиққа ўзини отдими? Ёки бўлмаса, ўзига хос ишбилармонлик билан у хатни бошқа ҳужжатларга қўшиб тикиб қўйдими? Агар хоҳласангиз, ўзингиз фаҳмлаб, билиб олаверинг. Аммо қироллик шаъни – муқаддас ва ҳамма нарса парда билан тўсиб қўйилган. Бироқ айрим нарсаларни сиз, барибир, билиб оласиз.

Ярим тунда Санта кўк қорамтир оддий кўйлагини устига ташлаб олиб, уйдан секингина, сирғалиб чиқиб кетди. У эманлар олдида бир лаҳза тўхтаб қолди. Дашт худди туман ичида қолгандек туюлар ва унинг титраб турган билинар-билинмас зарралари орасидан милтираётган ой нурлари оқиш-сариқ бўлиб кўринарди. Аммо тақлидчи қора палоқлар қулай ҳар бир шохда ҳуштак чалишар, бир неча миля майдонда очилиб ётган гуллар ҳавони хушбўй ҳидлар билан тўйинтирар, ялангликда эса бутун бир болалар боғчаси – хаёлдагидек туюлган кичкина қуёнчалар шўхлик қилиб, ўйнаб юрардилар. Санта юзини жанубий-шарқ томонга қаратди ва шу йўналиш бўйича ҳаводан учта бўса юборди. Барибир, унинг ишига панадан қараб турадиган ҳеч ким йўқ эди.

Шундан сўнг у эллик ярд наридаги темирчилик устахонасига товуш чиқармай жўнади. Аёл у ерда нима қилганини фақат фаҳмлаб олса бўлади, холос.

Аммо ўчоқ қиздирилди ва босқоннинг сандонга енгил урилаётган овози чиқиб турди. Купидон (севги маъбуди) ўз ўқларини чархлаган пайтда ана шундай овоз эшитилиб турган бўлса керак.

Кўп ўтмай, аёл у ердан бир қўлида дастали, ғалати шаклдаги буюмни, бошқасида эса молларни тамғаловчилар лагеридагина кўриш мумкин бўлган кўчма кўра кўтариб чикди. Ой нури ёритиб турган аёл сессек зотли моллар ҳайдаб киритиб қўйилган қўтонга қараб югурди.

У дарвозани очди ва қўтон ичига сирғалиб кириб олди. Сессек зотли молларининг аксарияти тўқ сариқ рангли эди. Аммо бу тўдада бошқаларининг олдида ажралиб турадиган оқ сут рангли бузоқ бор эди.

Мана, Санта елкасидан биз аввал пайқамай қолган ниманидир – учи сиртмоқли қайиш арқонни силтаб туширди. У сиртмоқни ўнг қўлига, арқоннинг ўралган учини эса чап қўлига ушлаганича моллар тўдаси ичига суқилиб кирди.

Унинг нишони оқ рангли бузоқ эди. Аёл лассо (сиртмоқ учли арқон)ни бузоқ томонга отди. Арқон бузоқнинг битта шохига тегиб сирғалиб тушди. Санта яна бир марта пойлаб отди. Лассо бузоқнинг олдинги туёқларини чирмаб олди ва жонивор қулаб тушди. Санта у томонга сиртлондек ташланди. Лекин бузоқ уни туртиб юборди. Ва худди хасни қулатгандек қулатди.

Санта яна бир уриниб кўрди. Безовта бўлган моллар қўтон деворлари ёнида зич массани ҳосил қилишиб, тиқилишиб туришарди. Бу галги уриниш омадли чикди; оқ бузоқ яна ерга ётиб қолди ва у ўрнидан кўтарилишга улгурмай, Санта лассони устун атрофидан айлантириб, уни оддий, аммо мустаҳкам

тугун қилиб боғлаб қўйди ва хом теридан қилинган тушов билан бузоқ томонга ташланди.

Бир дақиқа ичида (бу рекорд эмас) жониворнинг туёқлари тушовлаб бўлинди, чарчаган ва ҳансираган Санта бир муддатга қўтон деворига суянди. Кейин у дарвоза олдида қолдирган қўрага қараб чопди ва оқариб кетгунича қиздирилган ғалати шаклдаги тамғани олиб келди.

Тамға баданига текканда ҳақоратланган бузоқ чиқарган ўкирик Наполито ранчосининг шу атрофда бўлган фуқаролари (тўғрироғи, ишчи-хизматчилари, ходимлари)нинг эшитиш нервларини ва виждонларини уйғотиб юбориши керак эди. Лекин бундай бўлмади. Ярим туннинг чуқур тинчлиги оғушида Санта худди қуш сингари уйи томон учиб кетди. Унга киргач, каравотга қулади ва ҳўнграб йиғлаб юборди. Худди қироличаларнинг ҳам юраклари ранчода ишловчи ва яшовчи ишчиларнинг хотинлариники каби оддий бўлгандек, қироличалар консорт-шаҳзодаларни, агар улар қияликлар ортидан, мовий олисликдан қайтиб келсалар, уларни жон-жон деб қирол қилиб қўядигандек ҳўнграб юборди.

Эрталаб тўппончалар билан безатилган йигит ва унинг ковбойлари сессек зотли моллар тўдасини дашт орқали Сэко ранчосига ҳайдаб кетишди. Олдинда тўқсон милялик узунликдаги йўл бор эди. Уни босиб ўтиш учун молларни ўтлатиш ва суғоришга сарфланадиган вақтни ҳам қўшганда, олти кун кетарди.

Моллар Сэко ранчосига қош қораяётган пайтда етиб келишди ва ранчо бўйича катта хизматчи томонидан санокдан ўтказилиб, қабул қилинди.

Эртаси куни эрталаб Наполито қўрғончасида бутазор ичидан қандайдир отлиқ шўнғиб чикди. У

отдан тушди ва шпорларини жаранглатиб, уй томон юриб кетди. Унинг терга ботиб кетган оти оғир нафас олар, бошини эгиб ҳамда кўзларини юмиб олганича чайқалиб-чайқалиб кетарди.

Аммо Бельсхазарникидек майда холлари бўлган арғумоққа ҳамдардлигингизни исроф қилманг. Эгар урилмайдиган, узоқ масофаларда рекордга эришиш орзусини ўзида сақловчи сифатида ардоқланувчи бу жонивор ҳозир Наполитонинг яйловларида меҳр ва парваришга ғарқ бўлиб гуллаб-яшнаб, яйраб юрибди.

Отлиқ тебранганича уйга кирди. Икки қўл унинг бўйнига чирмашди ва... «Уэб... О, Уэб!» – деб қичқирди.

– Мен аблаҳ бўлган эканман, – деди Уэб Игер.

– Жим, – деди Санта, – сен кўрдингми?

– Кўрдим, – деди Уэб.

Улар нимани назарда тутишганини бир худо билади, холос. Агар бундан олдинги воқеалар ҳақида диққат билан ўқиган бўлсангиз, буни сиз ҳам билиб олишингиз аниқ.

– Сен моллар қироличаси бўл, – деди Уэб, – ва қўлингдан келса, ҳаммасини унутиб юбор. Мен расво, ёввойи бўри бўлган эканман.

– Жим! – деди Санта ва бармоқларини унинг лабларига босиб. – Бу ерда қиролича бундан буён йўқ. Сен менинг кимлигимни биласанми? Мен Санта Игер – қирол ётоқхонасининг биринчи хонимиман. Бу ёққа кел.

У Уэбни галереядан ўнг томондаги хонага судраб кирди. Бу ерда беланчак турар, унинг ичида эса шаҳзода – қизил, тўполончи, чулдировчи, бутун дунёга сурбетларча тупурувчи шаҳзода ётарди.

– Бу ранчода қиролича йўқ, – такрорлади Санта. – Қиролга қара. Унинг кўзлари сеники, Уэб. Тиз чўк ва зоти олийларига қара.

Аммо галереяда шпорларнинг шақир-шуқури эшитилди ва яна Бэд Тэрнер деярли бир йил бурунги масаласи ва саволи билан пайдо бўлди.

– Салом! Моллар аллақачон йўлга чиққан. Уларни Барберникига ҳайдайликми ёки...

У шундагина Уэбни кўрди ва оғзини очганича жим қолди.

– Ба, ба- ба- ба- ба-ба, – деб қичқирди қирол беланчакдан, муштчалари билан ҳавони саваларкан.

– Ўз хўжайинингга қулоқ сол, Бэд, – деди Уэб Игер худди бир йил бурун айтганидек истеҳзо билан.

Мана, ҳаммаси тугади. Фақат шуни эслатиш қолдики, Сэко ранчосининг эгаси қария Куин ўзи Наполито ранчосидан сотиб олган сессек зотли молларни кўздан кечиришга чиққанида, янги бошқарувчисидан сўради:

– Наполито ранчосининг тамғаси қанақа, Уилсон?

– X – чизиқ ва У, – деди Уилсон.

– Менга ҳам шундай туюларди, – деди Куин. – Аммо сен мана бу оқ бузоққа қарагин. Унга бошқача тамға босилган: юрак ва унинг ичида – хоч. Бу қандай тамға бўлди экан?

МУНДАРИЖА

Адабий-бадиий нашр

О'ГЕНРИ

АФСУНГАРЛАР СОВҒАСИ

Ҳикоялар

Муҳаррир
Фазилат МУҲАММАДИЕВА

Бадиий муҳаррир
Суннат МУСАМЕДОВ

Саҳифаловчи
Жасур ЖУМАЕВ

Техник муҳаррир
Шерзод КУШАКОВ

Лицензия рақами: AI № 182. 08.12.2010 да берилган.
Босишга 10.09.2018 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.
Босма табоғи 6,5. Шартли босма табоғи 10,92.
Гарнитура «Peterburg». Офсет қоғози.
Адади 5 000 нусха. Буюртма № 31.
Баҳоси келишилган нархда.

«Yoshlar nigohi» хусусий корхонасида тайёрланди.

Нашриёт манзили:
Тошкент, Ўқчи кўчаси, 109-уй.

«ADAD PLYUS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 100097, Тошкент, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.
Телефонлар: +99890 934 36 76

АФСУНГАРЛАР СОВҒАСИ

О'Генри

ISBN 978-9943-5258-9-4
9 789943 525894